

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*  
**УДК:336.5+33 М(575.1)**

**МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ**

**ИКРОМОВ ИЛХОМ СОИБЖОНОВИЧ**

**ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШДА БАНК ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ**  
(ХОАББ «Трастбанк» мисолида)

**5А340301 – “Маркетинг (ташқи иқтисодий фаолият)”  
мутахассислиги бўйича**

**Магистр**

**академик даражасини олиш учун ёзилган**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар:**  
и.ф.н., доц. Остонақулова Г.М

**ТОШКЕНТ – 2013**

Магистрлик диссертация иши “Ташқи иқтисодий фаолият” кафедрасида дастлабки  
ҳимоядан ўтган.

\_\_\_\_\_ - сонли баённома «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2013 й.

Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. Остонақулова Г.М. \_\_\_\_\_

Оппонент: «Тошкент Молия институти»  
«Бизнес ва тадбиркорлик»  
кафедраси доценти и.ф.н., Қосимова Н.С. \_\_\_\_\_

Магистр: Икромов И. С. \_\_\_\_\_

**“Ҳимояга рухсат этилади”**  
“Ташқи иқтисодий фаолият” кафедраси  
муdiri доц. И.Хотамов \_\_\_\_\_  
“ \_\_\_\_\_ ” “ \_\_\_\_\_ ” 2013 йил.

Ҳимоя Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида  
2013 йил “ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ соат “ \_\_\_\_\_ ” бўлади.

## Мундарижа

|                                                                                                                                                                             |           |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|
| Кириш .....                                                                                                                                                                 | 3         |
| <b>I БОБ. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ВА УНИНГ БАНК ТИЗИМИ БИЛАН АЛОҚАДОРЛИГИ ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ .....</b>                                               | <b>9</b>  |
| <b>1.1. Ташқи иқтисодий фаолият ва унинг амалга оширилиш йўллари .....</b>                                                                                                  | <b>9</b>  |
| <b>1.2. Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш усуллари .....</b>                                                                                        | <b>19</b> |
| <b>1.3. Жаҳонда умум қабул қилинган замонавий банк тизимининг пайдо бўлиши ва унинг ташқи иқтисодий фаолият билан мослашувчанлиги тавсифи .....</b>                         | <b>24</b> |
| <b>Ибоб бўйича хулоса .....</b>                                                                                                                                             | <b>34</b> |
| <br><b>II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ БАНК ХИЗМАТИ ОРҚАЛИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА “ТРАСТБАНК” ХОАББ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ .....</b> | <b>35</b> |
| <b>2.1. Ўзбекистон республикасида ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳозирги ҳолати ва унинг динамик таҳлили .....</b>                                                             | <b>35</b> |
| <b>2.2. Ўзбекистон Республикасида банк тизими ривожланишининг асосий кўрсаткичлари ва унинг ташқи иқтисодий фаолиятга таъсири .....</b>                                     | <b>45</b> |
| <b>2.3. “Трастбанк” ХОАББнинг тараққиёт йўли ва ташқи бозордаги иштироки таҳлили .....</b>                                                                                  | <b>57</b> |
| <b>Ибоб бўйича хулоса .....</b>                                                                                                                                             | <b>71</b> |
| <br><b>III БОБ. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЎЗБЕКИСТОН ҲАМДА ХАЛҚАРО БАНК ВА МОЛИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАМКОРЛИГИНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎНАЛИШЛАРИ ....</b>                | <b>72</b> |
| <b>3.1. Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларини такомиллаштириш йўллари .....</b>                                                                                        | <b>72</b> |
| <b>3.2. Ташқи иқтисодий фаолиятда банк хизмати ўрнининг замонавий тенденциялари .....</b>                                                                                   | <b>75</b> |
| <b>III боб бўйича хулоса .....</b>                                                                                                                                          | <b>95</b> |
| <br>Хулоса ва таклифлар .....                                                                                                                                               | 96        |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....                                                                                                                                      | 100       |
| Иловалар                                                                                                                                                                    |           |

## Кириш

**Магистрлик диссертация мавзусининг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикаси йигирма биринчи асрда жаҳон ҳамжамияти, халқаро иқтисодий муносабатлар субъекти сифатида жаҳон хўжалиги иқтисодий жараёнларига кўшилар экан, бунинг учун аввало пухта ўйланган ва ишлаб чиқилган ташқи иқтисодий фаолият юритиш механизми ишламоғи лозим. Бугунги кунда ташқи иқтисодий фаолият юритаётган ҳар қандай халқаро иқтисодий муносабатлар субъекти ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштирмасдан туриб жаҳон хўжалигида ўз ўрнига эга бўла олмайди ва ўз улушини ололмайди. Шу маънода ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда банк хизматининг урни ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Шундай экан биз ҳам Магистрлик диссертациясини «Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда банк тизимининг ўрни» мавзусида танладик. Чунки бугунги кунда Республикада олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар стратегиясининг асосий тамойилларидан бири бу барқарор банк тизими орқали ташқи иқтисодий фаолият юритишдан иборатдир.

Президентимиз И.А.Каримов 2013йил 18 январь куни Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида "...ташқи фаолият соҳаларидаги мустаҳкам позиция, банк тизимининг барқарорлиги, давлат қарзининг камлиги ва ташқаридан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқирознинг салбий оқибатларидан ҳимоя қилди" деб бежизга таъкидлаб ўтмадилар.<sup>1</sup>

Мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Бунда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида белгилаб олинган ва изчил равишда амалга оширилаётган улкан вазифалар мустаҳкам замин яратмоқда. Давлат

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида корхоналар кредитор қарздорлигининг қайта кўриб чиқилиши, саноат тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархининг пасайтирилиши, паст рентабелли ва иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш ва бу жараёнга тижорат банкларини жалб қилишга қаратилган ишларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида эришилган натижалар сирасига киритиш мумкин.

Мамлакатимиздаги маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган амалий чоралар, солиқ юкини енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича хўжалик тузилмаларини қўллаб-қувватлаш жадаллашиб бормоқда.

Иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилганлиги ташқи иқтисодий фаолият ва банк тизими ривожланишига ижобий туртки бўлмоқда.

Ташқи иқтисодий фаолиятни банк хизмати билан боғлиқ бўлган масалаларини ҳал этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш ва оптимал ташқи иқтисодий муҳитни шакллантириш Ўзбекистоннинг халқаро бозорлардаги ўрнини янада мустаҳкамлашда ниҳоятда долзарб ҳисобланади.

### **Магистрлик диссертацияси мавзусининг ўрганилганлик даражаси.**

Айни вақтда жуда кўплаб республикамиз иқтисодчи олимлари ва мутахассислар томонидан ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш йўллари ва истиқболларни белгилаш масалалари урганилиб келинмоқда. Жумладан Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятини такомиллаштириш йўлларини излаш, бу борада амалий самара берадиган дастурлар ишлаб чиқиш, илмий изланишлар олиб бориш борасида

олимларимиздан Р.Х.Шодиев<sup>2</sup>, Г.Г.Назарова<sup>3</sup>, Н.Сиражиддинов<sup>4</sup>, Р.М.Алимов<sup>5</sup>, Н.Х.Хайдаров<sup>6</sup> ва бошқалар томонидан ўрганилган, иқтисодий математик моделлаштириш йуналишлари, турли хил тамойиллар ишлаб чиқилган. Хориж олимларидан эса О.Т.Богомоллов<sup>7</sup>, Ю.Шишков<sup>8</sup>, J.Bhagwati<sup>9</sup>, M.Byee<sup>10</sup> ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

### **Магистрлик диссертациясининг мақсади ва вазифалари.**

Магистрлик диссертациясининг асосий мақсади жаҳон иқтисодиётининг байналминаллашуви чуқурлашган шароитда ташқи иқтисодий фаолият эркинлашувининг ва самарадорлигининг аҳамияти, давлат аралашувининг мақсад ва вазифалари, ташқи савдо сиёсати ва уни амалга ошириш тамойилларини ўрганиш ва давлат ташқи иқтисодий алоқаларида инновациялардан фойдаланишга доир тавсиялар ишлаб чиқиш, шунингдек ушбу жараёнларда банк тизимининг ўрнини белгилаб беришдан иборатдир.

Ташқи иқтисодий фаолият юритиш механизми ҳамда, бугунги кунда Республикамиз ташқи иқтисодий алоқаларини таҳлил қилган ҳолда Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятини такомиллаштириш йўллари курсатиб бериш, бундан ташқари Республиканинг халқаро савдо жараёнларидаги иштирокини, иқтисодиётдаги афзаллик томонларини урганган ҳолда изланиш олиб бориш, Республикада ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш йўллари магистрлик диссертациясида кўрсатиб берилган. Шунингдек ташқи иқтисодий фаолиятдаги банк тизимининг ўрнини аниқлашда, объект сифатида «Трастбанк» ХОАББ фаолияти таҳлилидан фойдаланилди.

---

<sup>2</sup>Шодиев Р.Х. “Жаҳон иқтисодиёти”. – Т.: “Ғофур Ғулом”, 2005.- 215 б.

<sup>3</sup>Назарова Г.Г. ва бошқалар. Маркетинг( ташқи иқтисодий фаолият). Дарслик. Т.: МЧЖ “RAM-S”, 2007.

<sup>4</sup>Сиражиддинов Н. Проблемы повышения эффективности внешней торговли Узбекистана. Т.: УМЭД, 2004.

<sup>5</sup>Алимов Р.М. и др. Центральная Азия: геоэкономика, геополитика, безопасность.. Т.: 2002.

<sup>6</sup>Назарова Г.Г., Хайдаров Н.Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар. – Т.: ТДИУ, 2005.-273 б.

<sup>7</sup>Богомоллов О.Т. Мировая экономика в век глобализации. Учебник. М.: ЗАО «Экономика», 2007. — 359 с.

<sup>8</sup>Шишков Ю. Регионализация и глобализация мировой экономики: альтернатива или взаимодополнение? //МЭ и МО, 2008, № 8, с.7.

<sup>9</sup> Bhagwati J. Termites in the Trading Sistem: How Preferential Trade Agreements are Undermining Multilateral Free Trade. Oxford, 2007.

<sup>10</sup> Byee M. Unions douanaieres et donnees nationales. 1950. Viner J. The Customs Union Issue. N.Y. 1950.

Мақсадга эришиш учун ушбу ишнинг қуйидаги вазифалари мавжуд:

- Ташқи иқтисодий фаолиятнинг инновацион омиллари;
- Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан бошқариш;
- Банк тизими ва халқаро ҳисоб-китоблар меъзонлари;
- Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо фаолиятининг инновацион ривожланиши;
- Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолияти таҳлили;
- Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқаларида банк хизматининг аҳамияти;
- Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантириш йўналишлари;
- Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ташқи иқтисодий алоқаларини такомиллаштириш йўллари.

**Илмий изланишлар объекти ва предмети.** Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқаларини банк тизими орқали ривожлантириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш жараёни ишнинг объектини ташкил этади.

Илмий ишнинг предмети сифатида банк фаолияти асослари, халқаро савдо назариялари, халқаро иқтисодий муносабатлар, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш, халқаро савдо ва халқаро ҳисоб-китоб бўйича ташқи иқтисодий фаолиятни таҳлили олинди.

Ташқи иқтисодий фаолиятни банк тизими асосида ривожлантириш, унга янги технологик усулларни жорий қилиш, шунингдек, глобаллашув шароитида ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш изланишнинг предмети бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг методологик асослари.** Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятга ва банк тизимига тегишли қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Президент И.А.Каримов асарлари, жаҳон

тажрибасида қўлланилаётган илмий ёндашувлар, иқтисодчи олимлар ҳамда мутахассисларнинг тадқиқ этилаётган муаммо юзасидан амалга оширган илмий тадқиқотлари методологик асос сифатида хизмат қилди.

**Магистрлик диссертациясининг илмий янгилиги.** Магистрлик диссертациясида куйидаги масалалар ёритиб беришга ҳаракат килинди:

- Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни афзаллик томонлари;
- Ташқи иқтисодий фаолиятининг айрим кўрсаткичларини шакллантириш ва халқаро савдода банк хизмати стратегиялари ва тактикаларидан фойдаланиш, шунингдек ТИФда инновацион фаолиятни шакллантириш;
- Глобаллашув шароитида Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш сиёсати ва унинг рақобатбардошлигини ошириш;
- Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий, шунингдек ташқи савдо фаолиятини эркинлаштириш, товарлар экспорти ва импортини тартибга солишнинг инновацион ёндашувлари;
- Ўзбекистон Республикаси ташқи савдоси таҳлили ва динамикаси;
- Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини эркинлаштириш ва унинг ташқи савдо салоҳиятини такомиллаштиришда банк хизмати ролини ошириш истикболлари;
- Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиёт тармоқларини диверсификациялаш ва модернизациялаш орқали мамлакатимизнинг ташқи савдоси ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Ташқи иқтисодий фаолиятнинг такомиллаштирилиши бу давлатмизга хорижий валюта кириб келиши, экспорт ва импорт муносабатларида фаол иштирок этиш, халқаро интеграция ва миграция жараёнларига фаол иштирок этиш,

халқаро ташкилотлар билан узаро ҳамкорлигимизни таъминлайди. Халқаро меҳнат тақсимоти ва жаҳон бозоридаги хиссамизни ва улушимизни кўпайтиради, инновацион технологиялар яратилишига сабаб бўлади.

**Диссертация ишининг таркиби:** кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, унда кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, муаммонинг ечилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот объекти, тадқиқот предмети, тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари ҳамда амалий аҳамияти кўрсатиб берилган.

Магистрлик диссертациясининг биринчи бобида ташқи иқтисодий фаолият ва унинг банк тизими билан алоқадорлиги хусусиятларининг назарий-услубий асослари, иккинчи бобида эса Ўзбекистон республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни банк хизмати орқали ривожланишининг асосий кўрсаткичлари ва “Трастбанк” ХОАББ фаолияти тахлили ҳамда учинчи бобда ТИФни ривожлантиришда Ўзбекистон ҳамда халқаро банк ва молия ташкилотлари ҳамкорлигининг инновацион йўналишлари ҳақида сўз юритилади. Хулоса қисмида бугунги кун талабларидан келиб чиқиб ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш йўллари ҳақида фикрлар билдирилган. Диссертация ишининг сўнгида фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар берилган.

## **ИБОБ. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ВА УНИНГ БАНК ТИЗИМИ БИЛАН АЛОҚАДОРЛИГИ ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ- УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ**

### **1.1. Ташқи иқтисодий фаолият ва унинг амалга оширилиш йўллари**

Цивилизациянинг ривожланиши алоҳида олинган давлатларни халқаро хўжалик алоқаларига мунтазам равишда жалб этишга олиб келади, бу эса ягона глобал жаҳон иқтисодиётини барпо этишга имкон яратади. Дунёдаги барча мамлакатлар умумий иқтисодий қонунларга кўра ривожланади, бу қонунлар халқаро муносабатлар иқтисодий характерининг устувор бўлишини кафолатлайди.

Эҳтиёжларнинг доимо мураккаблашиб борадиган таркиби, ресурслар тақчиллиги ва олислиги нафақат алоҳида олинган давлат ичидаги ҳудудлар ўртасида, балки турли давлатлар ва жаҳон минтақалари ўртасида ҳам янада самаралироқ айирбошлаш воситаларини талаб этади.

Дунёнинг турли минтақаларида иқтисодий ривожланиш ва аҳолининг ўсиши нотекис юз беради, бу ҳам халқаро айирбошлашни кенгайтириш заруратини юзага келтиради; ушбу жараёнлар янги бозорлар (товарлар, хизматлар, меҳнат, ахборот, молия ва бошқа бозорлар)ни ривожлантиришга, хомашёни олиб киришга, технология ва ахборотларни айирбошлашга, илмий, илмий-техник, ишлаб чиқариш, маданий ва бошқа ташқи иқтисодий алоқаларга имкон яратади.

Ўзбекистонда кўплаб корхона ва бирлашмалар, корпорация ва компаниялар, фирма ва бошқа ташкилотлар хорижлик шериклар билан ташқи савдо алоқаларини муваффақият билан ривожлантирмоқдалар, хорижлик инвесторлар иштирокида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширмоқдалар, халқаро ишлаб чиқариш ҳамкорлигини бутун чоралар билан кенгайтирмоқдалар ва чуқурлаштирмоқдалар. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг ушбу шакллари миллий иқтисодиётни ривожлантиришга

таъсир кўрсатади. Ана шу таъсир натижаларининг таҳлили ва халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этишни ҳисобга олган ҳолда иқтисодийни ривожлантириш истиқболларини белгилаш ташқи иқтисодий алоқалар ва ташқи иқтисодий фаолият тушунчаларининг мазмуни тўғрисидаги аниқ тасаввурга асосланиши керак.

Ташқи иқтисодий алоқалар - иқтисодийнинг барча тармоқлари ва фаолиятнинг бошқа соҳаларида давлат ва унинг субъектлари халқаро ҳамкорлигининг хилма-хил шакллари тизимидир<sup>11</sup>.

Давлат субъектларига улар зиммасига давлат томонидан юкланган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг тасарруфчилари киради. Булар ўзини-ўзи бошқарадиган ҳудудлар, уларнинг мулкчилик шаклидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектлар (акциядорлик жамиятлари, давлат корхоналари, кичик ва ўрта корхоналар, ташқи иқтисодий фаолият субъектлари, хусусий тадбиркорлар ва ҳоказолар)дир.

Бинобарин, ташқи иқтисодий алоқалар бир аниқ мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан халқаро меҳнат тақсимоти, фан ва ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ҳамда бошқа омилларга асосланган ишлаб чиқариш, савдо, сиёсий ва бошқа хил муносабатларидир. Ташқи иқтисодий фаолият ташқи иқтисодий алоқаларни рўёбга чиқариш жараёнидир.

Ташқи иқтисодий алоқалар халқаро меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқариш ва фанни ихтисослаштириш, хўжалик ҳаётини байналмиллаштириш жараёнидан объектив равишда келиб чиқади. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг шаклланиши ва ривожланиши аалоҳида олинган мамлакатларнинг ўзаро алоқалари ва бир-бирига боғлиқлигининг кучайиши билан белгиланади.

Шундай қилиб, давлатнинг ташқи иқтисодий алоқалари турли соҳаларда: ташқи савдо, фаолиятининг илмий-техник, ишлаб чиқариш, инвестиция, валюта-молия ва кредит, ахборот, маданий ва спорт турлари, меҳнат ресурсларини олиб ўтишда ўрнатилади. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг ана шу барча турларини қуйидаги шаклларга бирлаштириш

---

<sup>11</sup> А.Алимов, И.Аҳмедов. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият асослари. Т. 2004. 9-б.

мумкин: савдо (товарларни айирбошлаш, хизматлар кўрсатиш), қўшма тадбиркорлик, ҳамкорликнинг бошқа турлари. Улар халқаро иқтисодий муносабатлар амалиётида, айниқса, кенг тарқалган.

Ташқи иқтисодий алоқалар тарихий ва иқтисодий тоифа ҳисобланади. Тарихий тоифа сифатида ташқи иқтисодий алоқалар цивилизация маҳсулотидир. Улар давлатлар пайдо бўлиши билан юзага келади ва улар билан бирга ривожланади. Ушбу алоқаларнинг ривожланишига, айниқса, феодализмнинг таназзули кучли туртки берди. Натурал хўжаликдан товар-пул муносабатларига ўтилиши алоҳида давлатларнинг миллий бозорларини ривожлантиришга ва ушбу миллий бозорларнинг товар айирбошлашида кескин сакрашни туғдиради, бу эса давлат муносабатларининг иқтисодий соҳасида байналмила алоқалар ва халқаро айирбошлаш кенгайиши ва чуқурлашишига олиб келди.

Иқтисодий тоифа сифатида ташқи иқтисодий алоқалар барча турдаги ресурсларнинг давлатлар ва турли давлатларнинг иқтисодий субъектлари ўртасидаги ҳаракати пайтида юзага келадиган ишлаб чиқариш – иқтисодий муносабатлар тизимини ташкил қилади. Ушбу икки тарафлама муносабатлар давлат иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларини, аввало, унинг ишлаб чиқариш, савдо, инвестицияга оид ва молиявий фаолиятини камраб олади.

Ташқи иқтисодий алоқалар орқали жаҳон бозорининг товар ва хизматларга талаби муайян давлатнинг ички бозорига ўтказилади, бу эса ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришга имкон яратади, бу, ўз навбатида, саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо, молия муассасалари ва хизматлар соҳасини ривожлантиришга олиб келади.

Мамлакат ички бозорининг ривожланиши натижасида давлат ичида таклиф ҳажми талаб ҳажмидан ўсиб кета бошлади, бу ҳол таши савдо операцияларининг кенгайиши, сармоя қийматининг арзонлашиши ва ишлаб чиқариш ҳамда муомала чиқимларининг камайишига олиб келади.

Ҳар қандай давлатнинг ташқи иқтисодий фаолияти жаҳон хўжалигининг фаолият кўрсатиши билан боғланган ва муқаррар равишда

нафақат миллий ҳуқуқий меъёрлар, балки халқаро ҳуқуқ стандартлари билан ҳам тартибга солинади. Табиийки, миллий ҳуқуқ регламентациялари билан халқаро иқтисодий ҳуқуқ ўртасида муайян зиддиятлар мавжуд. Бир томондан, давлатларнинг ҳуқуқ соҳасидаги суверенитетини эътироф этмаслик мумкин эмас, бошқа томондан эса халқаро қоидалар устуворигини тан олиш зарурати у ёки бу мамлакатлар суверенитети соҳасига каттагина чекловчи таъсир кўрсатади.

Миллий ҳуқуқий ҳужжатларни давлатлараро шартномаларга мувофиқ тарзда муайян даражада бирхиллаштириш ҳозирги босқичда ушбу муаммонинг энг мақбул ечими ҳисобланади, яъни халқаро ҳуқуқнинг қоида ва меъёрлари амалиётда миллий қонун ҳужжатлари орқали рўёбга чиқарилади.

Ўзгартириш жараёнларининг кескинлиги Ўзбекистон миллий қонун ҳужжатларини халқаро стандартларга келтириш жараёнида муайян мураккабликларни юзага келтирди. Ушбу вазифа изчиллик билан бир неча босқичларда ҳал этиб борилди. Ташқи иқтисодий фаолият соҳасига тааллуқли қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатларнинг кўплигини эътиборга олиб, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий тизимига кириши хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш жараёни ташқи иқтисодий фаолиятни ҳуқуқий бошқариш стратегиясининг ўзига хосликларини ва ҳам минтакавий микёсда, ҳам алоҳида мамлакатлар даражасида савдо-иқтисодий ҳамкорлигинининг тегишли устуворликларини белгилаб берди.

2000 йил бошида мамлакатимиз дунёнинг 38 давлати билан савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги, 35 давлат билан эса сармоя киритишни рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисидаги келишувларни имзолади.<sup>12</sup> Бу ўринда ҳам ҳуқуқий-шартномавий базани шакллантиришда сонга эмас, балки сифатга эътибор қаратилди, яъни ҳар бир келишув Ўзбекистоннинг миллий

---

<sup>12</sup>А.Алимов, И.Ҳамедов. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият асослари. Т. 2004. 24-б.

манфаатларидан ва шерик давлатнинг ўзига хосликларидан келиб чиқиб тайёрланди.

Ўзбекистоннинг АҚШ билан кўп қиррали ҳамкорлигининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш жараёни жадал олиб борилди, ҳозир 20 дан ортиқ ўзаро келишув ва шартномалар амал қилмоқда, улар қаторида капитал кўйилмаларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш ҳақидаги келишув ҳам бор. Америка қитъаси давлатлари ичида АҚШдан ташқари катта сармоя ресурсларига ва технологик имкониятларига эга бўлган Канада билан шартномавий-ҳуқуқий муносабатларнинг ривожланаётганлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Европа Иттифоқи мамлакатлари билан муносабатларни ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий стратегиясининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Узоқ муддатли, барқарор ва умум тан олинган тамойиллар асосига қурилган ўзаро хўжалик ҳамкорлигини таъминловчи Европа Иттифоқи билан иқтисодий алоқаларни ҳуқуқий таъминлаш орқали ўз стратегик манфаатларига эришиш мақсадида Ўзбекистон қатор икки томонлама шартномалардан ташқари, Шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисида келишув шаклида савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги умумий келишувни ҳам имзолаган, у 1998 йил июнида қучга кирган. Уни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва Ўзбекистон Республикаси билан Европа ҳамжамияти ва унга аъзо давлатлар ўртасидаги Шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги келишувни амалга ошириш бўйича 2000-2005 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг асосий ташкилий чора-тадбирлари умумий дастури қабул қилинди.

МДХ мамлакатлари билан муносабатлар ҳам жадал ривожланмоқда. Ҳамдўстлик мамлакатлари билан муносабатлар илгари мавжуд бўлган иқтисодий алоқаларнинг табиий давоми ҳисобланади. Ҳозирги вақтда МДХ мамлакатлари билан алоқалар маданий савдо-сотиқ олиб боришга тўсик

бўлаётган молиявий имкониятларнинг чекланганлиги туфайли мураккаблашмоқда.

Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базасини ишлаб чиқишда ва такомиллаштиришда жаҳоннинг бошқа минтақалари мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга ҳам муҳим аҳамият бериш керак.

Халқаро молия-иқтисодий ташкилотларга аъзолик кўптомонлама ҳамкорлик даражасида шартномавий-ҳуқуқий базани шакллантириш сиёсати доирасида Ўзбекистон Республикаси учун долзарблик касб этмоқда. 1994 йилдан бошлаб Ўзбекистоннинг Умумжаҳон савдо ташкилотига кириши бўйича ҳуқуқий тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда, бу ташкилотга аъзолик Ўзбекистон учун янги имкониятларни очиши мумкин.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик миллий қонунчилик асосида ҳам ҳуқуқий тартибга солинади. “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Қонун бу жараённинг самарадорлигини таъминлайди, унда Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини тузиш, узайтириш ва бекор қилиш ҳуқуқий воситаларининг амал қилишида тегишли вазирликлар ва идораларнинг ваколатлари, ихтисослашувлари аниқ белгиланган. Бу қонун мамлакат бўйича умуман ташқи алоқаларнинг шартномавий-ҳуқуқий базасини расмийлаштириш соҳасини ривожлантиришга олиб келди.

90-йиллардаёқ қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни мамлакатда ташқи иқтисодий фаолиятни ҳар томонлама мувофиқлаштиришда муҳим ўрин эгаллайди.

Амалиётнинг кўрсатишича, бу қонун иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларида бозор усулларига босқичма-босқич ўтиш, ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш шароитларида иқтисодий ислохотларнинг дастлабки босқичларида муҳим роль ўйнади. Бироқ 90-йилларнинг охирларида бошланган мамлакат иқтисодиётини эркинлаштириш жараёнлари ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш олдида янги-янги талабларни қўя бошлади. Бундан ташқари, республикада ушбу

қонунга у ёки бу даражада дахлдор бўлган қатор қонунлар қабул қилинди. “Валюта бошқаруви тўғрисида”, “Хорижий инвестициялар тўғрисида”, “Божхона тарифи тўғрисида”, “Инвестиция фаолияти тўғрисида”, “Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунлар шулар жумласидандир. Шу муносабат билан 2000 йилнинг май ойида мамлакат парламенти томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни янги тахрирда қабул қилинди, унда бу соҳада кейинчалик қонун яратиш фаолияти учун асос бўладиган ташқи иқтисодий фаолиятнинг концептуал асослари аниқ белгилаб берилди. Ушбу қонуннинг 3-моддасига мувофиқ ташқи иқтисодий фаолият деганда Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахсларининг хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек халқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган фаолияти тушунилади<sup>13</sup>.

Қонуннинг янги тахририда ташқи иқтисодий фаолиятни бошқаришнинг маъмурий усулларида иқтисодий усуллари устуворлиги методологик тамойил сифатида аниқ белгиланди ҳамда давлат ва унинг органларининг ташқи иқтисодий фаолият субъектлари ишига ноқонуний аралаштиришлари ман қилинди. Қонуннинг янги тахрири моддалари мамлакат қонунчилигида юз берган ўзгаришларни, ташқи савдо режимини эркинлаштириш вазифаларини ҳамда бошқа тахририй тuzатишлар ва қўшимчаларни ҳисобга олиб янгиланди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон миллий иқтисодиёти субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини эркинлаштиришга қаратилган, шу жумладан, экспорт ва импорт операцияларини тарифлар воситасида ва нотариф бошқаришни тартибга солиш, экспорт маҳсулоти ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга доир чора-тадбирлар кўрилди.

Мазкур чораларнинг ҳаммаси имтиёзли тусда бўлиб, амалдаги ҳуқуқий меъёрлардан баъзи истисноларни тақозо этади. Бироқ улар шунчаки

---

<sup>13</sup>Р.Х.Шодиев, Э.Р.Махмудов. Жаҳон иқтисодиёти. Т., “Фан” 2005. 70-б.

имтиёзлар тизими эмас, барча кўрсатилган имтиёзлар тизими аниқ йўналишга эга: улар юқори даражада қайта ишланган экспорт маҳсулотини ишлаб чиқарадаиган корхоналардагина татбиқ этилади, шу сабабли ундан савдо-воситачи ташкилотлар, хом ашё ресурсларини экспорт қилувчи ва шу каби бошқа ташкилотлар фойдалана олмайдилар.

Табиийки, ўз маҳсулотининг фаол экспортини таъминлаш бозорнинг хорижий қатнашчилари билан ҳамкорлик қилишда янада реал бўлиб бормоқда. Шу сабабли мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари ва уларнинг хорижлик шериклари учун қонун ҳужжатларини мувозанатлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг мамлакатимизга чет эл инвестициялари оқимини тартибга солувчи махсус қонунлари қабул қилинди, 1994 йилда қабул қилинган ана шундай йўналишдаги дастлабки қонун (“Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”) сўзсиз, чет эл инвестицияларини жалб этишда ижобий роль ўйнади, лекин хўжалик амалиётининг реал ҳолати уни янада такомиллаштиришни тақозо этди, шунинг учун унга муайян ўзгартириш ва кўшимчалар киритиб борилди (1994, 1995, 1997 йилларда). 1998 йилда Ўзбекистон Республикасида “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги янги Қонун амалга киритилди, у иқтисодий ривожланишнинг ўзгариб бораётган шароитларига жавоб беради, жаҳон ҳамжамиятида чет эллик инвесторлар ва чет эл инвестицияларига нисбатан қабул қилинган барча талаблар ва қоидаларни эътиборга олади.

Жаҳонҳамжамиятида аллақачон тадбиркорликнинг миллий режимини хорижий қатнашчиларга татбиқ этиш белгиловчи қоидага айланган. У бир қатор халқаро ҳужжатлар: Халқаро савдо палатасининг “Халқаро инвестициялар учун амал қилувчи қоидалар”, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг “Сармоя ҳаракатини эркинлаштириш кодекси” ва “Халқаро сармоя кўйилмалари ва кўп миллатли корхоналар тўғрисида”ги декаларациясида мустаҳкамланган. Бундан ташқари, Жаҳон банки ва Халқаро Валюта Фонди чет эл инвестициялари режими тўғрисида амал

килувчи қоидалар”ни қабул қилди, унда чет эл сармоясини бирор-бир мамлакатга киритиш қоидалари, режимни қўллашга доир стандартлар, сармоя ва фойдаларни ўтказиш тартиби, низоларни бартараф этишнинг қоида ва механизмлари, бир қанча бошқа жиҳатлар таърифланган.

Миллий режим қоидаси дунёда борган сари кенга тарқалмоқда. Инвестиция чорларининг савдо жиҳатларига доир келишувга мувофиқ, Умумжаҳон савдо ташкилоти иштирокчиси бўлган мамлакатлар учун инвестиция чораларига тарифлар ва савдо бўйича бош келишув доирасидаёқ қабул қилинган тадбиркорликнинг миллий режими қоидаси татбиқ этилади. Бундан ташқари, халқаро савдода миқдорий чеклашлардан воз кечиш қоидаси қайд этилган.

“Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ ва ўз институтлари билан давлат чет эллик инвесторларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестиция фаолиятини амалга оширишлари пайтида уларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Моддаларнинг бирида шундай дейилади: “Чет эллик инвесторлар ва чет эл инвестициялари учун адолатли ва тенг ҳуқуқли режим, уларнинг тўлиқ ва доимий ҳимояси ҳамда хавфсизлиги таъминланади. Бундай режим Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгилаб қўйилган режимга қараганда ноқулайроқ бўлиши мумкин эмас.

Чет эл инвестицияларини ҳуқуқий режими Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахслари томонидан аалга оширилаётган инвестицияларнинг тегишли режимга қараганда ноқулайроқ бўлиши мумкин эмас”.<sup>14</sup>

Шу билан бирга чет эллик инвесторларга халқаро ҳуқуқ қоидаларига мувофиқ ғоятда кенг ҳуқуқлар, жумладан, инвестициялашни амалга оширишнинг ҳажмлари, турлари ва йўналишларини мустақил белгилаш, инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш, ўзининг инвестицияларига ва инвестиция

---

<sup>14</sup>А.Алимов, И.Ҳамедов. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият асослари. Т. 2004. 31-б.

фаолиятининг натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш эркинлиги берилган.

Чет эллик инвесторлар инвестиция фаолияти натижасида олинган ўзига карашли ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини патентлаштириш тўғрисида мустақил равишда қарор қабул қиладилар, олинган даромадни мустақил тасарруф этадилар, республикага кредитлар ва қарзлар тариқасида пул маблағларини жалб қилиш, ўзларидаги миллий валюта маблағларидан ички валюта бозорида чет эл валютасини сотиб олиш учун фойдаланиш ҳуқуқига ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга эгадирлар.

Чет эллик инвесторлар учун инвестиция фаолиятини амалга ошириш мақсадида ҳар қандай хорижий давлатнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан меҳнат шартномаларини эркин тузиш имкониятлари яратилган. Улар бутун Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб эркин ҳаракатлана оладилар, мамлакатимиз инвесторлари билан тенг ҳолда суғурта ҳимоясига бўлган ҳуқуқдан фойдаланадилар.

“Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуннинг асосий қоидалари халқаро амалиётда қабул қилинган талабларга тўла мувофиқ келади, зеро, чет эллик инвесторлар республика ички бозорида мамлакатимиз инвесторлари билан тенг шароитларга қўйилган. Бироқ шуни эътиборга олиш жоизки, ушбу қонунга кўра, чет эллик инвесторлар Ўзбекистон ҳудудида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни барпо этишлари ва уларга республика қонун ҳужжатларига биноан тақдим этиладиган имтиёзлар тизимидан фойдаланишлари мумкин. Ушбу имтиёзлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 20 мартда қабул қилинган “Экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни рағбатлантиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 1996 йил 31 майда қабул қилинган “Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни барпо этиш ва улар фаолиятини рағбатлантиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2005 йил 11 апрелда қабул қилинган “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий

инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонларида ва бир қатор бошқа қонун ҳужжатларида таъкидланган.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолияти борган сари халқаро ҳуқуқмеъёрларига яқинлаштирилаётган мустаҳкам қонунчиликка асосланади.

## **1.2. Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш усуллари**

Ҳозирги шароитда ташқи иқтисодий фаолият бошқа ҳар қандай иқтисодий фаолият каби маълум тартиблашга муҳтождир. Турли мамлакатлар ўртасида ўзаро иқтисодий боғлиқликнинг кучайиши ва дунё бозорида рақобатнинг кескинлашуви, жаҳон иқтисодиётида трансмиллий корпорациялар ролининг ошиши, валюта курсларининг барқарор эмаслиги, тўлов балансларининг тақчиллиги, ривожланаётган мамлакатлар қарзларининг янада ўсиши ва ҳозирги замон иқтисодий муносабатлари ривожланишининг бошқа хусусиятлари уларни нафақат алоҳида давлатлар даражасида, балки иқтисодий ташкилотлар даражасида ҳам тартибга солиш зарурлигини белгилади.

Ташқи иқтисодий алоқаларни давлат томонидан тартибга солиш - бозор муносабатлари шаклланиши шароитида сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самараси ва динамикасини ошириш мақсадида мамлакат ички ва ташқи иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган, жумладан, ташқи иқтисодий мувозанатни таъминлаш, экспорт ва импорт таркибида илғор силжишларни рағбатлантириш, хорижий капитал оқимини кучайтиришга йўналтирилган ваколатли давлат ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган қонунчилик, ижроия назорат қилиш тусидаги чора-тадбирлар тизимидир. Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги қонунининг 17-моддасига мувофиқ

Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

- ташқи иқтисодий фаолиятнинг қонунчилик негизини шакллантириш ва такомиллаштириш;
- валюта билан тартибга солиш;
- солиқ билан тартибга солиш;
- тариф ва нотариф билан тартибга солиш;
- Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларига ҳимоя этилиши учун махсус, компенсацион ва демпингга қарши чораларни қўллаш;
- ташқи савдо фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилаш, шу жумладан миқдорий чекловлар ўрнатиш ҳамда товарларнинг айрим турлари экспорт ва импорт қилиниши устидан давлат монополиясини ўрнатиш;
- қурол-яроғлар харбий техника, икки хил мақсадда ишлатилиши мумкин бўлган товарлар ва технологияларга нибатан экспорт назоратини ўрнатиш;
- олиб кириладиган ва олиб чиқиладиган товарларни сертификатлаш;
- техникавий, фармакология, санитария, ветеринария, фитосанитария, экология стандартлари ва талабларини белгилаш;
- ташқи иқтисодий фаолият субъектлари учун имтиёзлар бериш.

Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш қонун ҳужжатларига мувофиқбошқача усулларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Мазкур қонуннинг 4-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш қуйидаги тамойилларга асосланади:

- ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллиги;
- ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг тенглиги;

- савдо-иқтисодий муносабатларни амалга оширишда камситишларга йўл қўймаслиги;
- ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишдан ўзаро манфаатдорлик;
- ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг давлат томонидан ҳимоя қилиниши.

Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш давлат ташкилотлари томонидан чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва уни бажарилишини таъминлаш жараёнини ўзида акс эттиради. Бу чора-тадбирлар мамлакатнинг халқаро ихтисослашувдаги иштирокидан келадиган фойдани олиш, жаҳон хўжалигидаги даврий пасайишларнинг таъсирини йўқотиш ёки камайтириш, шунингдек валюта курсларининг тебраниши ва жаҳон иқтисодиётидаги бошқа салбий ҳодисаларнинг ички иқтисодиётга таъсирини пасайтиришга ёки йўқотишга, дунё бозорида миллий ишлаб чиқариш мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган. Бошқача айтганда, давлат томонидан тартиблаш ҳар бир мамлакат ташқи иқтисодий сиёсатининг асосий вазифасини, яъни миллий иқтисодиётни самарали ривожланиши учун қулай ташқи шароит яратишни кўзда тутувчи чора-тадбирларни амалга оширишдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида бошқарув тизимини янада эркинлаштириш ва такомиллаштириш тўғрисида» 2002 йил 21 октябрдаги ПФ-3151-сонли Фармониға мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар Агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 368-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солишда раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар Агентлиги амалга оширган.

Ҳозирги вақтда Агентлик ўрнига Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги фаолият юритмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятини бошқариш куйидаги ташкилотлар орқали амалга оширилади:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятининг ривожланиш стратегиясини аниқлайди, унинг норматив базасини ишлаб чиқади ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг барча иштирокчилари ҳаракатига умумий раҳбарликни ва улар устидан назоратни амалга оширади;

- Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги:

- ягона ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишни, халқаро алоқаларнинг барча иштирокчилари, яъни давлат, ширкат, пайчилик, жамоат, хусусий ташкилотлар фаолиятини назорат қилишни таъминлайди;

- ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг давлат усулларини ишлаб чиқади ва қўллайди (божхона тарифлари, экспорт квоталари, ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланишга руҳсатнома ва бошқалар);

- вазирликка тақдим этилган рўйхатга мос келувчи маҳсулотлар бўйича экспорт-импорт операцияларни ўтказди;

- ташқи иқтисодий фаолият субъектлари томонидан тузиладиган ташқи иқтисодий шартнома ва келишувларни текширишни амалга оширади.

Давлат Божхона Қўмитаси божхона масалалари бўйича меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқади ва уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ташқи иқтисодий алоқаларнинг асосий иштирокчилари мулкчиликнинг турли кўринишларидаги корхона ва ташкилотлар бўлиб қолади. Улар «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги

Республика Қонунига мувофиқ хорижий шериклар билан экспорт-импорт, сармоявий ва бошқа битимларни тузишда маълум ҳуқуқларга эгадирлар.

Ташқи иқтисодий алоқалар, ҳар қандай иқтисодий тоифа сингари, ҳуқуқий меъёрларга эга бўлиб, улар юридик жиҳатдан турлича - қонун ҳужжатлари ва директив ҳужжатлар билан расмийлаштирилади.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқаларини тартибга солиш икки томонлама ҳукумат келишувлари ҳамда қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш иқтисодий (тарифли) ва маъмурий (нотариф) усуллар ёрдамида амалга оширилади.<sup>15</sup>

Ташқи иқтисодий фаолиятни давлатлараро тартибга солиш халқаро иқтисодий ташкилотлар томонидан ишлаб чиқиладиган ва иштирокчи мамлакатлар манфаатларини таъминлашга, халқаро айирбошлашни рағбатлантириш ва унинг самарадорлигини оширишга, умуман жаҳон хўжалигини барқарор бўлишига ва ривожланишига қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш демакдир. Ташқи иқтисодий фаолиятни алоҳида давлат даражасида, ҳам давлатлараро даражада тартибга солиш турли мамлакатлардаги шериклар ўртасида амалга ошириладиган иқтисодий операцияларга, битимларга турли хил усуллар, воситалар, йўл-йўриқлар ёрдамида таъсир этиш жараёнини акс эттиради. Халқаро иқтисодий алоқалар ривожлангани сари таъсир этиш усуллари ҳам такомиллашиб бормоқда. Шунингдек, ўзаро муносабатларнинг мураккаблашувини, янги устиворликларни, ташқи савдо ва валюта-кредит битимларини тузишда, хорижий сармоялаш ва бошқа операцияларда шерикларнинг мақсад ва манфаатларини тўлароқҳисобга олувчи янгича ёндашувлар юзага келмоқда.

---

<sup>15</sup>Г.Г.Назарова. “Халқаро иқтисодий муносабатлар” Тошкент. ТДИУ. 2005 йил. 16-бет.

### **1.3. Жаҳонда умум қабул қилинган замонавий банк тизимининг пайдо бўлиши ва унинг ташқи иқтисодий фаолият билан мослашувчанлиги тавсифи**

Банк тизими - ташкилий тузилма сифатида йирик тизим бўлиб – мамлакатнинг иқтисодий тизимига киради. Бу шуни билдирадики, банкларнинг фаолияти ва ривожланишини моддий ва номоддий неъматларни ишлаб чиқариш, муомала ва истеъмол қилиш билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқиш зарурдир. Ўзининг амалий фаолиятида банклар хўжалик ҳаётини тартибга солиш механизми билан узвий равишда боғлиқ.

Шу билан бирга банклар солиқ тизими, баҳо тизими, баҳо ва даромад сиёсати, ташқи фаолият иқтисодий фаолият шартлари билан узвий алоқада бўлишлари шартдир.

Банк тизими - бу мамлакат ҳудудида тарихан шаклланган ва қонун билан мустаҳкамланган кредит ташкилотларининг фаолият кўрсатиш шаклидир. Худди пул ва молия тизими каби банк тизими ўзига ҳос миллий белгиларига эгадир. Шу белгилар шу ҳудуднинг, географик шартлари об-хаво аҳоли миллий тузилиши, уларни нима билан машғуллиги, кўшнилари билан муносабати, савдо йўллари ва омиллар асосида шаклланади.

Ҳозирги замонда жаҳонда умум қабул қилинган тизим бўлиб, икки поғонали банк тизими хизмат қилади ва у давлат Марказий банки ва тижорат банклари тармоини ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Тижорат банклари Марказий банкдан лицензияни олгандан сўнггина давлат қимматбаҳо-қоғозлари билан операцияларни амалга оширилиши мумкин. Уларга қимматбаҳо қоғозлар билан операциялар қилиш учун, тўлов ҳаражатлари функциясини бажарувчи қоғозлар учун (вексел-чек) ёки пул маблағларини жамғармаларга ва банк рақамларига жалб қилишларини тасдиқловчи қоғозлар (депозит ва жамғарма сертификатлари) учун махсус лицензия олишлари шарт эмас.

Бугунги кунда банкларнинг кўп поғонали бўлиши уларнинг ташкилий тузилишига боғлиқ.

Аммо, ривожланган мамлакатларга бир ёки икки поғонали банк тизимига хосдир.

Бир поғонали банк тизими варианты мамлакатда ягона марказий банк ҳали мавжуд бўлмаса ёки битта марказий банкдан иборат бўлсагина реал (ҳақиқатда) мавжуд бўлиши мумкин.

Аммо цивилизация даражасидаги бозор иқтисодиёти шароитига икки поғонали банк тизимига ҳос. Бунда биринчи поғона банклари-бу Марказий банк, иккинчи қуйи поғона эса-тижорат банклари ва кредит ташкилотларидир.

Марказий банк-банк тизими мавжуд бўлган барча давлатлар пул-кредит тизимининг асосини ташкил қилади. Марказий банкнинг молия бозоридаги ўрни мамлакатда бозормуносабатларининг ривожланиш даражасига ва хусусиятига боғлиқ.

Бу эса ўз навбатида икки поғонали банк тизимини шаклланишига асосий омил бўлиб ҳисобланади. Чунки бунинг тепасида Марказий банк бўлади.

Икки поғонали банк тизимининг зарарли бозор муносабатларининг карама-қаршиликларидан келиб чиқади. Бир томондан, бу хусусий молия маблағларидан эркин фойдаланиш ҳуқуқини талаб қилади. Бу қуйи поғона банклар-тижорат банклари орқали амалга оширилади. Иккинчи томондан, бу муносабатларни маълум миқдорда тартибга солиш назорат қилиш мақсадида йўналтириш зарур. Бундай махсус институт сифатида Марказий банк юзага чиқади.

Юқорида кўриб ўтганимиздек банк фаолиятини махсус лицензия асосида амалга ошириладиган фаолиятдир. Биз айтганимиздаги Ўзбекистон Республикаси Тижорат банклари Марказий банк томонидан бериладиган лицензия асосида фаолият олиб борадилар. Уларга қўшимча рецензия зарур эмас (фақат валюта операцияларидан ташқари).

Шуни таъкидлаш лозимки Республика Тижорат банкларининг молиявий ҳолати бугунги кунда барқарор эмас. Шу сабабли Республикада

бир қанча банкларнинг лицензияси чақириб олинди, бу эса банкларни ҳақиқатда банкротликга учраганлигидан дарак беради.

Банк рецензияси чақириб олиниш жараёнидан ликвидацион комиссия тузилади. Улар қийин ва узоқ муддатли мураккаб фаолият олиб борадилар.

Кредит молия-тизимининг барқарорлигининг таъминлаш, унинг алоҳида бўғинларининг биринчи навбатда тижорат банклари фаолиятини барқарорлигини таъминлаш мамлакат марказий банкнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Марказий банкнинг яна бир асосий вазифаларидан кредит органларини (тизимини) фаолиятини тартибга солиш ва умумлаштиришдан иборатдир.

Узоқ йиллар мобайнида тижорат банклари ва эмиссион банкларининг бажарадиган функциялари кушилиб кетди. Булар қаторига банкнотларни эмиссия қилишнинг марказлашуви бир қўлда ёки бир неча банкларнинг қўлида яни давлатнинг махсус қонуний далолатномалари билан қўллаб-қувватланадиган банклар қўлида ушлаб туриши, кейинчалик эса улар орасидан йирикларини ажратиб сўнг эмиссия чиқариш ҳуқуқини берилишини, ёки алоҳида марказий эмиссион банклар деб номланувчи банкларнинг пайдо бўлишини мисол қилиб келтириш мумкин.

Турли мамлакатларда Марказий банкларга турли функцияларни белгилаб берилиши мумкин. Лекин Марказий банк доимо Давлат ва банк белгиларини ўзида мужассамлаштирилган ўзида Давлатнинг тартибга солувчи органи бўлиб қолади.

Мамлакатнинг Марказий Банки - шу давлат банк тизимининг асосий қисми бўлиб ҳисобланади. Марказий банк - биринчи ўринда давлат ва иқтисодиёт ўртасида воситачи бўлиб хизмат қилади. Аммо Марказий банк ўз олдига фойда олишни мақсад қилиб қўймайди.

Марказий банк функциялари узоқ йиллар мобайнида деярли ўзгармай аниқ модификацияланган кўринишга эгадир.

Турли иқтисодий адабиётларда ва ўқув дарсликларида Марказий банк функциялари турлича талқин қилинади.

Масалан В.М. Усоскинининг фикрига кўра Марказий банк функцияларига:

- кредит пуллари (банкнотлар) эмиссияси;
- банклар учун ва бошқа кредит ташкилотлари учун турли хизматларни амалга ошириш;
- ҳукуматнинг молиявий агенти функцияси;
- марказлашган олтин-валюта захираларини сақлаш;
- пул-кредит сиёсати тадбирларини ўтказиш кабилар киради.

Олимнинг фикрича Марказий банкнинг асосий функцияси: - “муомалага кредит пуллари - банкноталарни чиқариш ва пул муомаласини тартибга солишдан иборатдир”.

Шундай қилиб, Марказий банклар - “банклар банки”га айлантириб юборилди, яни уларнинг миждозлари бўлиб тижорат банклари ҳисобланадилар. Марказий Банклар ўзларининг ижобий (депозит) рақамларида тижорат банкларининг пул маблағларини акс эттирадилар, уларнинг нақд пуллари тўлдиришга боғлиқ операцияларни амалга оширадилар, тижорат банкларига кредитлар берадилар. Марказий банклар кўп ҳолларда Давлатнинг банкирлари ҳисобланадилар. Шу билан барча эмиссион банкларнинг яна бир асосий функцияларига очик бозордаги операциялар ва девиз операциялари киради. Улар давлатнинг қимматбаҳо қоғозларини сотиш васотиб олиш, хорижий валюталарни ҳамда миллий валюта курсларини ушлаб туриш мақсадида сотади ва сотиб олади.

Лекин, умуман олганда Марказий банклар томонидан бажариладиган операциялар қуйидаги тўрт гуруҳга (турга) бўлинади:

1. Банкнотларнинг монопол эмиссиясини амалга ошириш;
2. Марказий банк- банклар банки ҳисобланади;
3. Марказий банк- ҳукумат банки ҳисобланади;
4. Марказий банк пул- кредитни тартибга солади ва банк назоратини амалга оширади.

Марказий банклар эса давлат вакили сифатида қонуний тарзда банкнотларни монопол равишда эмиссия қилиш бириктирилган, яъни умуммиллий кредит пуллари босиб чиқариш юклатилган. Таъкидлаш керакки, саноати ривожламаган мамлакатларда банкноталар пул массасининг сезиларсиз қисмини ташкил этади, шунинг учун Марказий банкнинг монопол эмиссия функцияси бирмунча пасайтирилган. Бироқ банкноталарни чиқариш функцияси мамлакатдаги пул заҳираларини ташкил қилувчи, чакана пул муомаласини нақд банкноталар билан таъминлаш ва кредит тизимини ликвидлилигини таъминлаш воситаси ҳисобланади. Бу функциялар нақд пул муомаласи улуши сезиларли бўлган мамлакатларда катта аҳамиятга эгадир.

Марказий банк бевосита тадбиркорлар ва аҳоли билан ҳеч қандай фаолият олиб бормайди. Унинг асосий мижозлари бўлиб тижорат банклари ҳисобланади. Тижорат банклари иқтисодиёт ва Марказий банк ўртасида воситачи сифатида фаолият кўрсатадилар. Марказий банклар банки сифатида тижорат банкларининг заҳираларини сақлайди, жумладан, мажбурий заҳира талаблари шаклидаги пул маблағларини сақлайди, уларнинг кредиторлари сифатида иштирок этади, тижорат банкларининг Марказий банкда очадиган ҳисоб варақлари орқали (Ўзбекистон Республикаси ҳисоб-касса маркази):

- мамлакат миқёсида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширадилар;
- банклар ва бошқа кредит институтлари устидан назоратни олиб борадилар.

Юқорида айдиб ўтилганлардан, умуман олганда, Марказий банкнинг барча функциялари ўзаро боғлиқдир. Давлатга кредит бериш орқали, Марказий банк кредит муомала воситаларини яратади. Ҳукуматнинг мажбуриятларини чиқариш ва қоплаш орқали, у ссуда фоизига таъсир кўрсатади. Санаб ўтилган функциялари орқали Марказий банк ўзининг асосий мамлакат пул-кредит тизимини тартибга солиш функциясига асос яратади ва иқтисодиётни тартибга солади.

Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати умумиқтисодий инфратузилмаларни тартибга солишнинг, бозор конъюктурасини юқори даражада ушлаб туриш, бандликка таъсир ўтказиш, инқирозли тушумларни олдини олишнинг ажралмас қисми сифатида намоён бўлади.

Шундай қилиб пул-кредит сиёсати муомаладаги пул маблағлари миқдорини, банк кредитлари ҳажмини, фоиз ставкаларини, валюта курсларини, тўлов балансини ва ўз навбатида бевосита мамлакат иқтисодиёти ҳолатини ўзгартириш учун йўналтирилган тадбирлар мажмуасидир.

Марказий Банк банкларнинг банки сифатида банк ва молия муассасалари фаолиятининг барқарорлигини таъминлайди. Биринчи навбатда, у кўпчилик молия институтлари, банкларнинг фаолиятида молиявий жиҳатдан муаммолар юзагакелганида, банклар омонатчилар олдидаги ўз мажбуриятларини бажара олмай қолган ҳолда молиявий саросима пайдо бўлишининг олдини олиши керак. Бу масалани ҳал қилиш учун Марказий банк, аввало, тартибга солиш ва назорат қилиш функцияларини иккинчи поғона - тижорат банклари тизимига нисбатан бажаради. Марказий банк мажбуриятига тижорат банкларининг ҳар кунлик фаолиятига аралашиш кирмайди. Марказий банк тижорат банкларнинг меъёрий бошқарилиши, уларнинг тўловга қобилиятлилиги ва ликвидлилигини таъминланишини кузатиб бориши ва омонатчилар манфаатларини ҳимоя қилиши керак. Буларнинг барчаси назорат меъёрлари тизими ёрдамида амалга оширилиб тижорат банклари поғонасига етказилади.

Марказий банк пул сиёсатини ўтказиш йўли билан муомаладаги пул массаси устидан назоратни амалга оширади ва инфляция, ишсизликнинг паст даражасини таъминлаш ва иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиши керак. Бунда Марказий Банк эмиссион банк вазифасини бажаради, яъни муомалага пул белгиларини чиқариш ва уларни муомаладан олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Марказий банк яна тижорат банклари ўртасидаги ҳисоб-китобларни олиб боришга имконият яратади.

Банк тизимининг иккинчи поғонаси - бу халқ хўжалиги ва аҳолига хизмат кўрсатишда бош бўғин бўлган мустақил тижорат банкларнинг тармоғидир. Улар юридик ва жисмоний шахсларга шартнома асосида турли ҳисоб-китоб ва кредит операцияларни амалга ошириш ва хизматлар кўрсатиш ҳамда бошқа турли банк хизматларини кўрсатиш билан болиқ операцияларни амалга оширадилар.

Ҳар бир мамлакатда тижорат банкларининг сони турлича бўлиши мумкин. Масалан, Швецияда Давлат банки 40га яқин тижорат банки фаолиятини назорат қилади, холос, АҚШда 13 мингга яқин тижорат банклари мавжуд, Швейцарияда эса ҳар 10 минг аҳолига биттадан молия муассасаси тўғри келади. Россияда 1995 йил бошига келиб, Россия Марказий банки томонидан банк операцияларини амалга ошириш лицензиясига эга бўлган 2486 та тижорат банки қайд қилинган.

Тижорат банкларини белгиларига қараб қуйидаги турларга бўлиш мумкин. Мулкчилик шаклига қараб банклар: давлат банкига, аксиядор банкларга, кооператив, хусусий, минтакавий, аралаш мулкчиликка асосланган банкка булинади. Аксиядор банклар аксиядор жамият каби очик турдаги ёки ёпиқ турдаги аксиядор банклар бўлиши мумкин. Акциядоплар сафига кириш аксияларни сотиб олиш юли билан амалга оширилади. Ҳуқуқий ва жисмоний шахслар банкларнинг акцияларини сотиб олиши ва акциядорлар бўлиши мумкин.

Акциядор тижорат банкларининг юқори органи - акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳисобланади. Ҳар йили акциядорларнинг йиғилиши уставдаги ва устав капиталидаги ўзгаришларни, йиллик фаолият ва унинг натижаларини, банк даромадларини тасдиқлаш, Банк Кенгаши таркибини сайлаш банкнинг шуъба муассасаларини ташкил қилиш ва бекор қилиш каби масалаларни кўриб чиқиши мумкин.

Баъзи тижорат банклари пайлар (бадаллар) ҳисобидан ташкил қилиниши мумкин. Бу турдаги банкларнинг қатнашчилари ҳам ҳуқуқий ва жисмоний шахслар бўлиши мумкин.

Хусусий банклар - жисмоний шахснинг пул маблағлари ҳисобидан ташкил қилинган банклар ҳисобланади.

Жойлашиш белгисига қараб тижорат банклар: халқаро, республика, минтақавий, вилоят банкларига бўлиниши мумкин.

Бажарадиган операцияларига қараб тижорат банклар - универсал ва махсус банкларга бўлинади.

Универсал банклар хилма-хил операциялар бажариш, ҳар хил хизматлар амалга ошириш хусусиятига эга бўлади. Махсус банклар маълум йўналишларга хизмат кўрсатиб, уз фаолиятини шу йўналишларда ютуқларга, самарадорликка эришишга бағишлайди. Бундай банкларга тармоқларга хизмат кўрсатувчи банклар, экспорт-импорт операцияларини олиб боровчи банклар, инвестиция банклари, ипотека-замин банклари кириши мумкин.

Банкларни институционал тузилиши билан бўйича гуруҳлари бир қанча унсурларни мажмуини бевосита ва билвосита банк фаолияти билан шуғулланувчиларни, уларни тузилишини, вазифалари, функциялари, муҳитдаги операцияларини ўзаро алоқадорликда ўз ичига олади (ташкилот ва корхоналар).

Ташкилий тузилиш бўйича гуруҳлаш ушбу давлатда фаолият олиб борадиган кредит турлари ва шакллари, бунда иштирок этадиган банкларнинг турларини ўз ичига олади. Тўзилма кредит шакллари ва банк иштироки белгиларига қараб тузилади.

Бугунги кунда Республикамизда пул-кредит инструментларининг тижорат банклари фаолиятида таъсири механизми нуктаи назаридан олиб караганда, ташқи иқтисодий фаолият субъектларига бериладиган кредитлар микдори марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасига, марказий банкнинг сўмдаги депозитлар бўйича мажбурий захира ставкасига ва кредитларнинг ўртача фоиз ставкасига тескари мутаносиб, ТИФ Миллий банкининг кредит

ресурслари микдорига эса тўғри муносибдир. Бунинг сабаби шундаки, Марказий банкнинг мажбурий захира ставкалари оширилиши тижорат банкларининг кредитлаш салоҳиятларини тўғридан тўғри пасайтиради. Мажбурий захира ажратмалари тижорат банкларининг жалб қилинган ресурсларига нисбатан ҳисобланади. Ўз навбатида жалб қилинган ресурсларнинг асосий қисми тижорат банкларининг кредит ресурслари ҳисобланади.

Бугунги кунда ташқи иқтисодий фаолият субъектларига бериладиган кредитларга таъсир қилувчи асосий омиллар сифатида: Ташқи иқтисодий фаолият субъектларига бериладиган кредитлар; Кредитларнинг уртача фоиз ставкаси; Марказий банкнинг сумдаги депозитлари бўйича мажбурий захира ставкаси; ТИФ Миллий банкининг кредит ресурслари кабиларни келтириш мумкин.

ТИФ Миллий банкининг ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг кредитлаш салоҳиятига таъсир қилувчи муҳим омиллардан яна бири, кредит ресурсларининг етарлилик даражаси ҳисобланади. Кредит ресурсларининг етарли даражада бўлиши тижорат банкларига уз миқдорларини барқарор тарзда кредитлаш имконини беради. Халқаро банк амалиётида кредит ресурсларининг етарлилик даражаси қуйидаги иккита курсаткич орқали аниқланади:

#### 1. Трансакцион депозитлар курсаткичи.

Бу курсаткични аниқлаш учун трансакцион депозитлар суммаси тижорат банкининг жами депозитлари суммасига бўлинади ва олинган натижа 100% га купайтирилади. Жаҳон Тикланиш ва Тараққиёт Банки Экспертларининг фикрига қара, агар тижорат банклари депозитларининг салмоғи 30% дан ошмаса, банкнинг депозит базаси барқарор ҳисобланади.

#### 2. Тижорат банки умумий капиталининг етарлилик даражаси.

Буни аниқлаш учун умумий капитал суммаси банк активларининг рискка тортилган суммасига бўлинади ва олинган натижа 100% га купайтирилади. Халқаро Базел стандарти бўйича тижорат банклари умумий

капиталининг етарлилик коэффициентини минимал даражаси 8% ни ташкил этиши лозим. Агар бу коэффициентининг ҳақиқатдаги даражаси 8% дан паст бўлса, у ҳолда тижорат банкининг умумий капитали етарли эмас деб ҳисобланади.

Жаҳон Тикланиш ва Тараққиёт банки экспертларнинг тавсиясига кўра, соф фоизли маржа курсаткичининг меъерий даражаси 4,5% ни, соф фоизли спрэд курсаткичининг меъерий даражаси эса 1,25% ни ташкил этади. Миллий банк тизимида соғлом рақобат мухити мавжуд бўлган шароитда тижорат банклари ана шу белгиланган даражаларда фаолият юрита оладилар. Агарда банк тизимида соғлом рақобат мухити шакллантирилмаган бўлса, у ҳолда монопол банклар ушбу курсаткичларнинг юқори даражасида фаолият юритиш имкониятига эга бўлишади. Ташқи иқтисодий фаолият субъектларини кредитлаш салоҳиятига асосан учта омил таъсир қилокда. Булар Марказий банкнинг мажбурий захира талабномасининг узгариши, кредитларнинг фоиз ставкалари узгариши ва кредит ресурсларининг етарлилик даражасидир. Тижорат банклари эса бу курсаткичларнинг меъерий даражасини ҳам таъминлай олишмайди. Пировард натижада, миждларни улардан оммавий тарзда монопол банкларга ўтиб кетиши юз беради. Шу сабабли, республикаимиз банк тизими ривожланишининг ҳозирги босқичида ушбу муаммо тижорат банклари томонидан курсатиладиган банк хизматларининг бозор баҳосини шакллантиришдаги муҳим муаммолардан бири ҳисобланади.

## **Ўбоб бўйича хулоса**

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги даврда ТИФ Миллий банкининг ташқи иқтисодий фаолият субъектларини кредитлаш салоҳиятига асосан урта омил таъсир қилмоқда. Булар Марказий банкнинг мажбурий захира талабномасининг ўзгариши, кредитларнинг фоиз ставкалари ўзгариши ва ТИФ Миллий банки кредит ресурсларининг етарлилик даражасидир. Шу сабабли, ушбу омиллар банкнинг кредитлаш салоҳиятига нисбатан юзага келиш эҳтимоли бўлган салбий таъсирларга барҳам бериш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Ўзгартириш жараёнларининг кескинлиги Ўзбекистон миллий қонун ҳужжатларини халқаро стандартларга келтириш жараёнида муайян мураккабликларни юзага келтирди. Ушбу вазифа изчиллик билан бир неча босқичларда ҳал этиб борилди. Ташқи иқтисодий фаолият соҳасига тааллуқли қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатларнинг кўплигини эътиборга олиб, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий тизимига кириши хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш жараёни ташқи иқтисодий фаолиятни ҳуқуқий бошқариш стратегиясининг ўзига хосликларини ва ҳам минтақавий миқёсда, ҳам алоҳида мамлакатлар даражасида савдо-иқтисодий ҳамкорлигинининг тегишли устуворликларини белгилаб берди.

## **II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ БАНК ХИЗМАТИ ОРҚАЛИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА “ТРАСТБАНК” ХОАББ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ**

### **2.1. Ўзбекистон республикасида ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳозирги ҳолати ва унинг динамик таҳлили**

Республикада бозор ислохотларини амалга ошириш моделининг асосий таркибий қисмларидан бири ташқи савдодир. Давлат экспорт сиёсати мустақиллик йиллари давомида биринчи навбатда керакли ташқилий, ҳуқуқий ва иқтисодий шароитларни яратишга қаратилган эди, бу пировард натижада ташқи савдо айланмаси тузилмасидаги ижобий ўзгаришларга олиб келди.

Бой табиий ва қулай иқлимий шароитга эга бўлган Ўзбекистон жаҳоннинг кўпчилик мамлакатлари бозорларини қишлоқхўжалиги, шунингдек саноат соҳалари билан бевосита боғлиқбўлган анъанавий маҳсулотлар билан таъминлайди. Бунда озиқ-овқат маҳсулотлари гуруҳида ёнғоқва мевалар экспорти 1,2 баробарга, ўсимлик ёғи экспорти 12 %га ўсганлигини кўришимиз мумкин. Консерва, шарбатлар, турли ичимликлар ва бошқа шу каби маҳсулотлар катта миқдорда экспорт қилинган.

Ташқи савдо – бир мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан савдоси.

Ташқи савдо сиёсати – бир мамлакатни бошқа мамлакатлар билан олиб бораётган савдоси (экспорти ва импорти) борасидаги сиёсати. Бунга тенг ҳуқуқлилиқ ва икки томонлама манфаат олиш кўзда тутилади. Экспорт ва импортнинг товар таркиби ва географик ҳажмига асосан олиб борилади

Ўзбекистон Республикасида қишлоқхўжалиги маҳсулотлари экспортида пахта толаси устунлик қилмоқда. Бу маҳсулот экспорти мамлакат учун муҳимдир. Ўзбекистон уни ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди, савдоси бўйича эса жаҳон бозорида иккинчи ўринни эгаллайди. Республика ичида қайта ишлашнинг кенгайиши, ҳамда

жаҳон бозорида пахтанинг нархи ва унга бўлган талабнинг ортиши республикада пахта толаси экспортини белгиловчи омил бўлди. 2010 йилда республиканинг экспорт таркибида пахта толасининг улуши пасайди ва умумий экспорт ҳажмининг 19 %ни ташқил этди. Пахтадан ишлаб чиқарилган товарлар ассортименти кенгайди ва экспорт ҳажми ортиди. Ҳар хил турдаги ип, мато ва улардан тайёрланган маҳсулотлар экспорт таркиби мустаҳкам ўринни эгаллаб, бундай маҳсулотларнинг умумий экспортдаги улуши ортиб бормоқда.


Саноатнинг қазиб олиш ва қайта ишловчи соҳаларини динамик ривожланиши минерал ва кимёвий маҳсулотлар гуруҳидаги экспорт таркибининг кенгайишига ёрдам берди. Хом ашё экспортининг пасайиши даврида МДҲ давлатларига анорганик кимё маҳсулотлари экспорти 1,6 баробар ўсганлигини, узоқхорижий мамлакатларга минерал ўғитлар экспорти 2,9 %га ва бошқа минерал кимёвий маҳсулотлар экспорти эса 1,6 баравар ортганлигини кўрсатади.

Жаҳон иқтисодиётида рангли металллар нархининг кўтарилиши, металлургия саноат корхоналарининг фаолиятини барқарорлиги қора ва рангли металлларни, улардан тайёрланадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ҳамда экспортини кенгайтириш имконини берди. Рух, мис, молибден, алюминий, вольфрам ва бошқа рангли металллар, улардан тайёрланган маҳсулотлардан хорижлик ҳамкорлар кенг фойдаланишмоқда. 2011 йилда республика экспортида қора ва рангли металллар ҳамда улардан тайёрланган маҳсулотларнинг улуши ўсиб, умумий экспорт ҳажмининг 6,7 %ни ташқил этди.

Жаҳон иқтисодий ҳудудида давлатларнинг интеграцияси ва ташқи иқтисодий алоқаларининг янги сифат даражасида шаклланиши нафақат янги корхоналарнинг ташқил топишига, балки саноатнинг ҳамма соҳаларида ишлаб чиқаришнинг техник – технологик модернизациялашишига туртки бўлди. Товарларнинг янги турлари саноат соҳаларида, хорижий инвестициялар орқали ташқил этилган корхоналарда, хусусий секторда ҳамда

ўрта бизнес корхоналарида ўзлаштирилмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётида янги корхоналарнинг ташқил этилиши, саноатнинг янги соҳаси бўлиши — автомобилсозлик саноатининг ривожланиши республиканинг товар айланмасига, экспорти ва импортига таъсир кўрсатмоқда.



**2.1.1. расм. Экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш чоралари**

2011 йил мобайнида экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг барқарор фаолиятини таъминлаш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирлар қаторида тижорат банклари томонидан айланма маблағларни тўлдириш учун 233,5 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилганлиги, 105,8 млрд. сўм миқдорида бюджет олдидаги ва етказиб берилган электр энергияси, табиий газ ва коммунал хизматлар қарзларини тўлаш муддатларини кейинга сурилганлиги, барча турдаги энергия манбалари ва асосий коммунал хизматлар учун нархлар ўсиши ўртача 7,7%, яъни паст даражада сақлаб қолинганлигини таъкидлаш мумкин. Бу эса жаҳон

молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида маҳсулотни экспорт қилиш бўйича юзага келган вақтинчалик қийинчиликларга қарамасдан, экспорт қилувчи корхоналарда ишлаб чиқаришнинг пасайишини олдини олиш имконини берди.

Маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича қўрилган чора-тадбирлар натижасида уларнинг барқарор ишлашини таъминлашга, 2011 йилда экспорт ҳажмини 2,4 фоиз оширишга эришилди. Бу ўтган йили ташқи савдо айланмасини 2,5 миллиард доллардан кўпроқ ижобий сальдо билан якунлаш имконини берди.

## 2.1.1-жадвал

### Ўзбекистон Республикаси 2012 йилдаги ташқи савдо айланмаси (млн. АҚШ доллари)

|                                 | Ташқи савдо<br>айланмаси | шу жумладан: |         |
|---------------------------------|--------------------------|--------------|---------|
|                                 |                          | Экспорт      | Импорт  |
| Ўзбекистон Республикаси*)       |                          | 12687,6      | 11916,5 |
| Қорақалпоғистон<br>Республикаси |                          | 114,0        | 100,3   |
| вилоятлар:                      |                          |              |         |
| Андижон                         |                          | 895,2        | 1976,1  |
| Бухоро                          |                          | 377,2        | 552,0   |
| Жиззах                          |                          | 115,3        | 60,3    |
| Қашқадарё                       |                          | 343,1        | 407,0   |
| Навоий                          |                          | 522,5        | 559,6   |
| Наманган                        |                          | 87,1         | 135,1   |
| Самарқанд                       |                          | 142,0        | 532,3   |
| Сурхондарё                      |                          | 211,2        | 66,6    |
| Сирдарё                         |                          | 133,6        | 126,0   |
| Тошкент                         |                          | 1736,8       | 1158,0  |
| Фарғона                         |                          | 380,1        | 594,9   |
| Хоразм                          |                          | 155,3        | 78,4    |
| Тошкент ш.                      |                          | 7474,2       | 5569,9  |

\*Манба: Давлат статистика қўмитаси

\*) Худудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшган Холда

Ўзбекистоннинг ташқи савдосидаги ижобий натижаси – импортнинг барқарор равишда пасайиб бораётганлигидир. Импорт таркибида ҳозирги кунда баъзи бир товарлар улуши ортиб, баъзиларининг улуши эса пасайиб бормоқда.

## 2.2.2-жадвал

### Ташқи савдо айланмаси таркиби(жамига нисбатан фоиз ҳисобида)

|                                               | 2011й.<br>январ-декабр | 2012й.<br>январ-декабр |
|-----------------------------------------------|------------------------|------------------------|
| <b>Ташқи савдо айланмаси</b>                  | <b>100,0</b>           | <b>100,0</b>           |
| <b>Экспорт</b>                                | <b>100,0</b>           | <b>100,0</b>           |
| пахта толаси                                  | 9,0                    | 8,8                    |
| озик-овқат маҳсулотлари                       | 13,2                   | 6,2                    |
| кимё маҳсулотлари ва ундан<br>ясалган буюмлар | 5,6                    | 5,4                    |
| энергия манбалари ва нефт<br>маҳсулотлари     | 18,5                   | 35,3                   |
| қора ва рангли металллар                      | 7,4                    | 7,4                    |
| машина ва асбоб-ускуналар                     | 6,7                    | 6,4                    |
| Хизматлар                                     | 11,8                   | 16,2                   |
| Бошқалар                                      | 27,8                   | 14,3                   |
| <b>Импорт</b>                                 | <b>100,0</b>           | <b>100,0</b>           |
| озик-овқат маҳсулотлари                       | 12,4                   | 9,9                    |
| кимё маҳсулотлари ва ундан<br>ясалган буюмлар | 13,3                   | 14,4                   |
| энергия манбалари ва нефт<br>маҳсулотлари     | 8,1                    | 7,3                    |
| қора ва рангли металллар                      | 8,1                    | 7,8                    |
| машина ва асбоб-ускуналар                     | 41,3                   | 45,4                   |
| Хизматлар                                     | 5,3                    | 6,1                    |
| Бошқалар                                      | 11,5                   | 9,1                    |

Кейинги 2-3 йил давомида машина ва асбоб – ускуналар, қора ва рангли металллар, хизматлар импорти ортган, энергия манбалари, озиқ-овқат

ва бошқа маҳсулотлар импорти борган сари қисқариб бормоқда.

### 2.2.3-жадвал

#### МДХ мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси (%)

|              | Экспорт                    |                            | Импорт                     |                            |
|--------------|----------------------------|----------------------------|----------------------------|----------------------------|
|              | 2010й.<br>январ-<br>декабр | 2011й.<br>январ-<br>декабр | 2010й.<br>январ-<br>декабр | 2011й.<br>январ-<br>декабр |
| Жами         | 5647,7                     | 6720,1                     | 3721,5                     | 4390,0                     |
| шу жумладан: |                            |                            |                            |                            |
| Азербайжан   | 38,4                       | 34,1                       | 33,9                       | 26,1                       |
| Арманистон   | 3,3                        | 2,0                        | 2,6                        | 1,2                        |
| Белорусия    | 25,8                       | 22,0                       | 112,6                      | 133,6                      |
| Қозоғистон   | 886,5                      | 1673,2                     | 997,1                      | 1097,6                     |
| Қирғизистон  | 105,2                      | 94,2                       | 42,4                       | 65,9                       |
| Молдова      | 7,8                        | 21,5                       | 5,5                        | 5,7                        |
| Россия       | 4154,8                     | 4405,5                     | 1988,0                     | 2282,8                     |
| Тожикистон   | 120,7                      | 119,0                      | 12,7                       | 5,5                        |
| Туркменистон | 120,7                      | 168,6                      | 148,5                      | 285,7                      |
| Украина      | 184,5                      | 180,0                      | 378,2                      | 485,9                      |

Географик таркибида, МДХ мамлакатлар билан ташқи савдо айланмаси 2011 йил якунларига кўра 11110,1 млн. АҚШ долларини ташкил этди. (жадвал). 2011 йилда мамлақтимиз корхоналари экспортининг 21,0 фоизи Россия Федерацияси, 7,2 фоизи Украина, 6,2 фоизи Қозоғистон ҳиссасига тўғри келди.

Миллий электротехника ва автомобилсозлик саноатининг ривожланиши кўпгина товарлар импортидан воз кечиш имконини берди. Масалан, транспорт воситаларининг импорти 36,3 %га қисқарди. Сўнгги йилларда Ўзбекистон товар ва хизматларни экспорт қилувчи асосий давлатлар – АҚШ, Корея, Германия, Туркия, Франция, Япония, Хитой, Польша, Россия, Украина, Қозоғистон бўлди.

## 2.2.4-жадвал.

**Экспорт ва импорт ҳажми ва таркибининг ўзгариш динамикаси**

|                                                                   | таркиби,<br>% ҳисобида |                                                        |
|-------------------------------------------------------------------|------------------------|--------------------------------------------------------|
|                                                                   | 2011й.<br>январ-декабр | 2010й.<br>январ-декабрига<br>нисбатан фоиз<br>ҳисобида |
| <b>Экспорт</b>                                                    | <b>100,0</b>           | <b>115,4</b>                                           |
| пахта толаси                                                      | 9,0                    | 85,7                                                   |
| озиқ-овқат маҳсулотлари                                           | 13,2                   | 157,9                                                  |
| улардан истеъмол<br>маҳсулотлари                                  | 12,8                   | 163,2                                                  |
| кимё ва ундан тайёрланган<br>маҳсулотлар                          | 5,6                    | 126,8                                                  |
| энергия манбалари ва нефт<br>маҳсулотлари                         | 18,5                   | 93,4                                                   |
| қора ва рангли металллар                                          | 7,4                    | 124,8                                                  |
| машина ва ускуналар                                               | 6,7                    | 139,6                                                  |
| Хизматлар                                                         | 11,8                   | 132,7                                                  |
| Бошқалар                                                          | 27,8                   | 115,9                                                  |
| <b>Импорт</b>                                                     | <b>100,0</b>           | <b>114,5</b>                                           |
| озиқ-овқат маҳсулотлари                                           | 12,4                   | 135,0                                                  |
| шундан ишлаб чиқаришга<br>мўлжалланмаган истеъмол<br>маҳсулотлари | 6,6                    | 135,0                                                  |
| кимё ва ундан тайёрланган<br>маҳсулотлар                          | 13,3                   | 110,3                                                  |
| энергия манбалари<br>ва нефт маҳсулотлари                         | 8,1                    | 129,3                                                  |
| қора ва рангли металллар                                          | 8,1                    | 114,7                                                  |
| машина ва ускуналар                                               | 41,3                   | 107,7                                                  |
| Хизматлар                                                         | 5,3                    | 114,5                                                  |
| Бошқалар                                                          | 11,5                   | 118,1                                                  |

Манба: Давлат статистика кўмитаси

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан бери ўтган давр мобайнида мамлакатда очик иқтисодий шакллантириш борасида кўплаб ишлар қилинди, бугунги кунда корхоналарнинг ташқи бозорга чиқиши учун

хукукий асослар яратилди, хорижий инвестициялар фаолияти кафолатланди.

Ташқи савдонинг миқдорий жиҳатдан чегараланиши тариф асосида бошқариш билан алмаштирилди, экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга солиқимтиёзлари орқали имкониятлар берилди.

Бу йилда ташқи иқтисодий фаолият кўламлари ўсди, товар маҳсулотлар экспорти ҳажми 31,5 фоизга кўпайди, ташқи савдо айланмасининг ижобий салдоси қарийб 4.1 млрд. АҚШ долларини ташқил қилди;

Хусусан, бошқа товарлар позициялари бўйича экспорт ҳажмининг жадал ўсиши пахта толасининг жами экспортдаги улушини 2000 йилдаги 27,5 фоиздан, 2009 йилда 9,3 фоизга, 2011 йил якунларига кўра эса 8,6 фоизгача пасайишига олиб келди.

Ўзбекистонда структуравий ўзгаришлар мамлакат иқтисодиёти тармоқ тузилишини саноати ривожланган давлатлар кўрсаткичларига яқинлаштиришга қаратилган. Уларнинг ЯИМда турли тармоқлар улуши қуйидагича: саноат - 32 фоиз, қишлоқ хўжалиги - 4 фоиз, қурилиш - 6 фоиз, хизматлар соҳаси - 50 фоиз. Бироқ 2010 йилгача мўлжалланган тузилмавий силжишлар етакчи ривожланаётган давлатлар (яъни, янги индустриал давлатлар) тузилишига қуйидаги кўрсаткичлар билан яқинлашишини таъминлайди: ЯИМда саноат улуши - 15 фоиздан 25-26 фоизгача, хизматлар соҳасини - 35,3 фоиздан 38-39 фоизгача ошириш ва қишлоқ хўжалик улушини 26,4 фоиздан 19-24 фоизгача камайтириш<sup>16</sup>.

Иқтисодиётни экспортга йўналтирилган тузилишини шакллантириш маълум вақтни ва босқичма-босқич ҳал қилишни талаб қилувчи мураккаб вазифа.

Экспортга йўналтирилган ривожланишнинг биринчи босқичида (2000-2005 йиллар) устуворлик халқаро савдода нисбий устунликларга эга ва жаҳон бозорига чиқиш имкониятига эга тармоқларни жадал ривожлантиришга берилади. Бу мавжуд қишлоқ хўжалик ва минерал хом ашё ва уларга ишлов берилган маҳсулотлар экспортига йўналтирилган меҳнат ва ресурс талаб

---

<sup>16</sup>Экономика Ўзбекистана. 1, 2005 г.

тармоқлардир.

Биринчи босқичда экспортга йўналтирилган иқтисодиёт тузилишини шакллантиришнинг тармоқ устуворликлари қуйидагилардир: енгил, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалигининг рақобатдаги тармоқлари, газни қайта ишлаш асосида сунъий смола ва пластмассалар ишлаб чиқариш, калий ва фосфор ўғитларини ишлаб чиқариш, туризмни ривожлантириш. Самолётсозлик ва автомобилсозлик таракққиётига аҳамият берилди.

Иккинчи босқичда (2006-2012 йиллар) биринчи босқич вазифаларини бажариш билан бир қаторда структуравий сиёсат диққат марказини Ўзбекистоннинг халқаро савдода янги рақобатбардош устунликларини яратиш ва ривожлантиришга, қайта ишлаш саноатининг юқори технологияли илмталаб тармоқларини ривожлантиришга қаратилади.

Иккинчи босқич устуворликлари: самолётсозлик, автомобилсозлик, қишлоқ хўжалик машинасозлиги, кўтариш-ташиш ускуналарини ишлаб чиқариш, фото ва қуёш элементларини ишлаб чиқариш, пластмасса маҳсулотлари саноати, маҳаллий хом ашёдан дори-дармон ишлаб чиқариш, ахборот технологиялари ва дастур таъминотини ишлаб чиқариш.

Иккинчи босқич устуворликларини амалга ошириш қуйидаги вазифалар ҳал этилишини назарда тутди:

- устувор тармоқлар ва ишлаб чиқаришлар корхоналарининг молиявий мустаҳкамлигини қўллаб-қувватлаш;
- ишлаб чиқариш фондларини кенг қўламда янгилаш ва замонавийлаштириш асосида иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлаш;
- илмий-техник салоҳиятни мустаҳкамлашни давом эттириш;
- мустақил алоқа йўллари тармоғини яратиш асосида транспорт йўлакларининг муқобил турларини шакллантиришни яқунлаш;
- ишлаб чиқаришнинг материал ва энергия сиғимини пасайтиришни давом эттириш, такрор ишлаб чиқаришнинг ресурсларни тежайдиган турларига ўтиш.

Экспортга йўналтирилган ривожланиш қуйидагиларга йўл очади:

- товарлар нисбий баҳолари тузилишини камайтириш, бу эса мавжуд чекланган ресурслардан янада самарали фойдаланиш учун шароит яратади;
- экспортни мунтазам ўстириш ҳисобига мустаҳкам узоқ муддатли иқтисодий ўсишни таъминлаш;
- янада кўпроқ ишчи ўринларини яратиш;
- миллий жамғармаларни кўпайтириш, чунки экспортдан олинган ўсувчи даромадлар ички истеъмол ўсиши билан чекланмаган;
- халқаро савдо таъминлаб берувчи янада каттароқ бозор сифими ҳисобига ишлаб чиқариш масштабида тежамкорликни кўпайтириш;
- иқтисодиётда бошқариш сифатини ошириш;
- технологик ривожланишни жадаллаштириш ва “инсон капитали” сифатини кўтариш;
- чет эл инвестициялари ва хорижий қарзларни рағбатлантириш;
- ускуналар импорти учун зарур валюта тушумини оширишни таъминлаш.

2012 йилда Республикамиз иқтисодиёти ривожланиш дастурининг энг муҳимустувор йўналишлари қуйидагилардир:

- биринчидан, барқарор ва мувозанатлаштирилган ўсиш суръатларини, иқтисодиётнинг таркибий ўзгартириш ва модернизация қилишни, унинг энг муҳим тармоқларининг техник ва технологик жиҳатдан янгилашни, солиқ сиёсатини янада эркинлаштиришни таъминлаш;
- иккинчидан, иқтисодиёт тармоқлари жумладан ташқи иқтисодий фаолият билан шугуллановчи корхоналарга инновацион технологияларни жалп этиш;
- учинчидан, бизнес, энг аввало, хусусий бизнес учун мумкин қадар қулай шароитлар яратиш ва давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини изчил пасайтириб бориш;
- тўртинчидан, хорижий инвестицияларни, биринчи навбатда,

тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишишларини барча чоралар билан кучайтириш;

- бешинчидан, меҳнатга ҳақ тўлашни ва аҳоли турмушисифатини изчил оширишни таъминлаш;

- олтинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ушбу асосда аҳолини иш билан банд этиш ва фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этиш;

- еттинчидан, банк-молия тизимида ислохотларни янада чуқурлаштириш ва қўламларини кенгайтириш;

- саккизинчидан, коммунал хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш.

## **2.2. Ўзбекистон Республикасида банк тизими ривожланишининг асосий кўрсаткичлари ва унинг ташқи иқтисодий фаолиятга таъсири.**

Ҳозирги вақтда республикада банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги доллар ҳисобида 1,5 миллиард доллардан ортиқдир. Бу ташқи нодавлат қарзлар бўйича тўланиши керак бўлган тўловлар ҳажмидан 10 баробар кўпдир. Бу эса бизда ликвидлик, яъни тўловларга қодирлик даражаси бўйича муаммо йўқ, деб айтиш учун асос беради.

Халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, уларнинг кредит линияларини жалб қилиш орқали банкларнинг инвестицион жараёнлардаги иштирокини кенгайтириш мақсадида республика тижорат банклари томонидан халқаро рейтинг компанияларининг кредитга лаёқатлилиқ рейтингларини олиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, 2008 йилнинг апрель ойида Ўзбекистон банк тизимида нуфузли халқаро рейтинг компанияларидан бири - «Мудис» рейтинг агентлиги томонидан халқаро рейтинг баҳоси

берилганлиги мамлакатимиз молия тизимининг барқарорлигидан далолат беради.

Хусусан, «Мудис» агентлиги бир йўла 3 та йўналиш бўйича республика банк тизимига «барқарор» рейтинг баҳосини берди. «Мудис» халқаро рейтинг агентлигининг ҳисоботида таъкидланишича, агентликнинг ижобий баҳоси мустаҳкам банк назорати тизимида, банк секторининг юқори ўсиш потенциалида, молия тизимининг таркибий ўзгариши ва миллий иқтисодиётнинг юқори даражада ўсишида ўз ифодасини топди.

Бундан ташқари, 2008 йилда тижорат банклари томонидан халқаро рейтинг олиш учун «Мудис», «Фитч Рейтингс», «Стандарт энд Пурс», «Томпсон Файнэншл Банк Вотч», «Жапан Кредит Рейтинг Эженси», «Рейтинг Эженси Малайзия» каби нуфузли халқаро рейтинг компаниялари билан ўзаро ҳамкорлик ишлари давом эттирилди.

2008 йилда республикамызда фаолият юритаётган тижорат банкларининг 12 таси халқаро «Мудис», «Фитч Рейтингс» ва «Стандарт энд Пурс» рейтинг компанияларининг «барқарор» рейтинг баҳосини олишга эришдилар (2.1.1.-жадвал).

### 2.2.1. жадвал

#### Халқаро рейтинг компанияларининг «барқарор» рейтинг баҳосини олган банклар

| «Мудис»              | «Фитч рейтинг»      | «Стандарт энд Пурс» |
|----------------------|---------------------|---------------------|
| ТИФ Миллий банк      | Ўзсаноатқурилишбанк | ТИФ Миллий банк     |
| Ипотека-банк         | Пахтабанк           | Капиталбанк         |
| Ғалла-банк           | Асакабанк           |                     |
| Алоқабанк            | Ҳамкорбанк          |                     |
| Туронбанк            | Ипак йўли банк      |                     |
| Кредит стандарт банк |                     |                     |

Шунингдек, халқаро амалиёт негизида банклар томонидан чиқарилган қимматли қоғозларнинг миллий индивидуал рейтинг тизимини жорий этиш мақсадида, Ўзбекистон банклари ассоциацияси томонидан Марказий банк ҳамда қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази билан келишилган ҳолда тегишли чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган.

Республикамиз иқтисодиётини юксалтиришда ишлаб чиқариш соҳаларини янада ривожлантириш билан бир қаторда бозор инфратузилмасида таркибий ўзгаришларни олиб бориш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тизимда молиявий тизимнинг муҳим таркибий қисмларидан бири саналган банк тармоғи ҳам муҳим ўрин тутиб, мустақиллик йилларида жаҳон талабларига мос келадиган янгича шаклдаги банк тизими шакллантирилди. Хусусан, республикамизда икки поғонали, яъни юқори поғонада бош мақсади миллий валютада – сўмнинг барқарорлигини таъминлаш ҳисобланган Марказий банк ва қуйи поғонасида бевосита иқтисодиёт субъектларига хизмат кўрсатувчи тижорат банкларидан иборат банк тизими ташкил топди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан кейинги йилларда банк тизимини янада ривожлантириш ва уни такомиллаштириш юзасидан қабул қилинган бир қатор муҳим Фармон ва Қарорлар республика банк тизимининг молиявий барқарорлигини кучайтиришга ва улар фаолиятини халқаро банк амалиёти андозалари даражасида бўлишига қаратилган.

Республикамизда молия-банк тизимининг барқарор ривожланишини таъминлашда инфляция даражасини жиловлаш ва инфляцияни олдини олишга қаратилган оқилона сиёсат муҳим роль ўйнамоқда. 2012 йилда ҳам инфляция даражаси прогноз кўрсаткичлар доирасида сақланиб қолинди ва 7 фоиздан ошмади.

Бунда албатта, қатъий пул-кредит сиёсати юритилганлиги муҳим аҳамият касб этди ва истеъмол баҳолари индексининг ўсиши асосан номонетар омиллар ҳисобига юз берди. Жумладан, ўтган йилда озиқ-

овқатлар маҳсулотларининг нархи 5,1 фоизга ўсиб, унинг инфляцияга таъсири 2,75 фоизни, нооziқ-овқат маҳсулотлари нархи 4,3 фоизга ўсиб, инфляция даражасига таъсири 1,19 фоизни, хизматлар нархи эса 16,5 фоизга ўсиб, истъеомол баҳолари индексига таъсири 3,06 фоизни ташкил қилди.

2012 йил давомида Марказий банк томонидан пул бозорида ташқи савдо балансининг ижобий сальдоси ва банк тизими соф ташқи активларининг кўпайиши ҳисобига шаклланган кўшимча ликвидликни стерилизация қилиш операцияларининг мунтазам равишда ўтказиб борилиши орқали иқтисодиётдаги инфляцион босимнинг олди олинди. Пул массасини прогноз кўрсаткич доирасида ушлаб туриш мақсадида амалга оширилган стерилизация операцияларининг ҳажми 2011 йилга нисбатан 1,4 мартага ошиб, 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 5,9 трлн. сўмни ташкил қилди.



**2.2.1- расм. Пул кредит сиёсатининг билвосита инструментлари орқали амалга оширилган операциялар ҳажмининг динамикаси<sup>17</sup>**

Шунингдек мажбурий резерв талаблари тижорат банкларининг кредит ресурслари миқдорига таъсир кўрсатиш орқали иқтисодиётдаги пул таклифини тартибга солишда пул-кредит сиёсатининг муҳим инструментларидан бири сифатида қўлланилмоқда.

<sup>17</sup>Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари

2012 йилда инфляция ва пул массасининг мақсадли параметрларидан келиб чиқиб тижорат банкларида узоқ муддатли ресурс базасини янада кенгайтириш мақсадида, мажбурий резервлар нормаси, юридик шахсларнинг талаб қилиб олингунча ва 1 йилгача бўлган муддатга жалб қилинган депозитлар учун – 15 фоиз, 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлар учун – 12 фоиз, 3 йилдан ортиқ бўлган депозитлар учун – 10,5 фоиз миқдорида ўзгартирилмасдан қолдирилди.

2012 йилда тижорат банкларининг Марказий банкдаги мажбурий резервлари ҳажми 443 млрд. сўмга ёки йил бошига нисбатан 31,8 фоизга кўпайди.



### 2.2.2-расм. Марказий банкдаги мажбурий резервлар динамикаси<sup>18</sup>

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобварағига кўшимча равишда 3 176 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар йўналтирилиши пул массасини прогноз кўрсаткичдан ортиқча ўсишининг олдини олишга ва шу орқали ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлашга хизмат қилди.

Шунингдек, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасиинструментидан ҳам пул бозоридаги фоиз ставкаларини

<sup>18</sup>Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари

бошқаришда ҳамда иқтисодий ўсиш жараёнларини рағбатлантириш мақсадида кенг фойдаланилди.

Инфляция даражаси, пул массаси ҳажмининг ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларнинг белгиланган мақсадли параметрларидан келиб чиқиб Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 2012 йилда йиллик 12 фоиз миқдорида сақлаб қолинди.

Қайта молиялаш ставкасининг ушбу даражада ушлаб турилиши пул бозорида молиявий ресурсларга бўлган талаб ва таклифнинг мувозанатини сақлашга, реал сектор корхоналарининг инвестицион имкониятини оширишга, иқтисодиётни кредитлаш ҳажмини янада кенгайтириш ва айти пайтда тижорат банкларининг ресурс базасининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилди.

Республикадаги барқарор макроиқтисодий ҳолат ва юритилаётган катъий пул-кредит сиёсати пул ва молия бозорларидаги фоиз ставкалари, жумладан тижорат банкларининг кредитлари ва депозитлари бўйича фоиз ставкалари динамикасида ўз аксини топди.

Хусусан, 2012 йилда пул бозоридаги фоиз ставкаларини қайта молиялаш ставкасига яқинлаштириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида банклараро пул бозоридаги операциялар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси йил бошидан буён 0,3 фоиз бандга ўсиб, декабрь ойида 11,0 фоизни ташкил этди.

Аҳоли реал даромадларининг ўсиши, банк тизимида бўлган ишончнинг ортиб бориши ҳамда иқтисодиётдаги инфляцион кутилмаларнинг пасайиши каби омиллар таъсирида, 2012 йил давомида жисмоний шахсларнинг тижорат банкларидаги депозитлари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси йил бошидаги 9,6 фоиздан декабрь ойининг охирида 6,4 фоизгача, юридик шахсларнинг жамғарма ва муддатли депозитлар бўйича ставка эса 6,8 фоиздан 6,0 фоизгача пасайди.

Шунингдек 2012 йилда валюта сиёсати миллий валюта ва нархлар барқарорлигини таъминлаш ҳамда экспортни рағбатлантиришга

йўналтирилди. Бунда ички валюта бозорида алмашув курсини мақсадли коридор доирасида ушлаб туриш учун, валюта савдоларида интервенция операцияларини амалга ошириш орқали сўмнинг алмашув курсининг ўзгариб боровчи бошқариладиган усули қўлланилди.

Республика банк тизимидаги ислохотларнинг муҳим устивор йўналишларидан бири ҳам тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш ва уларнинг етарлилигини таъминлашдан иборатдир. 2012 йилда республика банк тизимида асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори билан тасдиқланган “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари бўйича комплекс чора-тадбирлар” Дастури ҳамда республика молия-банк тизимини ривожлантиришга оид бошқа ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга қаратилди, жумладан:

- банк назорати тизимини янада такомиллаштириш, банк назорати бўйича Базель қўмитасининг янги тавсияларини татбиқ этиш билан боғлиқ тадбирларни давом эттириш;

- мамлакат банк тизими ва тижорат банклари фаолиятини етакчи халқаро рейтинг ташкилотлари томонидан қўлланиладиган меъёр, андоза ва кўрсаткичлар асосида баҳолаш амалиётини кенгайтириш;

- тижорат банкларининг ресурс базасини уларнинг капиталлашув даражаси ҳамда аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилиш орқали янада ошириш;

- тижорат банклари активларини, шу жумладан, уларнинг инвестицион фаоллигини ҳамда ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳаларни кредитлаш ҳажмларини ошириш;

- тижорат банклари балансига олинган иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини тиклаш, улар базасида ташкил этилган янги корхоналарни стратегик инвесторларга сотиш ишларини янада фаоллаштириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадлари, бошланғич капитални шакллантириш учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш ҳажмини кенгайтириш;

- халқаро андозалар ва тамойиллар ҳамда мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланишининг ҳозирги реал ҳолатидан келиб чиққан ҳолда молия-банк соҳасининг қонунчилик базасини янада такомиллаштириш ишлари амалга оширилди.


Банкларнинг капиталлашув даражасини ва ликвидлилигининг оширилиши пировардида уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун мустаҳкам замин яратилади. Шу билан бирга, кенг қўламли ислохотларни амалга оширишда банкларнинг инвестиция кредитлари орқали иштирокини таъминлаш учун барқарор ресурс базаси шакллантирилади.

Тижорат банклари олдида 2012 йил учун белгилаб берилган устувор вазифалардан асосийси ҳам банкларнинг барқарорлигини ва капиталлашув даражасини янада ошириш, етакчи халқаро рейтинг компаниялари томонидан қабул қилинган халқаро меъёрлар, мезон ва стандартларга асосланган ҳолда, банк тизимини баҳолаш кўрсаткичларининг замонавий тизимини жорий этиш белгиланган эди. Ушбу вазифалар доирасида тижорат банкларининг умумий капиталини қўшимча акциялар чиқариш орқали 2011-2015 йилларда ўртача 2,1 мартага ошириш белгиланганди. Натижада банк тизимининг молиявий барқарорлиги ва ривожланиш кўрсаткичлари, халқаро индикаторлар асосида таҳлил қилинганда, юқори даражадаги баҳоларга мувофиқ келади. Тижорат банклари томонидан 2012 йил давомида 500 млрд. сўмлик қўшимча акциялар чиқарилди. Муомалага чиқарилган акцияларнинг 25 фоизидан кам бўлмаган қисми “Тошкент” республика фонд биржаси орқали бирламчи очик савдоларда жойлаштирилди. 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 17 та тижорат банкининг акциялари “Тошкент” республика фонд биржаси листингига киритилган бўлиб, ушбу банкларнинг қимматли қоғозлари мунтазам равишда биржада котировка қилиниб, оммавий ахборот

воситалари орқали эълон қилиб борилмоқда. Натижада 2012 йилда банк тизимининг жами капитали 24,3 фоизга, сўнгги уч йилда эса икки баробар кўпайди.

Бугунги кунда капиталнинг етарлилик даражаси 24,0 фоиздан ошиб, бу эса қабул қилинган умумий халқаро стандартлардан 3 баробар ортиқдир. Банк барқарорлигини баҳолаш омилларидан бири банк тизимининг жорий ликвидлик даражасидир. 2012 йил якунлари бўйича банк тизимининг ликвидлиги 65,0 фоиздан ортимоқда, бу эса талаб этиладиган минимал даражадан 2 баробар юқоридир.

2.2.3-расмдан кўриниб турибдики, сўнгги 5 йилда мамлакатимиз тижорат банкларининг умумий капитали 2,9 баробар кўпайди ва бугунги кунда 6,2 триллион сўмдан ошиб кетди.



**2.2.3-расм. Тижорат банклари капиталининг ўсиш динамикаси, трлн. сўм.<sup>19</sup>**

Юртимизда, 2008 йилдан бошлаб тижорат банклари томонидан халқаро рейтинг олиш учун «Мудис», «Фитч Рейтингс», «Стандарт энд Пурс», «Томпсон Файнэншл Банк Вотч», «Жапан Кредит Рейтинг Эженси», «Рейтинг Эженси Малайзия» каби нуфузли халқаро рейтинг компаниялари билан ўзаро ҳамкорлик ишлари давом эттирилди. Бугунги кунда

<sup>19</sup>Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари.

мамлакатимиз банк тизими халқаро талабларга қатъий жавоб берадиган энг барқарор тизимлардан бири сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Буни «Standard & Poor's», «Moody's», «Fitch ratings» каби халқаро рейтинг агентликлари томонидан сўнгги йилларда Ўзбекистон банк тизимига муттасил равишда "барқарор" рейтинг даражасини бериб келинаётгани ҳам тасдиқлаб турибди.

2008 йилда республикамызда фаолият юритаётган тижорат банкларининг 12 таси халқаро «Мудис», «Фитч Рейтингс» ва «Стандарт энд Пурс» рейтинг компанияларининг «барқарор» рейтинг баҳосини олишга эришган бўлса, 2010 йилда улар 15 тага, 2011 йилда эса ушбу кўрсаткич 23 тага етди, 2012 йил якунига кўра 28 та етиб, бу банкларнинг активлари мамлакатимиз банк тизими умумий активларининг 100 фоизини ташкил этмоқда. “Банк назорати бўйича Базель кўмитасининг янги тавсияларини жорий қилиш учун халқаро молия институтларидан техник ёрдам ва экспертларни жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар” мажмуасига мувофиқ, республика банкларида бухгалтерия ва молиявий ҳисоботларни халқаро талабларга мувофиқлаштиришнинг 3-босқичини амалга ошириш борасида Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди билан ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, Жаҳон банки томонидан кўрсатилаётган техник ёрдам доирасида, банк назорати бўйича Базель кўмитасининг Базель-2 ва Базель-3 тавсияларини мамлакатимиз банк тизимида жорий қилиш лойиҳаси бўйича халқаро ҳамкорлик янада кучайтирилиб, 2012 йилнинг июль ойида тегишли лойиҳа амалга оширилиши бошланди.

Ушбу тадбирлар банк назоратининг янги талабларини жорий қилиш бўйича ишлаб чиқиляётган ҳаракат дастурларини такомиллаштириш, банклар раҳбарлари ва мутахассисларининг бу борадаги билимларини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Юқорида амалга оширилган ишлар натижасида банк тизимининг барқарорлиги таъминланмоқда ва унинг воситачилик роли

кенгаймоқда ҳамда кўрсатилаётган банк хизматлари сифати янада ошиб бормоқда.


Банк тизимининг молиявий барқарорлиги ва ривожланиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 январдаги ПҚ-1464-сонли Қарори билан тасдиқланган индикаторлар тизимига асосан баҳоланиб келинмоқда ва 2012 йил якунига кўра ҳам банк соҳаси бўйича индикаторлар “юқори даража”даги баҳоларга эга бўлди. Жумладан, республика банк тизими капиталининг етарлилик даражасининг қабул қилинган халқаро меъёрга нисбатан 3 баробар юқорилиги ҳамда банк тизими ликвидлилигининг талаб этиладиган энг кам даражадан 2 баробар юқори бўлишининг таъминланганлиги халқаро молия ташкилотлари ва ҳамжамиятнинг юқори эътирофига сазовор бўлмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 20 апрелдаги 117-сонли қарори асосида 2012 йилнинг 1 июлидан бошлаб жорий этилган, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, жумладан, молия-банк соҳаси фаолиятини баҳоловчи индикаторларнинг ҳар чоракдаги натижалари тижорат банкларининг ҳудудлардаги филиаллари депозит базаси ва кредит кўйилмаларининг юқори суръатларда ўсиб бораётганлиги ва уларнинг таркибида узоқ муддатли кредитлар салмоғининг юқорилигини кўрсатди.

Натижада, “Фитч рейтингс”, “Мудис” ва “Стандарт энд Пурс” каби етакчи халқаро рейтинг компанияларининг ижобий рейтингини олган тижорат банклари сони кўпайиб бормоқда. Шу билан бирга, “Мудис” рейтинг агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг ривожланиш истиқболларига берилган “барқарор” даражадаги рейтинг баҳоси 2012 йилнинг 29 август куни кетма-кет учинчи йил қайта тасдиқланди. “Мудис” агентлигининг ҳисоботида қулай иқтисодий шароит, фаол инвестиция сиёсати ва банklar капиталлашувининг барқарор юқори даражаси ушбу прогнознинг асосий омиллари бўлди, деб қайд этилган.

“Бизнинг фикримизча, Ўзбекистондаги макроиктисодий шарт-шароит банкларнинг умумий операцион муҳитига ижобий таъсир ўтказди, бунда депозитлар оқимининг ўсишидан ҳам, кредитга бўлган талабнинг ошишидан ҳам мамлакат банк тизими ютади”, - деб таъкидланади рейтинг агентлигининг ҳисоботида. “Стандарт энд Пурс” халқаро рейтинг агентлиги эса, мамлакат банк тизимини ижобий баҳолаб, рейтингини бир поғона юқорига кўтарди. Бундан ташқари, Халқаро Валюта Фонди миссиясининг 2012 йил ноябрь-декабрь ойларидаги республикадаги ишининг яқунлари бўйича баёнотида “Ўзбекистон банк тизими юқори кўрсаткичларни намоён этиб келмоқда. Халқаро стандартлардан келиб чиқиб қараганда, банклар капиталининг етарлилик коэффиценти юқори даражада сақланиб турибди” деб, банк тизимининг ривожланишига ижобий баҳо берилди.

Банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозитлари ҳажмининг ўсиши актив операциялар ҳажмини ошириш, хусусан кредитлаш имкониятларини янада кенгайтириш, банклар жами активларининг ўсиб бориши учун мустаҳкам замин бўлмоқда.



#### 2.2.4-расм. Тижорат банкларининг жами активлари динамикаси.<sup>20</sup>

Ушбу диаграммадан кўриниб турганидек, банк активлари ўтган йилга нисбатан 30,2 фоиз ўсиб, 35,7 триллион сўмга етди. Сўнгги 5 йилда тижорат банкларининг умумий активлари салкам 3,0 баробар ўсди.

<sup>20</sup>Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари.

Республикамиз тижорат банклари учун 2012 йил ҳам, 2011 йил каби, ўзига хос ислохот ва ўзгаришларга бой бўлди. 2012 йилда банк тизими фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш, банк ҳисоботини халқаро андозалар ва тамойилларга мувофиқлаштириш, уларнинг меъёрий базасини янада такомиллаштириш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Тижорат банкларида корпоратив бошқарувни янада такомиллаштириш мақсадида, банклар Кенгашлари таркибига миноритар акциядорлар манфаатларини ифода этувчи аъзоларни киритиш ҳамда йирик суммадаги (умумий капиталнинг 15 фоизи ва ундан юқори миқдордаги) битимларини тузиш ва улар бўйича тўлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарорларни банк Кенгаши томонидан маъқулланиш механизмлари жорий қилинди. Бундан ташқари, тижорат банклари томонидан қарз олувчиларнинг молиявий ҳолатини аниқлаш учун скоринг-таҳлил қилиш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқилди ва ушбу таҳлилни амалга ошириш йўлга қўйилди.

### **2.3. “Трастбанк” ХОАББнинг тараққиёт йўли ва ташқи бозордаги иштироки таҳлили.**

Кўп йиллик муваффақиятли фаолияти давомида «Трастбанк» ХОАББ (хусусий очик акциядорлик биржа банки) банк хизматларини таклиф этишдаги профессионалиги ҳамда мазкур хизматлар сифатини одилona баҳолаган кўп сонли миждозларнинг ишончини оқлаган ҳолда Ўзбекистон молиявий бозорида мустаҳкам ўринни эгаллади.

«Трастбанк» ХОАББ фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- Жисмоний ва юридий шахслар учун миллий ҳамда хорижий валютада ҳисоблар очиш ва юритиш;
- Маблағ эгаси ёки мазкур маблағга эгалик ҳуқуқи бўлган шахс билан тузилган шартномага биноан пул қўйилмаларини бошқариш;
- Банк ва пул ўтказмаларини амалга ошириш;

- Пластик карточкалар бўйича миллий валютада, шунингдек, VISA Elektron, VISA Classic, VISA Business, VISA Gold халқаро карточкалари бўйича хизматлар кўрсатиш;
- Турли валюталарда муддат талаб қилгунга қадар (муддатли) ва жамғарма қўйилмаларини жалб этиш;
- Ўзлик маблағлари ва жалб қилинган маблағлар ҳисобига турли шаклларда ҳамда турли мақсадлар учун кредитлар тақдим этиш;
- Молиявий лизингни ташкил этиш ва амалга ошириш;
- Қимматли қоғозлар билан амалиётларни амалга ошириш;
- Экспорт-импорт амалиётларини олиб бориш;
- «Банк-Мижоз», «СМС-Банк», «Интернет-Банк» тизимли хизматларини таклиф этиш;
- Банк соҳасида маслаҳат ҳамда ахборот хизматларини кўрсатиш;
- Халқаро банк амалиётига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган банк амалиётларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияда алоҳида белгиланган бошқа амалиётларни амалга ошириш.

1994 йилда ташкил этилган «Трастбанк» хусусий очик акциядорлик биржа банки Ўзбекистон Республикасидаги энг етакчи хусусий банкларидан бири бўлиб, у ўз миждозларига барча турдаги кенг қўламли банк маҳсулотлари ва хизматларини кўрсатиб келмоқда. Банк тарихи мустақиллик йилларида республикаимиз банк секторининг мунтазам ривожланиш суръатларини акс эттиради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 28.02.даги УП -772.4 сон Фармонида асосан ташкил этилган. 1994 йил 21 июнда Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг банк амалиётларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи Лицензияси берилди. 1996 йил 24 майда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг №36 сон Бош лицензиясига мувофиқ хорижий валютада амалиётларни амалга ошириш ҳуқуқини қўлга киритди. 1997 йилда Банкнинг биринчи «Тошкент» филиали очилди. 1998 йилда банк ва миждоз орасида файл алмашуви бўйича «Банк - Мижоз»

дастурий мажмуаси ишга туширилди. 1998 йилда «Трастбанк» ХОАББ ислохотчилик ғоялари учун Франция саноатга кўмаклашиш Ассоциациясининг «Олтин медал» фахрий Европа мукофоти соҳиби деб тан олинди. 1999 йилда Банкнинг иккинчи «Пойтахт» филиали очилди. 2002 йилдан «Western Union» тизими доирасида халқаро пул ўтказмаларини амалга оширишни бошлади. 2004 йилда «Трастбанк» ХОАББнинг биринчи сўм пластик карточкаларини чиқарди. 2005 йилдан Банк SWIFT тизимига уланди, «Unistream», «Xpress Money», «Contact» пул ўтказмалари тизимлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. 2005 йилда Банк Осиё Банкирлар Ассоциациясига аъзо бўлди. 2006 йилда «Трастбанк» ХОАББ МДХ мамлакатларининг 1000 та энг йирик банклари рўйхатига киритилди. 2007 йилда «Трастбанк» ХОАББ депозит базаси ҳажмига кўра республикамизнинг биринчи ўнталик энг йирик банклари сафига киритилди; банк тўғрисида Bankers Almanac халқаро бизнес-маълумотномасида маълумот нашр қилинди. 2007 йилдан «Трастбанк» ХОАББ «Coinstar» тизими доирасида пул ўтказмаларини амалга ошира бошлади. 2008 йилда «Интернет-Банкинг» тизими ишлаб чиқилди ва ишга туширилди. 2008 йилда Банк VISA International тўловлар тизимига аъзоликка қабул қилинди, шунингдек, «Золотая Корона» ҳамда «Мигом» пул ўтказмалари тизимлари билан ҳамкорликни йўлга қўйди. 2009 йилда «Трастбанк» ХОАББ «REUTERS» халқаро дилинг тизимига қўшилди; «MoneyGram» тизими доирасида пул ўтказмаларини амалга ошира бошлади. 2009 йилда Наманган ва Сурхондарё вилоятларида «Наманган» ҳамда «Термиз» филиаллари очилди. 2010 йилда Андижон вилоятида «Андижон» филиали иш фаолиятини бошлади; Банк «Лидер» ҳамда «Азия Экспресс» халқаро пул ўтказмалари тизимлари орқали пул ўтказиш амалиётларини амалга оширишни йўлга қўйди. 2010 йилда «Трастбанк» ХОАББ «BANKEXPO-2010» йиллик миллий кўргазмасида Ўзбекистон Банклари орасида «Ахборот технологияларини фаол қўллаш» номинацияси бўйича олий мукофотни қўлга киритди. 2010 йил IV квартал якунларига кўра «Ahbor-Reyting» рейтинг компанияси «Трастбанк» ХОАББ

га «UzA» миллий шкаласи бўйича «Барқарор» прогнози билан кредит рейтингини берди. 2011 йил январ ойида «Fitch Ratings» халқаро рейтинг агентлиги «Трастбанк» ХОАББка қуйидаги халқаро рейтингларни белгилади: узоқ муддатли эмитент дефолт рейтинги («ЭДР») бўйича «В-», «Барқарор» прогнози, қисқа муддатли ЭДР бўйича «В», индивидуал рейтинг бўйича «D/E», қўллаб-қувватлаш рейтинги бўйича эса «5». 2011 йилдан Банк «Быстрая Почта» тизими доирасида пул ўтказмаларини амалга ошира бошлади. 2011 йилда «Трастбанк» ХОАББ «BANKEXPO-2011» йиллик миллий кўргазмасида Ўзбекистон Банклари орасида «Энг инновацион маҳсулот» номинацияси бўйича олий мукофотни қўлга киритди. 2011 йилнинг июнь ойида "Fitch Ratings" халқаро рейтинг агентлиги "Трастбанк" ХОАББ фаолияти рейтинг баҳосини "В-" даражада эътироф этди, истикболини "Барқарор" деб қайта тасдиқлади. 2012 йилнинг июнь ойида "Пойтахт" филиали номи "Дархон" деб аталди ҳамда жойи ўзгартирилди. 2012 йилнинг июль ойида банкнинг ҳудудий "Самарқанд" филиали очилди. 2012 йилнинг август ойида Банкнинг "Яккасарой" филиали иш фаолиятини бошлади. 2012 йилда жисмоний шахслар учун "Интернет-банк" янги хизмат кўрсатиш услуги жорий қилинди.

«Трастбанк» ХОАББ фаолияти халқаро ва миллий рейтинг агентликлари томонидан муносиб баҳоланган.

2013 йил февраль ойининг 25 куни "FitchRatings" халқаро рейтинг агентлиги "Трастбанк" хусусий очик акциядорлик биржа банки фаолиятини баҳолаб, унинг узоқ муддатли дефолта эмитент рейтингларини "Барқарор" прогноз билан бирга "В-" даражада деб қайта эътироф этди.

2012 йилнинг февраль ойида "Fitch Ratings" халқаро рейтинг агентлиги "Трастбанк" ХОАББ фаолияти рейтинг баҳосини "В-" даражада эътироф этди, истикболини "Барқарор" деб қайта тасдиқлади. Банкка халқаро агентлик томонидан рейтинг баҳоси берилиши, авваламбор, банкнинг ликвидлиги ҳамда барқарор эканига далил бўлди. Банкнинг мамлакатимиз иқтисодиётини ислоҳ этиш борасида нуфузи тобора ортиб

бораётганини кўрсатди. Шунингдек, халқаро рейтинг агентлик баҳосига яна бир бор мушарраф бўлиш: хорижий инвестицияларни жалб этишга, “Трастбанк” ХОАББ учун халқаро молия институтлари билан истиқболли ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга янгидан-янги имкониятлар яратади.

Банк нафақат миллий ва хорижий бизнеснинг тўпланган тажриба ва билимларидан, шу билан бирга ўз мижозларга ўз вақтида ҳамда сифатли хизмат кўрсатиш борасида эришган ютуқларидан ҳам фойдаланади.

### 2.3.1-жадвал

#### «Трастбанк» ХОАББ қуйидаги пул ўтказмалари тизимини таклиф этади:

| Пул ўтказмаси тизими номи ва у тўғрисида маълумот                                                                 | Ўтказиш муддати | Ўтказма валютаси | Ўтказма географияси (қамров худуди) | Ўтказман и жўнатиш учун олинадиган комиссиян мукофот                                                     | Ўзига хос афзалликлари                                                                                                                                          |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------|------------------|-------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Wester union ўз фаолиятини 1871 йилдан бери амалга ошириб келаётган, дунёдаги энг йирик тезкор пул ўтказиш тизими | 1 минут         | АҚШ доллар и     | Дунёнинг 200 га яқин давлатлари     | МДХ давлатлар ига 4%-6% ва ундан юқори, бошқа мамлакатлар, ўтказма суммасига қараб 4%-13% ва ундан юқори | Ўтказмаларнинг манзилсиз эканлиги<br>Ўтказманинг жорий ҳолатини <a href="http://www.westernunion.ru">www.westernunion.ru</a> расмий сайтида текшириш мумкинлиги |
| Moneygram халқаро тезкор пул ўтказмалари тизими,                                                                  | 1 минут         | АҚШ доллар и     | Дунёнинг 190 га яқин мамлакатлари   | МДХ давлатлар ига 2%-4% ва ундан                                                                         | Ўтказмаларнинг манзилсиз эканлиги<br><a href="http://www.moneygram.com">www.moneygram.com</a>                                                                   |

|                                                                                                                                                                                                                |                |                              |                                     |                                                                                                  |                                                                                                                                                                                                                                         |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------|------------------------------|-------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| мамлакатлар<br>қамрови<br>ҳамда хизмат<br>кўрсатиш<br>шаҳобчалари<br>сони бўйича<br>жаҳонда<br>иккинчи<br>ўринни<br>эгаллайди.                                                                                 |                |                              |                                     | юқори,<br>бошқа<br>мамлакатлар,<br>ўтказма<br>суммасига<br>қараб 2%-<br>10% ва<br>ундан<br>юқори |                                                                                                                                                                                                                                         |
| ContactРоссия<br>халқаро пул<br>ўтказмалари<br>тизими бўлиб,<br>у банк-<br>корреспондентлар<br>ҳамда<br>хорижий<br>ихтисослаштирилган<br>компанияларнинг<br>халқаро тармоғини<br>ифода этади<br>(ташқил этади) | 15<br>мин      | АҚШ<br>доллар<br>и           | Дунёнинг<br>қарийиб 86<br>мамлакати | Ўтказма<br>суммасидан<br>келиб<br>чиққан<br>ҳолда 2%-<br>3% дан<br>бошланади                     | Ўтказмаларнинг<br>манзилсиз<br>эканлиги<br>Ўтказиш<br>жараёнининг<br>жорий ҳолатини<br><a href="http://www.contact-sys.com/transferstatus.html">www.contact-sys.com/transferstatus.html</a><br>расмий сайтида<br>текшириш<br>мумкинлиги |
| MigomЕвропа<br>Траст Банки<br>томонидан<br>яратилган<br>жисмоний<br>шахслар учун<br>мўлжалланган<br>халқаро пул<br>ўтказмалари<br>тизими                                                                       | 1<br>минут     | АҚШ<br>доллар<br>и           | МДХ<br>мамлакатлари                 | Ўтказма<br>суммасидан<br>келиб<br>чиққан<br>ҳолда 2%-<br>4% ва<br>ундан<br>юқори                 | Ўтказмаларнинг<br>манзилсиз<br>эканлиги<br>Ўтказманинг<br>жорий ҳолатини<br>расмий<br><a href="http://www.migom.com">www.migom.com</a><br>сайтидан<br>текшириш<br>мумкинлиги.                                                           |
| UNISTREAM<br>Навқирон,<br>муваффақиятли<br>и ривожланиб<br>бораётган, жисмоний<br>шахсларнинг<br>пул                                                                                                           | 10-15<br>минут | АҚШ<br>Доллари<br>ва<br>Евро | Дунёнинг<br>қарийиб 90<br>мамлакати | Ўтказма<br>суммаси<br>ҳамда<br>қабул<br>қилувчи<br>банкдан<br>келиб<br>чиққан                    | Ўтказмаларнинг<br>манзилсиз<br>эканлиги<br>Ўтказманинг<br>ҳолатини<br><a href="http://www.online.unistream.ru/tracking/index.asp">www.online.unistream.ru/tracking/index.asp</a>                                                        |

|                                                                                                                                                       |            |                     |                  |                                                                                                                 |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                   |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------|---------------------|------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| маблағларини тезкор ўтказиш халқаро тизими                                                                                                            |            |                     |                  | ҳолда 0,7%-2,5% ва ундан юқори                                                                                  | х расмий сайти орқали текшириш мумкинлиги                                                                                                                                                                                                                                                                                         |
| «Золотая корона» Молиявий технология лар Маркази (Новосибирск ш.) томонидан ишлаб чиқилган банклараро тўлов тизими, МДХ давлатларида кенг тарқалган.  | 1 мин      | АҚШ доллар и        | МДХ ва Хитой     | Ўтказма суммаси миқдоридан қатъий назар, 1,5% Хитойга ўтказмалар ўтказма суммасидан қатъий назар 25 АҚШ Доллари | Ўтказманинг манзилсиз эканлиги Ўтказманинг жорий ҳолатини <a href="http://www.perevod-korona.com">www.perevod-korona.com</a> расмий сайти орқали текшириш мумкинлиги Хитойга ўтказмалар «Bank of China» банкида, қабул қилувчининг илгари очилган SWIFT бўйича очган ҳисобига ўтказилади Ўтказмани етказиш муддати 3 банк иш куни |
| «Быстрая почта» 2000 йилда ташкил этилган халқаро пул ўтказмалари тизими бўлиб, у орқали Россиянинг исталган ерига ва яқин хорижга пул жўнатиш мумкин | 1 минут    | АҚШ Доллари ва Евро | МДХ мамлакатлари | Ўтказма суммасининг 2% миқдоридан                                                                               | Ўтказмаларнинг манзилсиз эканлиги Ўтказма ҳолатини <a href="http://www.bpochta.ru/r/emittances/tracing_orders">www.bpochta.ru/r/emittances/tracing_orders</a> расмий сайти орқали текшириш мумкинлиги                                                                                                                             |
| «Азия экспресс» пул                                                                                                                                   | 2-10 минут | АҚШ Долла           | Пул ўтказмалар   | Ўтказма суммасин                                                                                                | Ўтказмаларнинг манзилсиз                                                                                                                                                                                                                                                                                                          |

|                                                                                                                                                         |  |            |                                            |                   |                                                                                                                                                  |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--|------------|--------------------------------------------|-------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Ўтказмалари тизими, Ўзбекистон Республикасининг ТИФ шўъба банки ва Россия Федерациясининг - «Азия-Инвест Банк» тижорат банки билан ҳамкорликда тузилган |  | ри ва Евро | ининг асосий йўналишлари Ўзбекистон-Россия | инг 2% миқдорид а | эканлиги Ўтказма ҳолатини <a href="http://www.ai-bank.ru/asia_express/">www.ai-bank.ru/asia_express/</a> расмий сайти орқали текшириш мумкинлиги |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--|------------|--------------------------------------------|-------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|

«Трастбанк» ХОАББ омонатчилари ҳисобида йиғилган барча маблағлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари омонат қўйилмаларини суғурталаш Фонди ҳимоясида бўлиб, омонат қўйилмалари бўйича тўловлар мазкур қўйилмаларнинг миқдоридан қатъий назар тўлиқ ҳажмда кафолатланган.

### 2.3.2-жадвал

#### Миллий валютада омонатлар

| Омонат номи         | Омонат тури         | Омонат муддати | Йиллик фоиз ставкаси | Бошланғич тўлов                                                                     | Фоизларни тўлаш тартиби                                                  |
|---------------------|---------------------|----------------|----------------------|-------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------|
| Талаб қилиб олгунча | Талаб қилиб олгунча | Муддатсиз      | 0%                   | 100                                                                                 | -                                                                        |
| «Тезкор-1»          | Муддатли            | 10 кун         | 14%                  | Омонатнинг энг кичик миқдори 100 000 сўм. Омонат нақд пул шаклида амалга оширилади. | Муддати тугагач                                                          |
| «Баркамол-1»        | Муддатли            | 45 кун         | 16%                  | Омонатнинг энг кичик миқдори 100 000 сўм. Омонат нақд                               | Омонат фоизлари муддати тугагандан сўнг капитализациясиз тўлаб берилади. |

|                  |                 |           |     |                                                                                     |                                                                                                                                                                                                                    |
|------------------|-----------------|-----------|-----|-------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|                  |                 |           |     | пул шаклида амалга оширилади.                                                       |                                                                                                                                                                                                                    |
| «Айём-1»         | Муддатли        | 270 кун   | 18% | Омонатнинг энг кичик миқдори 100 000 сўм. Омонат нақд пул шаклида амалга оширилади. | Омонат фоизлари омонатчининг ҳўохишига кўра ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг капитализациясиз тўлаб берилади.                                                                                           |
| «Сайех»          | Муддатли        | 399 кун   | 20% | Омонатнинг энг кичик миқдори 300 000 сўм. Омонат нақд пул шаклида амалга оширилади. | Мазкур омонат тури фақат Ўзбекистон Республикасида доимий рўйхатда турган авиабилет, туристик, санаторий ва курортларга чипта олишни мўлжаллаган жисмоний шахсларга очилади. Фоизлар тўлови аванс орқали тўланади. |
| «Пластик карта»  | Муддатсиз       | Муддатсиз | 2%  | Чекланмаган                                                                         | -                                                                                                                                                                                                                  |
| «Мустаҳкам оила» | Муддатли омонат | 90 кун    | 22% | 100 000 сўм                                                                         | Фоиз тўловлари омонат муддати тугагандан сўнг капитализациясиз тўланади.                                                                                                                                           |

### 2.3.3-жадвал

#### Хорижий валютадаги омонатлар

| Омонат номи         | Омонат тури            | Омонат муддати | Йиллик фоиз ставкаси | Фоизларни тўлаш тартиби                                                                  |
|---------------------|------------------------|----------------|----------------------|------------------------------------------------------------------------------------------|
| Талаб қилиб олгунча | Талаб қилгунча         | Муддатсиз      | 0%                   | -                                                                                        |
| «Престиж 2»         | АҚШ долларида муддатли | 360 кун        | 7%                   | Омонат бўйича фоизлар АҚШ долларида ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўланади |
| «Фортуна»           | АҚШ долларида          | 180 кун        | 6%                   | Омонат бўйича фоизлар АҚШ долларида ҳар ойда                                             |

|             |                              |           |    |                                                                                      |
|-------------|------------------------------|-----------|----|--------------------------------------------------------------------------------------|
|             | муддатли                     |           |    | ёки омонат муддати<br>тугагандан сўнг тўланади                                       |
| «Универсал» | АҚШ<br>долларида<br>муддатли | 30/60 кун | 7% | Омонат бўйича фоизлар<br>АҚШ долларида омонат<br>муддати тугагандан сўнг<br>тўланади |

Кредит кредитловчи Филиал жойлашган шаҳар ёки вилоятда муқим рўйхатдан ўтган, ўз ҳаракати билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш қобилиятига шахсга (қарздорга) миллий валютада берилади. Қарздорнинг даромади кредит ва унинг фоизларини қоплаш учун етарли бўлмаган тақдирда, биргаликда қарздор – ўз даромадлари билан кредит ва унинг фоизлари бўйича ҳар ойлик тўловларда қатнашиш имкониятига эга бўлган ва кредит бўйича биргаликда жавобгар бўладиган қарздорнинг эри (хотини) ва бошқа яқин қариндошлари (ота-она, ака-ука, опа-сингил ва фарзандлар) – Ўзбекистон Республикаси резидентлари.

“Трастбанк” ХОАББ ўз миждозларига янги хизмат турини ҳавола қилмоқда, яъни, нақд пулларни, қимматли қоғозларни, ҳужжатларни ва бошқа қимматликларни сақлаш учун индивидуал депозит ячейкаларини ижарага бермоқда. Индивидуал депозит ячейкаларида ишга доир ҳужжатларни, қимматли қоғозларни, пул маблағларини, заргарлик буюмларини, санъат асарларини ва антиқаликларни, ахборот ташувчи электрон манбаларни ва шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ келадиган ва ҳоказо қимматликларни сақлаш мумкин.

Банк депозит ячейкаларига жойлаштирилган қимматликларни бут сақланиш кафиллигини олади. Унинг миждозлари бўлган юридик ёки жисмоний шахслар - Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ депозит ячейкада - фуқаролар муомаласидан ёки фуқаролар муомаласидан қисман чекланган предметлар ва моддаларни, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотларини, тирик организмларни ва биологик тарзда пайдо бўлган предметларни, ўт чиқишига

сабаб бўлувчи, портловчи, радиоактив, заҳарловчи ва наркотик моддаларни сақлашлик қатъий ман қилинади. Зеро, мазкур предмет ва моддалар банк ходимлари сихат-саломатлигига, хона ва кўриқлаш тизимларига, шунингдек, учинчи шахслар мулкига зарар келтириши мумкин. Депозит ячейкада мавжуд давлат тузумини ноконституцион йўл билан ўзгартиришга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний тарзда сайланган ёхуд ҳокимиятнинг тайинланган вакиллари вазифасидан четлатишларга, ёинки Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий бирлигини ноконституциявий тарзда бузишга чақирувчи ижтимоий ва диний адабиётлар (шу жумладан варақалар)ни сақлаш қатъий ман қилинади.

Бугунги кунда бутун дунёда пластик карточкалар орқали тўлов тизими кенг тарқалган. Улар тўлов воситаси сифатида супермаркетларда, магазинларда, хизматлар соҳасидаги корхоналарда, уяли алоқа компанияларида, авиа ва темир йўл кассаларида, автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчаларида ва бошқа жойларда қабул қилинади. Карточкалар орқали пластик карточкалар бўйича тўловлар қабул қилувчи электрон терминаллар билан жиҳозланган исталган савдо пунктида тўлаш мумкин.

Корпоратив мижозларга хизмат кўрсатиш анъанавий равишда “Трастбанк” ХОАББ фаолиятининг устувор йўналиши ҳисобланади. “Трастбанк” ХОАББ корпоратив мижозларга (юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга) банк маҳсулотлари ва хизматларининг тўлиқ спектрини таклиф этади.

Банк минтақавий бозорлар ва алоҳида мижозларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мослашувчан тариф сиёсатини амалга оширади. Банк мижозлари фаолиятининг турли йўналишлари у ёки бу молиявий маҳсулотларга турлича эҳтиёж мавжудлигини англатади, бу эса мижозлар базасини тармоқ белгиси бўйича сегментациялаш ҳамда аниқ тармоқ гуруҳи хусусиятлари билан ишлашни тақозо этади. Шу тариқа, Банк томонидан нафақат стандарт хизмат турлари тақдим этилади, балки ўзига хос манзилли маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқилади. Мижозларнинг алоҳида тармоқ

гуруҳларига мослаштирилган пакетли хизматларни тақдим этиш ижобий натижа беришини кўрсатиб, Мижоз ва Банк ҳамкорлигининг ўзаро манфаатли эканлигини тасдиқлади.

Банк корпоратив мижозларни кредитлашда универсал кредит маҳсулотларидан: айланма маблағларни тўлдириш ва ишлаб чиқариш фаолиятини, инвестиция ва қурилиш лойиҳаларини молиялаш учун кредитлар, экспорт ва импорт операцияларини молиялаш учун кредитлар ва бошқалардан фаол фойдаланади.

Банк ўз инфратузилмасини мижозларнинг эҳтиёжлари ва Банкнинг кенгайишига мувофиқ узлуксиз такомиллаштириб, мижозлар ўз бизнесини муваффақиятли юритишлари учун ахборот ва ресурс базасини модернизациялаб бормоқда. Шундай қилиб, ҳозирги пайтда Банк томонидан йирик корпоратив мижозлар учун ҳам, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари учун ҳам бир хилда сифатли хизмат таклиф этилмоқда.

Замонавий банк технологиялари, мижозларнинг фаолиятдан келиб чиққан тарзда ишлаб чиқилган хизматлар мажмуи, малакали ходимлар ва ҳар бир мижозга алоҳида ёндашув кўрсатилаётган хизматларнинг ўта қулайлиги ва юқори сифатлилигини таъминлайди.

Юридик шахсларни кредитлаш «Трастбанк» ХОАББ стратегик йўналишларидан бири бўлиб, у ўз мижозларига турли хилдаги кредит маҳсулотларини таклиф қилади. Шу билан бирга гаров мулкани баҳолаш, тўлов шартларининг қулайлиги, шунингдек ҳар бир мижоз учун ўзига мос тўлов режаси ишлаб чиқиши ва кредитлашда индивидуал схемаларни ишлаб чиқиши билан ажралиб туради.

Фаолияти экспортга йўналтирилган корхоналар учун кредит. Кредитлаш объекти: Қулай янги минитехнологияларни татбиқ қилган ҳолда иқтисодиётнинг асосий тармоқларида замонавийлаштириш, амалдаги ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш билан боғлиқ бўлган лойиҳаларни молиялаштириш билан:

- сифатли, рақобатбардош, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш;
- сотиш ҳажмини ошириш ва экспорт қилувчи корхона томонидан маҳсулотларнинг янги турларини ўрганиш ҳамда маҳсулотни сотишнинг истиқболдаги бозорларини тубдан ўрганиш.

Банкнинг қимматли қоғозлар бозоридаги амалиётлари бўйича асосий молиявий дастаклари қуйидагилардир:

- Депозит сертификатлари ва депозит(жамғарма) сертификатлари;
- Корпоратив облигациялар;
- Акциялар.

«Трастбанк» ХОАББ қимматли қоғозлар бозорида қуйидаги турдаги амалиётларни бажаради:

- Эмиссия қилинган қимматли қоғозлар билан РЕПО амалиётлари;
- Қимматли қоғозлар олди-сотдиси бўйича талабномалар қабул қилиш шаҳобчалари орқали қимматли қоғозлар билан бўладиган амалиётлар;
- Инвестицион маслаҳатлар.

«Трастбанк» ХОАББ қуйидаги ташкилотларга аъзо ҳисобланади:

- Ўзбекистон Республикаси валюта биржаси;
- Республика «Тошкент» фонд биржаси;
- Ўзбекистон Республикаси Банклар Ассоциацияси;
- Халқаро эмиссия синдикати.

**Банк қуйидаги банклар ва молия институтлари билан  
коореспондентлик алоқаларга эга:**

#### 2.3.4. жадвал

##### **Корресподент банклар ва молия институтлари**

| <b>Банкнинг номи</b>             | <b>Валюта тури</b> |
|----------------------------------|--------------------|
| Commerzbank AG                   | USD, EUR           |
| Raiffeisen Bank International AG | USD, EUR           |
| Sberbank Rossii                  | USD, RUB           |
| Promsvyazbank                    | USD, EUR, RUB      |
| ОАО Vneshtorgbank                | USD, RUB           |

|                                                           |                    |
|-----------------------------------------------------------|--------------------|
| Rusky Slaviansky Bank                                     | USD                |
| Asia-Invest Bank                                          | USD, EUR, RUB      |
| National Bank for Foreign Economic Activity of Uzbekistan | JPY, EUR, RUB, GBP |
| AKBANK T.A.S.                                             | USD, EUR           |
| Bank of China                                             | USD                |
| «НОВИКОМБАНК» ЁАЖ АТБ (Россия)                            | USD, EUR, RUB      |

**Ўзбекистон банклари:** Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий Фаолият Миллий Банки, ОАИТБ «Ипак Йули Банк», ОАТБ «Ўзсаноатқурилишбанк», АТБ «Агробанк», ДАТБ «Асакабанк», ЁАЖ «UzKDB» Банк.

**Хорижий банклар:** «Commerzbank AG» (Германия), «Raiffeisen Bank International AG» (Австрия), ЗАО «Райффайзенбанк» (Россия), АКБ «Азия-Инвест Банк» (Россия), КБ «Русславбанк» (Россия), ОАО «Сбербанк России» (Россия), КБ «Промсвязь Банк» (Россия), ОАО «Банк ВТБ» (Россия), «AKBANK T.A.S.» (Туркия), «Bank of China» (Хитой), «НОВИКОМБАНК» ЁАЖ АТБ (Россия).

## **II боб бўйича хулоса**

Хулоса қилиб айтганда, Республикамиз тижорат банклари учун 2012 йил ҳам, 2011 йил каби, ўзига хос ислохот ва ўзгаришларга бой бўлди. 2012 йилда банк тизими фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш, банк ҳисоботини халқаро андозалар ва тамойилларга мувофиқлаштириш, уларнинг меъёрий базасини янада такомиллаштириш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Тижорат банкларида корпоратив бошқарувни янада такомиллаштириш мақсадида, банклар Кенгашлари таркибига миноритар акциядорлар манфаатларини ифода этувчи аъзоларни киритиш ҳамда йирик суммадаги (умумий капиталнинг 15 фоизи ва ундан юқори миқдордаги) битимларини тузиш ва улар бўйича тўлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарорларни банк Кенгаши томонидан маъқулланиш механизмлари жорий қилинди. Бундан ташқари, тижорат банклари томонидан қарз олувчиларнинг молиявий ҳолатини аниқлаш учун скоринг-таҳлил қилиш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқилди ва ушбу таҳлилни амалга ошириш йўлга қўйилди.

Банк депозит ячейкаларига жойлаштирилган қимматликларни бут сақланиш кафиллигини олади. Унинг миждозлари бўлган юридик ёки жисмоний шахслар - Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ депозит ячейкада - фуқаролар муомаласидан ёки фуқаролар муомаласидан қисман чекланган предметлар ва моддаларни, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотларини, тирик организмларни ва биологик тарзда пайдо бўлган предметларни, ўт чиқишига сабаб бўлувчи, портловчи, радиоактив, заҳарловчи ва наркотик моддаларни сақлашлик қатъий ман қилинади. Зеро, мазкур предмет ва моддалар банк ходимлари сифат-саломатлигига, хона ва қўриқлаш тизимларига, шунингдек, учинчи шахслар мулкига зарар келтириши мумкин.

**III БОБ. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ  
ФАОЛИЯТНИРИВОЖЛАНТИРИШДА ЎЗБЕКИСТОН ҲАМДА  
ХАЛҚАРО БАНК ВА МОЛИЯ ТАШҚИЛОТЛАРИ  
ҲАМКОРЛИГИНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**3.1. Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларини  
такомиллаштириш йўллари**

Халқаро молия институтлари билан ҳамкорликнинг мунтазам равишда кенгайтириб борилиши, узоқ муддатли инвестициявий қарзларнинг ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши Ўзбекистондаги Инкирозга қарши чоралар дастурида етакчи ўрин тутди. Қуйидаги рақамлар бу тўғрида энг ишончли маълумотларни беради: 2011-2014 йилларда модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга қаратилган муҳим лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан 2011 йилнинг 12 мартида тасдиқланган дастур доирасидаги инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш учун халқаро молиявий ташкилотлар, икки томонлама шартномалар ва етакчи хорижий компанияларнинг умумий миқдори 22 миллиард доллардан зиёд кредитлари ва инвестицияларни жалб этиш кўзда тутилган эди. Ҳозирги кунда умумий қиймати 19 миллиард доллардан ортиқроқ бўлган 80 дан зиёд лойиҳаларни инвестициялаш ва молиялаш бўйича аниқ манбалар белгиланиб, хорижий шериклар билан шартномалар имзоланди<sup>21</sup>.

Бу шериклар орасида Осиё Тараққиёт банки (ОТБ), Жаҳон банки (ЖБ), Ислон Тараққиёт банки (ИТБ) ва бошқа халқаро молиявий институтлари алоҳида ўрин тутди. Узлуксиз макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий ўсишнинг юксак суръатларини таъминлаш, тузилмавий ўзгаришларни изчил амалга ошириб бориш, шунингдек, иқтисодиётни ҳамда унинг таянч ва ижтимоий инфратузилмаларини босқичма-босқич модернизациялаштириб боришни таъминлашга қаратилган Ўзбекистон иқтисодий стратегияси

---

<sup>21</sup>Каримов И.А. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” //Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь.

халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорлик кўламининг янада жадал ўсиб боришига замин яратади.

Умуман айтганда, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон иқтисодиётининг муваффақиятли ва барқарор ривожланишининг асосида чуқур ўйланган, Ўзбекистонга хос хусусиятлар тўла ҳисобга олинган иқтисодий ислохотларнинг ўзига хос ва ўзимизга мос модели мужассам. Ушбу дастурнинг ўтган 18 йил мобайнида изчил амалга ошириб келиниши собиқ «Марказ»га ҳар томонлама боғланиб қолган аграр, паст технологияли ва самарасиз иқтисодий тузилманинг диверсификациялашган, жаҳон бозорига рақобатбардош, кенг даражада хилма-хил тайёр маҳсулотлар билан чиқаётган, узлуксиз юқори суръатлардаги иқтисодий юксалишга мойил, жиддий расмий омиллар ва бенуксон кредит тарихига эга бўлган замонавий иқтисодиётга айланишини таъминлайди.

Чет эллик инвесторлар асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, шунингдек чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон Республикаси ҳудудида *чет эл инвестициялари* деб эътироф этилади.

Бу, ўз навбатида, инқирознинг нафақат салбий оқибатларини юмшатишга, балки Ўзбекистон иқтисодиётини янада кучли ва бардошли иқтисодиётга айлантиришга қаратилган инқирозга қарши чораларнинг кенг миқёсли комплекс дастурини ишлаб чиқиш ҳамда уни тезроқ амалга ошириш имконини берди. Бунда эса энг ҳал қилувчи вазифа — хорижий инвестициялар ва узоқ муддатли инвестициявий кредитларни жалб этиш эвазига иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш асосини тубдан модернизациялаш, уни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашдан иборат.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоқлари бўлган нефть-газ ва нефть-кимё соҳаларида «Хитой миллий нефть корпорацияси», Жанубий Африканинг «Сасол», Малайзиянинг «Петронас», Кореянинг

«Лотте», «LG international», «SK» корпорациялари, Корея миллий нефть корпорацияси, Корея миллий газ корпорацияси, Россиянинг «Газпром» ва «Лукойл», Американинг «Техасо», Япониянинг «Мицуи» ва «Марубени» корпорациялари, машинасозлик соҳасида – Американинг «Женерал Моторс», Германиянинг «МАН», Япониянинг «Исузу»; авиация инфратузилмаси ва мультимодал логистика соҳасида – Кореянинг «Кореян Эйр» ва Япониянинг «Мицубиси»; озиқ-овқат ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаларида – Швейцариянинг «Нестле», Англия-Американинг «ВАТ», кимё соҳасида – Испаниянинг «Максам»; тўқимачилик ва енгил саноат соҳаларида – Ҳиндистоннинг «Спентекс», Япониянинг «Мицубиси» ва бошқа ўнлаб хорижий компаниялар, банк-молия секторида «Royal Bank of Scotland», «Корея Тараққиёт банки» ва ҳоказолар яқин шериклар ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий инвесторлар билан биргаликда фаолият олиб бораётган қўшма корхоналарнинг сони 4 мингдан ошди<sup>22</sup>.

Экспорт диверсификацияси, яъни хорижга сотилаётган товарлар ва хизматлар номенклатурасининг кенгайиши, жами экспортда алоҳида товар ёки хизмат тури (айниқса, хом ашё) улушининг катта бўлишига барҳам берилиши, маҳсулотларимиз экспорт қилинаётган мамлакатлар географиясини кенгайтириш экспорт ҳажмининг барқарор бўлишини таъминлайди, миллий иқтисодиётнинг ташқи бозордаги салбий ўзаришларга таъсирчанлиги даражасини пасайтиради.

Экспорт таркибида бир ёки бир неча товарлар улушининг сезиларли даражада ортиб кетиши бу товарлар нархи пасайган ёки уларга ташқи талаб қисқарган ҳолатларда экспортчи корхоналарни оғир аҳволга солиб қўйиши мумкин. Бунинг натижасида экспорт ҳажмининг қисқариши валюта тушумларининг камайиши, ташқи савдо балансининг ёмонлашуви ва корхоналар молиявий аҳволининг тангликка юз тутишига олиб келиши

---

<sup>22</sup> Морозов Ю. Россия, запад и страны ШОС в энергетических проектах Центральной Евразии. //Центральная Азия и Кавказ. 2008, №5., 44-бет.

мумкин. Шунингдек, экспорт умумий ҳажмининг кам сонли давлатларга боғланиб қолиши ҳамқалтис ҳолат ҳисобланади.

Президентимиз томонидан маърузада илгари сурилган тайёр рақобатбардош маҳсулотлар экспортини фаол ошириш ва бу маҳсулотлар етказиб бериладиган мамлакатлар географиясини янада кенгайтириш вазифасини амалга ошириш экспорт ҳажмини барқарор ўстириш, ташқи бозордаги ўзгаришлар таъсирида унинг ҳажми кескин камайиши хавфини бартараф этиш имконини беради.

Экспорт қилинаётган товарларни диверсификация қилиш, уларни импорт қилувчи мамлакатлар географиясини кенгайтириш бу мамлакатлардан бири ёки бир гуруҳининг иқтисодиётида муаммолар рўй берганда ҳам экспорт ҳажмининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик имконини беради.

### **3.2. Ташқи иқтисодий фаолиятда банк хизмати ўрнининг замонавий тенденциялари.**

Тижорат банклари ташқи иқтисодий фаолият (ТИФ) тизимида муҳим ва етакчи ўринни эгаллайди. Халқаро ҳисоб-китоблар банкнинг статистик маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда халқаро молия бозорларидаги операцияларнинг 50 фоизига яқин қисми 10 та тижорат банкнинг ҳиссасига тўғри келади. Жаҳон оборотидаги тўловларнинг 85 фоизидан ортиқ қисми тижорат банклари орқали амалга оширилмоқда. Халқаро операцияларнинг 56 фоизи Лондон, Нью-Йорк ва Токио бозорларида амалга оширилмоқда.

Мазкур маълумотлар шундан далолат берадики, **биринчидан**, тижорат банклари ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда муҳим ўрин тутмоқда; **иккинчидан**, тижорат банклари халқаро муносабатларда иштирок этаётган субъектларнинг тўлов операцияларининг мутлоқ асосий қисмини амалга оширишни таъминламоқда; **учинчидан**, ТИФ тизимида халқаро тижорат банкларининг юқори даражадаги мавқеи юзага келди, улар халқаро молия бозорларидаги операцияларнинг ярмига яқинини амалга оширмоқда;

**тўртинчидан** , молиявий активлар билан амалга ошириладиган халқаро операцияларнинг асосий қисмини бир неча йирик молиявий марказларга тўпланиш тенденцияси кузатилмоқда.

Халқаро ҳисоб-китоблар — хорижий валюталардаги талаб ва мажбуриятларни амалга ошириш ва тартибга солиш тизими бўлиб, турли мамлакатларнинг ҳуқуқий ва жисмоний шахслари ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар муносабати билан юзага келади. Халқаро ҳисоб-китоб муносабатлари, бир томондан, тўловларни амалга ошириш тартиби ва шартларини ўз ичига олса, иккинчи томондан, тижорат банкларининг уларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган кундалик фаолиятини олади.

Бозор иқтисодиётининг муҳим ва ажралмас тузилмаларидан бири ҳисобланувчи банклар тизими ва халқаро муносабатлар доимо ўзоро боғлиқ шаклда ривожланиб келган. Шу билан бирга, банклар халқаро муносабатларда ҳисоб-китобларни амалга ошириш, хўжалик субъектларини кредитлаш, халқаро капиталларни қайта тақсимлашда воситачи сифатида иштирок этиш, ташқи муносабатларда қатнашувчи субъектларга бошқа турли хизматлар кўрсатиш орқали меҳнат унумдорлигини ҳамда ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга амалда ёрдам кўрсатадилар.

Халқаро тижорат банклари халқаро микёсида кенг тарқалган ва ривожланган филиал тармоқларига ва банклараро вакиллик ҳисоб варақларига эга бўлиб, бу икки омил, пировард натижада, уларнинг ТИФ тизимидаги юқори даражадаги мавқеини таъминлашнинг бирламчи зарурий шарти ҳисобланади.

Тижорат банкларининг халқаро вакиллик муносабатлари географик йўналиши, операция турлари ва муносабатларнинг характериға кўра фарқланади.

Тижорат банкларининг ўзаро вакиллик муносабатлари географик йўналишиға кўра ички ва ташқи муносабатларға бўлинади. Ички муносабатлар деганда, бир мамлакат ичидаги тижорат банклари ўртасидаги ўрнатилган ўзаро вакиллик муносабатлари тушунилади. Халқаро ҳисоб-

китобларнинг асосий қисми ташқи вакиллик муносабатлари орқали амалга оширилади. Бунда тўловлар «Ностро» ва «Востро» вакиллик ҳисоб варақлари орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ривожланган хорижий давлатларнинг тижорат банклари билан бир томонлама ташқи вакиллик муносабатларига эга эканлиги халқаро операциялар кўламини кенгайтиришга салбий таъсир қилади. Масаланинг моҳияти шундаки, Республикамизнинг йирик тижорат банклари ривожланган хорижий давлатларнинг тижорат банкларида ўзларининг «Ностро» вакиллик ҳисоб варағига эга. Ривожланган хорижий давлатларнинг тижорат банклари эса, республикамизнинг тижорат банкларида ўзларининг «Востро» вакиллик ҳисоб варағига эга эмаслар.

Тижорат банкларининг халқаро вакиллик муносабатлари операцияларининг тури бўйича, иккига, яъни, мижозларнинг операциялари ва банкнинг ўзини операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларга бўлинади. Мижозларнинг операцияларига уларга траст хизмати кўрсатиш операциялари, мижозларнинг тижорат операциялари, уларнинг мажбуриятлари бўйича тўлов топшириқномалари, чеклар, ҳужжатлаштирилган аккредитивлар ва инкассо воситасида тўловларни амалга ошириш операциялари, қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар, уларга кафолатлар бериш ва бошқа операциялар киради.

Банкларнинг ўз операцияларига хорижий валютада кредитлар бериш ва кредитлар олиш, депозитлар қабул қилиш валюталарни, қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш операциялари киради.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг биронтаси ҳозирги кунга қадар халқаро қимматли қоғозлар бозорининг листингига кирмаган. Бу эса, уларнинг хорижий валютадаги ёзалган қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларини ривожлантиришга тўсқинлик қилади.

Республикамиз тижорат банкларининг валюталарни сотиб олиш операцияларининг ривожланиш даражаси уларнинг имкониятлари

даражасидан анча паст. Бу ҳолатнинг намоён бўлиш шакллари қуйидагилардан иборат:

а) Республикамиз тижорат банкларининг халқаро валюта бозорларидаги операциялари миқдори жуда кичик. Бу операциялар асосан импорт тўловларини амалга ошириш билан боғлиқ.

б) Республикамиз тижорат банкларининг валюта опционлари ва валюта фьючерслари билан боғлиқ муддатли операциялари мавжуд эмас.

в) Мамлакатимиз банкларида своп операциялари ривожланмаган.

Тижорат банкларининг халқаро вакиллик муносабатлари ўзаро муносабатларнинг характериға кўра, ҳисоб варағи очиш асосидаги ва ҳисоб варағи очмасдан туриб ўрнатиладиган муносабатларға бўлинади.

Кўпчилик ҳолатларда ўзаро вакиллик муносабатлари икки томонлама ёки бир томонлама ҳисоб варақлари очиш йўли билан амалга оширилади.

Айни вақтда, ҳисоб варақлари очмасдан туриб ҳам ўзаро вакиллик муносабатларини ўрнатиш мумкин. Бунда халқаро ҳисоб-китоблар учинчи банкда очилган ҳисоб варағи орқали амалга оширилади.

Тижорат банкларининг халқаро ҳисоб-китоб муносабатларини ТИФ тизимидаги ўрнини белгиловчи иккинчи асосий омил уларнинг халқаро электрон тўлов тизимиға уланиши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг, банк соҳасида олиб борилган ислохатлар натижасида қисқа муддатда миллий электрон тўловлар тизими жорий этилди. Бунинг натижасида Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида ҳўжалик субъектлари ўртасида тўловлар ўтказиш вақти кескин равишда қисқарди. Ушбу маълумотлар қуйидаги диаграммада келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида ҳўжалик субъектлари ўртасида тўловлар ўтказиш вақтини қисқариши динамикаси.

Маълумотлардан кўриниб турибдики, ҳўжалик субъектлари ўртасидаги тўлов топшириқномалари билан амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар 1991 йил республика ичида 90 кунда, вилоят ичида 30 кунда амалга оширилган

бўлса, 1997 йилга келиб ушбу ҳисоб-китоблар республика ичида 15 минутда, вилоят ичида 3 минутда амалга ошириладиган бўлди. Тижорат банкларида энг замонавий технологияларга асосланган электрон тизимни жорий қилиниши уларни халқаро электрон тўлов тизимига уланишга имкон берди.

Халқаро электрон тўлов тизимида етакчи ўринни, шубҳасиз, S . W . I . F . T . (Жаҳон банклараро молиявий телекоммуникациялар ҳамжамияти) тизими эгаллайди. Ушбу тизим 1973 йилда АҚШ ва Ғарбий Европа тижорат банкларининг ташаббуси билан тузилган эди. Ҳозирги кунда S.W.I.F.T. тизимининг уч маркази мавжуд бўлиб, улар Брюссель, Амстердам ва АҚШнинг Кильперер шаҳарларида жойлашган.

S.W.I.F.T. тизими халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш вақтини сезиларли даражада қисқартирди. Ҳозирги вақтда, S.W.I.F.T. тизими орқали ҳар қандай дунёнинг исталган мамлакатига 5 дақиқада етказалаши мумкин. Ҳолбуки, S.W.I.F.T. тизими юзага келтирилганга қадар АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларининг хўжалик субъектлари ўртасида тўлов топшириқномалари билан амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар бир ҳафтадан 10 кунгача чўзилар эди.

Тижорат банкларининг халқаро муносабатлардаги ҳисоб-китоб операцияларининг ўрни ва аҳамиятини ошишига сабаб бўлган учинчи омил халқаро ҳисоб-китоблар бўйича халқаро қоидаларни қабул қилиши бўлди.

1930-1932 йиллар мобайнида Халқаро Савдо Палатаси томонидан ҳужжатлаштирилган аккредитивлар ва инкассо бўйича халқаро қоидалар қабул қилинди.

Халқаро қоидалар халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнини осонлаштиради ва соддалаштиради. Чунки улар мамлакатнинг миллий қонунчилигидаги ўзаро фарқлар ва қарама-қаршиликларни бартараф этиш имконини беради.

Масалан, ҳужжатлаштирилган аккредитивлар бўйича қабул қилинган халқаро қоида аккредитивларнинг тўрт асосий шаклини мавжудлиги ва уларнинг ҳар бири билан тўловларни амалга ошириш тартиби аниқ белгилаб

қўйилган. Хусусан, чақириб олинган аккредитивлар аккредитив банки томонидан мустақил равишда бекор қилиниши ёки унинг тўлов шартлари ўзгартирилиши мумкин. Ёки тасдиқланган ҳужжатлаштирилган аккредитивни олайлик. Ушбу аккредитив учинчи мамлакат банки томонидан сиёсий рискни бартараф этиш мақсадида тасдиқланди ва сиёсий риск юз берган тақдирда аккредитив суммаси тасдиқланган банк томонидан тўлаб берилади.

Инкассо тўғрисида халқаро қоидада инкассони икки асосий шаклининг, яъни соф инкассо ва ҳужжатли инкассонинг мавжуд эканлиги эътироф этилгани ҳолда, ҳар бир шакл бўйича халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби аниқ белгилаб қўйилган. Масалан, соф инкассода фақат тўлов ҳужжатларини инкассога қабул қилинади ва вексель акцептлангандан сўнг товарлар билан боғлиқ ҳужжатлар импортёрга узатилади. Ҳужжатли инкассода эса, фақат тижорат ҳужжатлари инкассога қабул қилинади ёки тижорат ҳужжатлари тўлов ҳужжатлари билан биргаликда инкассога қабул қилинади. Агар тижорат ҳужжатларининг ўзи инкассога қабул қилинса, у ҳолда товарлар билан боғлиқ ҳужжатлар импортёрга тўлов ҳақиқатда амалга оширилгандан сўнг узатилади.

Юқорида қайд этилган халқаро қоидалардан ташқари, вексель муомаласи ва чеклар бўйича халқаро Женева конвенцияси мавжуд. Ушбу конвенцияларда векселлар ва чеклардан халқаро ҳисоб-китобларда фойдаланишнинг ҳукукий асослари белгилаб берилган. Масалан, банкларнинг ордерли чеклари аниқ таъминланганлик объектига эга эмас. Яъни, ордерли чекни банк мижозининг ёзма кўрсатмасига асосан ёзади ва бунда мижознинг жорий ҳисоб варағида валюта маблағларининг мавжудлиги ёки йўқлиги инобатга олинмайди.

Шунингдек, банкларнинг ордерли чекларини индоссамент ёрдамида учинчи шахсга узатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси хўжалик амалиётида қўлланилаётган ҳисоб-китоб чекларини учинчи шахсга узатиш мумкин эмас. Бундан ташқари, чек суммаси албатта алоҳида ҳисоб рақамида депонент қилинади.

Тижорат банкларининг халқаро ҳисоб-китоб муносабатлари бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- Импортёрлар ва экспортёрлар, уларнинг банклари ташқи савдо шартномасига бевосита боғлиқ бўлмаган ўзаро муносабатга киришадилар.

Мазкур ўзига хос муносабат товарлар билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштириш, текшириш, узатиш ва тўловларни амалга ошириш натижасида юзага келади.

- Тижорат банкларининг халқаро ҳисоб-китоб операциялари миллий қонунчилик билан, шунингдек, халқаро қоидалар билан тартибга солинади. АҚШда ягона савдо кодекси мавжуд бўлиб, унда банкларнинг халқаро ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳуқуқий асослар ўз аксини топган.

- Тижорат банкларининг халқаро ҳисоб-китоб муносабатлари унификация объекти бўлиб, у хўжалик алоқаларининг байналминаллашуви ва банк операцияларининг универсаллашувига асосланган.

- Банкларнинг халқаро ҳисоб-китоб операцияларида икки тўлов шarti қўлланилади:

а) Тўловлар ҳужжатларга қарши.

б) Тўловлар акцептга қарши.

Биринчи тўлов шartiда импортёр тўловни амалга оширгандан кейингина унга товарлар билан боғлиқ ҳужжатлар берилади.

Тўловнинг иккинчи шartiда импортёр томонидан вексель акцептлангандан кейингина унга ҳужжатлар берилади.

- Кўпчилик ривожланаётган давлатларда миллий валютанинг баҳоловчи валюта вазифасини бажара олмаслиги ва ушбу мамлакатлардаги банкларнинг ривожланган хорижий давлатларнинг банклари билан бир

томонлама вакиллик муносабатларига эга эканлиги тижорат банкларининг халқаро ҳисоб-китоб операцияларини ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

- Халқаро ҳисоб-китоб операцияларининг 90 фоизига яқин қисми фақат бешта валютада амалга оширилмоқда. Буларга АҚШ доллари, евро, Япония иени, Буюк Британия фунт стерлинги ва Швейцария франки киради.

Мазкур валютанинг барчасини эркин сузиб юрувчи курс режимига эга эканлиги халқаро ҳисоб-китоб муносабатларида валюта rischi муаммоси ва тўлов rischi муаммосини юзага келтирмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, халқаро тижорат банклари ТИФ тизимида муҳим ва ҳал қилувчи ролни ўйнамоқда. Уларнинг халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш борасидаги бой тажрибасини илмий асосда ўрганиш республикамизнинг тижорат банклари учун катта амалий аҳамиятга эгадир.

Тижорат банкларининг халқаро ҳисоб-китоб операцияларини тўғри таснифлаш асосида уларнинг самарадорлигини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг боиси шундаки, тижорат банки учун тўлов rischi ҳар бир халқаро ҳисоб-китоб шаклида бир-биридан фарқ қилади.

Халқаро банк амалиётида тижорат банкларининг халқаро ҳисоб-китоб операциялари, иқтисодий моҳиятига кўра, икки йирик гуруҳга ажратилади:

1. Соф тўловлар.
2. Хужжатлаштирилган тўловлар.

Бунда туркумлаш учун мезон бўлиб, тўлов шартлари ҳисобланади. Масалан, соф тўловлар учун уч тўлов шarti хос:

- а) товарлар суммасининг маълум қисмини олдиндан тўлаш;
- б) товарлар суммасини товарни қабул қилиб олгандан сўнг тўлаш;
- в) очиқ ҳисоб варақлари бўйича ҳисоблашиш.

Ушбу учала шартдан камида биттаси бажариладиган тўлов шакли соф тўлов ҳисобланади. Шу боисдан ҳам, соф тўловларга тўлов топшириқномалари ва чеклар воситасидаги халқаро ҳисоб-китоблар киритилади.

Тўлов топшириқномалари билан амалга ошириладиган ҳисоб-китобларда импорт суммаси товар қабул қилиб олингандан сўнг амалга оширилади. Бунда импортёр биринчи навбатда товарлар билан боғлиқ ҳужжатларни олади. Ундан кейин эса, товарлар билан боғлиқ ҳужжатлар орқали товарларни портдан ёки омборхонадан олади. Импортёр товарни сифатини ҳақиқатда текширгандан кейин тўлов топшириқномаси ёзади. Демак, тижорат банки учун мазкур ҳисоб-китоб шаклида тўлов rischi мавжуд эмас. Бундан ташқари, ушбу тўлов шакли импортёр учун қулай бўлиб, экспортёрга тўлов riskини юзага келтиради. Бундай шароитда тўлов rischi муаммосининг чуқурлашиши дебитор қарздорлик суммасининг ошишига ва мамлакат экспорт тушумини камайишига олиб келиши мумкин. Бу ҳолат эса, ўз навбатида, миллий валютанинг алмашув курсига ва экспортёрларнинг тўловга қобиллигига салбий таъсир қилади.

Халқаро савдони молиялаштириш билан боғлиқ бўлган халқаро ҳисоб-китоб муносабатларида тижорат банкларининг ордерли чекларидан кенг кўламда фойдаланилади. Республикамиз банк амалиётида эса, ҳозирги вақтда банкларнинг ордерли чеклари муомаласи мавжуд эмас.

Тижорат банкларининг ордерли чеклари билан амалга ошириладиган халқаро ҳисоб-китоб операцияларида банк чекни миқдорнинг ёзма кўрсатмасига асосан ёзади. Аммо банк томонидан чек суммаси алоҳида баланс ҳисобварағида депонентланмайди. Демак, бунда банк учун тўлов rischi мавжуд эмас. Лекин, халқаро амалиёт тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, ордерли чекларнинг асосий қисми, импортёрларнинг жорий валюта маблағлари етмай қолган шароитда, тижорат банкларининг кредитлари ҳисобидан тўланмоқда. Демак, ордерли чеклар тижорат банклари учун тўлов riskини юзага келтирмасада, улар учун юқори даромад олиш манбаи бўлиб қолмоқда.

Ривожланган давлатларнинг хўжалик амалиётида очик ҳисоб варақлари бўйича ҳисоблашишдан кенг кўламда фойдаланилади. Бунда, одатда, экспортёрнинг банкида мазкур ташқи савдо шартномасини молиялаштириш

учун алоҳида баланс ҳисоб варағи очилади. Ташқи савдо шартномасида ҳар бир партия товарни жўнатиш вақти аниқ кўрсатилади. Импортёр ҳар бир партия товарнинг суммасини товар жўнатилгунга қадар экспортёрнинг банкида очилган баланс ҳисоб варағига ўтказиши лозим. Экспортёр товарни жўнатгандан сўнг, унинг банки тўлов суммасини экспортёрнинг жорий валюта ҳисоб варағига ўтказди.

Очиқ ҳисоб варақлари бўйича ҳисоблашишда тижорат банки учун тўлов rischi мавжуд эмас, балки экспортёр учун тўлов rischi мавжуд. Шунинг учун ҳам, мазкур тўлов шакли бир-бирини яхши биладиган, одатда, кўп йиллардан буён ҳамкорликда ишлаб келаётган корхоналар ўртасида кенг қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси банк амалиётида очиқ ҳисоб варақлари бўйича ҳисоблашиш мавжуд эмас.

Ҳужжатлаштирилган тўловлар учун иккита тўлов шарти хос:

- а) товарлар билан боғлиқ ҳужжатларни тўлов амалга оширилгандан сўнг бериш;
- б) товарлар билан боғлиқ ҳужжатларни вексель акцептлангандан сўнг бериш.

Ушбу тўлов шартларидан келиб чиққан ҳолда, ҳужжатлаштирилган тўловларга ҳужжатлаштирилган аккредитивлар ва инкассо воситасидаги халқаро ҳисоб-китоблар киради.

Ҳужжатлаштирилган аккредитивларда тўлов товарлар билан боғлиқ ҳужжатлар импортёрнинг банкига келиб тушгандан сўнг амалга оширилади. Ривожланган хорижий давлатлар банк амалиётида чақириб олинмайдиган, тасдиқланмаган аккредитивлардан кенг кўламда фойдаланилади. Мазкур аккредитивларда тижорат банки учун тўлов rischi мавжуддир. Шу боисдан ҳам, тижорат банклари юқори даромад олиш имконига эгадирлар.

Ҳужжатлаштирилган аккредитив тўловни таъминлаш функцияси билан биргаликда кредит функциясини ҳам бажаради. Импортёрнинг банкни тўлов мажбуриятини ўз зиммасига олиши импортёрни банкдан кредит

олишини тезлаштиради. Чунки банк товарлар билан боғлиқ ҳужжатларни импортёр тўловни амалга оширгунга қадар ўзида ушлаб туради. Бу эса, ушбу ҳужжатлар берилган кредит учун гаров сифатида фойдаланиш ҳуқуқини беради.

Ривожланган хорижий давлатлар банк амалиётида аккредитивларнинг сезиларли қисми тижорат банкларининг муддатли ва овердрафт кредитлари ҳисобидан тўланади.

Тижорат банкларининг овердрафт шаклидаги кредитлари молиявий жиҳатдан барқарор ҳисобланган миқдорларга берилади. Чунки овердрафт кредити ҳеч қандай гаров объекти билан таъминланмаган кредит ҳисобланади. Бунинг боиси шундаки, **биринчидан**, овердрафт кредитида миқдорнинг жорий ҳисоб варағида қачон пул маблағлари етишмай қолишини олдиндан билиб бўлмайди; **иккинчидан**, вақтинчалик пул маблағларининг етишмовчилиги қанча миқдорда эканлигини режалаштириб бўлмайди.

Ҳужатлаштирилган аккредитивлар суммасини тижорат банкларининг кредитлари ҳисобидан тўлашда гаров механизмидан фойдаланиш йўли билан кредит рискин минималлаштириш мумкин. Бунда, айниқса, биринчи тоифали гаров объектларидан кенг кўламда фойдаланилади. Ривожланган хорижий давлатлар банк амалиётида биринчи тоифали гаров объектлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Миқдорларга тегишли ер майдонлари.
2. Ҳукуматнинг қимматли қоғозлари.
3. Тўлови ҳукумат томонидан қафолатланган корпоратив қимматли қоғозлар.
4. Марказий банк томонидан қафолатланган қимматли қоғозлар.
5. Марказий банкда қайта ҳисобга олинган тратталар.
6. Олтин ва бошқа нодир металллар.

Халқаро ҳисоб-китобларнинг инкассо шаклида товарлар билан боғлиқ ҳужжатлар импортёрга тўлов амалга оширилганда ёки тижорат вексели акцептланганда берилади. Бунда тўлов товарлар билан боғлиқ ҳужжатлар

импортёрнинг банки томонидан инкассога қабул қилингандан сўнг амалга оширилади. Ушбу шаклда тижорат банки учун тўлов rischi мавжуд эмас.

Германия банк Академиясининг профессори К. Байнке, франциялик таниқли иқтисодчи олим Ж. Матук ва бошқа бир қатор таниқли иқтисодчи олимлар ва мутахассислар соф тўловларга S.W.I.F.T. тизими орқали амалга ошириладиган тўловларни киритишади. Масалан, К. Байнке ўзининг бу фикрига исбот сифатида S.W.I.F.T. тизими орқали тўловларни амалга оширишда ҳужжатларни ишлатилмаслигини келтиради.

Бизнинг фикримизча, S.W.I.F.T. тизими орқали амалга ошириладиган тўловларни соф тўловлар таркибига киритиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки соф тўловлар аниқ тўлов шартларига асосланган. S.W.I.F.T. тизими орқали эса барча халқаро ҳисоб-китоб шакллари бўйича тўловлар амалга оширилади.

Ривожланаётган давлатларнинг кўпчилигини, шу жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган мамлакатларнинг миллий валюталарини халқаро валюта бозорларида олди-сотди қилинмаслиги ва ушбу давлатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни кучайиши «юмшоқ» валюталардаги операциялар ҳажмини сезиларли даражада ошишига олиб келмоқда. Бу ҳолат, ўз навбатида, халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнида кросс-курсларни ҳисоблаш методикасини тўғри танлаш ва барча тижорат банкларида бир хил тартибда қўлланилишини таъминлашни тақозо қилади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган мамлакатларнинг миллий валюта расмий курсини аниқлаш механизми 1.2.1-жадвалда кўрсатилган.

Халқаро банк амалиётида кросс-курсни аниқлашда у ёки бу методикадан фойдаланишда бирламчи мезон сифатида база валютасини ўтаётган валютага нисбатан қайси котировка тури қўлланилаётганлиги ҳисобланади. Агар ушбу валютага нисбатан тўғри котировка қўлланилаётган бўлса, унда кросс-курсни аниқлашда «хоч принципи» га асосланилади.

**Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган мамлакатларнинг  
миллий валюта расмий курсини аниқлаш механизми.**

|             | <b>Валюта режими</b>                                 | <b>Валюта курсини аниқлаш механизми</b>                                                                                                            |
|-------------|------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Арманистон  | Эркин сузиб юрувчи                                   | Банклараро биржалари ва валюта бозорларидаги уртача нархлар ёрдамида Марказий банк томонидан аникланади                                            |
| Азарбайжон  | Бошқариладиган сузиб юрувчи                          | Савдо акционерлари ва банклараро валюта биржаларидаги уртача баҳоларга асосланган ҳолда Марказий банк томонидан аникланади.                        |
| Белорусия   | Россия рублига боғланган ҳолда ўрмаловчи             | Россия рублига боғланган ҳолда Белоруссия миллий банки томонидан белгиланади.                                                                      |
| Грузия      | Эркин сузиб юрувчи                                   | Доллар ва бошқа валюталар кросс-курсларига асосланган ҳолда Марказий банк томонидан аникланади.                                                    |
| Козоғистон  | Бошқариладиган сузиб юрувчи                          | Валюта биржаларида ҳафта давомида кунлик уртача нархлар ёрдамида аникланади.                                                                       |
| Кирғизистон | Бошқариладиган сузиб юрувчи                          | Банклараро валюта биржаларида ҳафтанинг ўтган жума кунидан жорий жума кунигача амалга оширилган битимларининг ўртача нархлари ёрдамида аникланади. |
| Латвия      | Бошқариладиган сузиб юрувчи, қатъий белгиланган курс | Латвия банки томонидан белгиланади.                                                                                                                |
| Литва       | Еврога боғланган ҳолда ўзгарувчи                     | Валюта кенгаши томонидан белгиланади                                                                                                               |
| Молдавия    | Эркин сузиб юрувчи                                   | Барча валюта биржаларида Ҳафта давомида кунлик ўртача нархлар ёрдамида аникланади.                                                                 |
| Россия      | Бошқариладиган сузиб юрувчи                          | Банклараро валюта савдо битимлари асосида Марказий банк томонидан аникланади.                                                                      |
| Тожикистон  | Бошқариладиган сузиб юрувчи                          | Ҳафта давомида ўтказилган Банклараро валюта савдо битимлари яқунлари асосида Тожикистон миллий банки томонидан белгиланади.                        |

|              |                             |                                                                                                                       |
|--------------|-----------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Туркменистон | Турли айрибошлаш курслари   | Ваколатли банклар иштирокидаги хар хафталик аукцион якунлари асосида Марказий банк томонидан расмий курс белгиланади. |
| Украина      | Эркин сузиб юрувчи          | Банклараро валюта биржасида белгиланади.                                                                              |
| Ўзбекистон   | Бошқариладиган сузиб юрувчи | Банклараро валюта биржада утказилган савдо якунлари қараб белгиланади.                                                |
| Эстония      | Европага боғланган ҳолда    | Валюта кенгаш томонидан белгиланади                                                                                   |

нисбатан кросс-курсини аниқлайди:

.....

1 USD=31,00-32,00 RUR ..... 1 USD= 1380,00-1400,00 UZS

“ Хоч принципи ” га кўра , сўмнинг рублга нисбатан кросс - курси к уйидагича аниқланади :

$$1000 \text{ RUR} = (1400 \times 1000) / 31,00 = 45161,29 \text{ UZS} /$$

“Бизнес” банк аниқланган кросс-курсга спрэдни қўшиш йўли билан ўзининг рублни сотиш курсини белгилайди.

б) “Бизнес” банкнинг сотиб олиш курси:

$$1000 \text{ RUR} = (1380 \times 1000) / 32,00 = 43125,00 \text{ UZS} /$$

Шуниси характерлики, сотиб олиш курсига нисбатан спрэд белгиланмайди.

База валютаси сифатида фойдаланилаётган валютага нисбатан эгри котировка қўлланилаётган бўлса, у ҳолда кросс-курсни аниқлашнинг «хоч принципи» қўлланилмайди. Бунда кросс-курсни аниқлашнинг иккинчи методикасидан фойдаланилади.

2-мисол. «Бизнес банк» қуйидаги котировкалар асосида сўмнинг фунт стерлингга нисбатан кросс-курсини аниқлайди:

$$1 \text{ GBP} = 1,5350-1,5370 \text{ USD}$$

$$1 \text{ USD} = 1380,00-1400,00 \text{ UZS}$$

а) Сўмнинг фунт стерлингга нисбатан сотиш кросс-курси:

$$1 \text{ GBP} = (1400,00 \times 1,5370) / (1 \times 1) = 2151,80 \text{ UZS}$$

Сўмнинг фунт стерлингга нисбатан сотиб олиш кросс-курси:

$$1 \text{ GBP} = (1380 \times 1,5350) / (1 \times 1) = 2118,30 \text{ UZS}$$

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банкларининг халқаро ҳисоб-китоб операцияларини тўғри таснифланишини таъминлаш ушбу операцияларни самарали тарзда амалга оширишни таъминлаш имконини беради.

**«Трастбанк» ХОАББ экспорт-импорт амалиётларининг ривожланиш истиқболлари.**

«Трастбанк» ХОАББ экспорт-импорт битимларини амалга ошириш, хорижий валюта сотиш/сотиб олиш бўйича амалиётлар, ҳужжатлаштириш билан боғлиқ ишларни бажариш бўйича ўз хизматларини таклиф қилади.

Банк асосий жаҳон валюталарида ҳисоб-китобларни амалга оширади ва ҳисоб рақамларга келиб тушган пул маблағлари ҳақида тезкор ахборот олиш имконини беради. Бунда SWIFT тизимидан фойдаланиш ушбу ҳисоб китоб тизими банк-иштирокчилари ўртасида дарҳол маълумот алмашишдек афзалликни яратади. Бу эса ўтказмаларнинг тезлиги, тўлиқлиги ва халқаро тўловларнинг ахборий таъминланганлиги билан мижозларнинг тўла қаноатлантиради.

**Банк қуйидаги банклар ва молия институтлари билан коореспондентлик алоқаларга эга:**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий Фаолият Миллий Банки, ОАИТБ «Ипак Йули Банк», ОАТБ «Ўзсаноатқурилишбанк», АТБ «Агробанк», ДАТБ «Асакабанк», ЁАЖ «UzKDB» Банк.

«Commerzbank AG» (Германия), «Raiffeisen Bank International AG» (Австрия), ЗАО «Райффайзенбанк» (Россия), АКБ «Азия-Инвест Банк» (Россия), КБ «Русславбанк» (Россия), ОАО «Сбербанк России» (Россия), КБ «Промсвязь Банк» (Россия), ОАО «Банк ВТБ» (Россия), «AKBANK T.A.S.» (Туркия), «Bank of China» (Хитой), «НОВИКОМБАНК» ЁАЖ АТБ (Россия)

### 3.2.2 - жавдал

#### Корресподент банклар

| Банкнинг номи                                             |  |  |  |  | Валюта тури        |  |  |
|-----------------------------------------------------------|--|--|--|--|--------------------|--|--|
|                                                           |  |  |  |  |                    |  |  |
| Commerzbank AG                                            |  |  |  |  | USD, EUR           |  |  |
| Raiffeisen Bank International AG                          |  |  |  |  | USD, EUR           |  |  |
| Sberbank Rossii                                           |  |  |  |  | USD, RUB           |  |  |
| Promsvyazbank                                             |  |  |  |  | USD, EUR, RUB      |  |  |
| ОАО Vneshtorgbank                                         |  |  |  |  | USD, RUB           |  |  |
| Russky Slaviansky Bank                                    |  |  |  |  | USD                |  |  |
| Asia-Invest Bank                                          |  |  |  |  | USD, EUR, RUB      |  |  |
| National Bank for Foreign Economic Activity of Uzbekistan |  |  |  |  | JPY, EUR, RUB, GBP |  |  |
| AKBANK T.A.S.                                             |  |  |  |  | USD, EUR           |  |  |
| Bank of China                                             |  |  |  |  | USD                |  |  |
| «НОВИКОМБАНК» ЁАЖ АТБ (Россия)                            |  |  |  |  | USD, EUR, RUB      |  |  |

Импорт битимлари миждозга чет эл валютадаги ҳисоб рақамлари очилган банкда ҳисобга олинади ва қуйидагича амалга оширилади:

1. Битимни ҳисобга олиш учун Банкка битимнинг асли ва нусхаси, белгиланган шаклдаги ариза тақдим қилинади (1-сон Илова).

2. Агар келтирилган товар учун тўлов муддати 360 кундан ортиқ бўлса, бундай шартнома фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатга олингандан кейин Банкда ҳисобга олинади. Битим рўйхатга олиниши учун, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2005 йил 18 мартда №1457 – сон билан рўйхатга олинган “Капитал ҳаракати билан боғланган алоҳида валюта операциялар ўтказиш тартиби тўғрисида Низом”га кўра тақдим этилади.

3. Импорт битимларини ҳисобга олишда битимнинг мажбурий бўлимлари мавжуд бўлишига эътибор қаратиш керак: - битимнинг спецификасида товар номи, баҳоси ва йиғиндисидан ТИФТН коди, товар келиб чиқиши мамлакати, ишлаб чиқарувчи ва зарур бўлган стандартлар (ГОСТ ёки ТУ ёки ISO ва ҳ.к.) кўрсатилган бўлиши шарт. - битим реквизитларида чет эл шерикнинг юридик адреси, валюта ҳисобварағи, чет эл шериги банкининг номи, юридик адреси ва SWIFT коди мавжуд бўлишига эътибор қаратиш зарур. Тўловлар россия рублида амалга оширилган тақдирда, қўшимча чет эл шеригининг СТИР коди, КППси ва чет эл шериги банкининг БИКи кўрсатилган бўлиши керак.

4. Банк битимга идентификация рақами (ИДР) белгилангани ҳақида маълумотнома беради.

5. Битим рўйхатга олингандан кейин шартнома ҳақидаги маълумотлар “Банк-Божхона” ЯЭАТ базасига киритилади.

6. Битим Божхона идораларида 7 иш куни давомида рўйхатдан ўтказилиши зарур. Дикқат! Битим бўйича барча ҳаракатлар (тўловлар, келган товарларни божхонада расмийлаштириш) Банк ва Божхона идораларида рўйхатдан ўтганидан кейин амалга оширилади.

7. Битимга қўшимча келишувлар имзоланишида мижоз Банка қўшимча келишувнинг асл нусхаси, унинг нусхасини ва белгиланган шаклдаги аризани тақдим қилади. Қўшимча келишувлар рўйхатга олингандан кейин улар “Банк- Божхона” ЯЭАТ базасига киритилади.

8. 2009 йилнинг 1 сентябридан кейин тузилган битимлар бўйича (хизматлар, ишлар) келиб тушиш максимал муддати – тўлов амалга оширилган кундан 180 кун, ундан кейин муддати ўтган дебитор қарзлик пайдо бўлади ва бу тўғрисида Банк мижоз юридик адреси жойидаги Солиқ идорасига хабар беради Дикқат! Битим бўйича тўловлар қатъий битим шартларига кўра (аккредитив, товар келиши факти бўйича олдиндан тўлаш ва ҳ.к.) амалга оширилади ва битимда белгиланган ҳужжатлар (аккредитивга

ариза, инвойслар, хабарномалар, товар олиб келиш карточкалари, хатлар, юк жўнатиш ҳужжатлари ва ҳ.к.) тақдим этилади.

9. Битимларни ҳисобга олиш ва улар бўйича тўловларни амалга оширишда Банк Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 4 октябрда 1281 – сон билан рўйхатга олинган “Юридик ва жисмоний шахслар валюта операциялари асосли ўтказилиши устидан мониторинг амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомда кўрсатилган белгиларга кўра мониторинг ўтказди ва маълумотларни Солиқ идораларига жўнатади.

10. Битим бўйича ҳаракатлар якунлангач шартнома Банк ҳисобидан чиқарилиши мумкин. Бунинг учун битимни ҳисобдан чиқариш ҳақида илтимос хат тақдим этилиши зарур.

Экспорт битимлар мижозга чет эл валютада ҳисоб рақам очилган жойда ҳисобга олинади ва қуйидагича амалга оширилади:

1. Битимни ҳисобга олиш учун мижоз Банкка шартнома аслини ва нусхасини, белгиланган шаклдаги, корхона раҳбари имзоси ва муҳри билан тасдиқланган аризани тақдим қилади (1-сон Илова).

2. Битим бўйича тўловларнинг шартлари – олдиндан тўловни амалга ошириш, жўнатилаётган товар партияси суммасига аккредитив, ваколатли банк томонидан тасдиқланган чет эл шериги банки кафолати, сиёсий ва тижорат таваккалчилик юзасидан суғурта полиси мавжудлиги. Дикқат! Сиёсий ва тижорат таваккалчилик юзасидан суғурта полиси фақат маҳсулот ишлаб чиқарувчи – корхоналардан қабул қилинади.

3. Битим реквизитларида чет эл шерикнинг юридик адреси, валюта ҳисобварағи, чет эл шериги банкининг номи, юридик адреси SWIFT коди бўлишига эътибор қаратиш зарур.

4. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (ТИАИСВ)да юқори ливид маҳсулотларни етказиб бериш доир экспорт битимлар ТИАИСВ белгилаган тартибда (ВМнинг 2006.30.07даги 1588-сон қарорига мувофиқ) рўйхатга олингандан кейин ваколатли банклар ҳисобга олинади.

5. Республика товар-хомашё биржаларида чет эл валютасида тузилган экспорт битимлари республика товар-хомашё биржаларида рўйхатдан ўтиши ва божхона идораларида ҳисобига киритилганидан кейин ваколатли банклар ҳисобига олинади.

6. Банк битимга идентификация рақами (ИДР) берилгани ҳақида маълумотнома беради.

7. Битим рўйхатга олингандан кейин битим ҳақидаги маълумотлар “Банк-Божхона” ЯЭАТ базасига киритилади.

8. 2011 йилнинг 1 октябридан (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги УП-1871-сон Фармойиши билан рўйхатланган хомашё товарлар экспортидан истесно) товар, иш ва хизматни экспорт қилувчи микрофирма ва кичик корхоналар учун экспорт битимларини давлат божхона хизмати органларида ҳисобга қўйиш товарларни божхонада расмийлаштириш жараёнида бевосита божхона постларида амалга оширилади.

9. Битимга қўшимча келишувлар юзасидан имзо қўйишда мижоз Банкка қўшимча келишув асл нусхасини, унинг нусхасини ва белгиланган шаклдаги аризани тақдим этади. Қўшимча келишувлар рўйхатга олингандан кейин “Банк-Божхона” ЯЭАТ базасига киритилади.

10. Тушум транзит ҳисобварағига келиб тушганидан кейинги иш кунидан кечиктирмай мижозга тушум ҳақида хабар берилади.

11. Мижоз тушум транзит ҳисобварағига келиб тушган санадан бошлаб 5 кун иш куни давомида 50% мажбурий сотувни амалга ошириши зарур (ВМнинг 2000 . 29.06 даги 245-сон қарорига биноан озод қилинган мижозлар бундан мустасно).

12. Товарни жўнатилишини амалга ошириш учун Банк мижозга ҳисоб-китоблар ҳақида маълумотнома беради.

13. Ҳисоб-китоблар ҳақидаги маълумотнома фақат жўнатилган маҳсулот суммасига олдиндан тўлов тушганда, аккредитив очилганда ёки

харидор банки кафолати, ёки сиёсий ва тижорат таваккалчилиги юзасидан суғурта полиси мавжуд бўлган ҳолатлардагина тўлдирилади.

14. Экспорт қилувчи товар жўнатилганидан кейин беш иш кунини давомида юк божхона декларацияси нусхасини Банкка тақдим қилиши шарт. Иш бажариш ва хизмат кўрсатишни амалга ошираётган экспорт қилувчилар корхоналар иш бажарилиши бўйича далолатномани, инвойс, ҳисоб-фактура ва битим бажарилиши билан боғлиқ бошқа тижорат ҳужжатлар нусхаларини Банкка улар имзоланиши санасидан бир ой муддат ўтмаган давр ичида тақдим қилишлари лозим. Дикқат! Юқорида кўрсатилган ҳужжатлар нусхалари корхона раҳбари имзоси ва корхона муҳри билан тасдиқланади.

15. Битимда ҳисоб-китоб шакли аккредитив, кафолат ва суғурта полиси бўлган ҳолатларда валюта тушуми қисман ёки тўлиқ тушмаган тақдирда, Банк бу тўғрисидаги ёзма маълумотларни қонунчиликка ва 2003 йил 4 октябрда 1281 – сон билан руйхатга олинган “Юридик ва жисмоний шахслар валюта операциялари асосли ўтказилиши устидан мониторинг амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ чора қабул қилиш учун ҳўжалик субъекти рўйхатдан ўтиш жойидаги ҳудудий солиқ ва божхона идораларига юборади.

16. Битим бўйича ҳаракатлар якунлангач шартнома Банк ҳисобидан чиқарилиши мумкин. Бунинг учун битим ҳисобдан чиқариш ҳақида илтимос хат тақдим этилиши зарур.

«Трастбанк» ХОАББ Ўзбекистон ва хорижий давлатларнинг банклари, молия институтлари билан амалий алоқалар ўрнатиш ва кучайтиришга катта аҳамият қаратади.

Банк бутун дунё бўйича SWIFT тизими аъзолари бўлган банклар билан мунтазам равишда калит алмашиш тадбирларини ўтказиб туради. Бугунги кунга келиб 70 дан ортиқ халқаро молия институтлари банкнинг ҳамкорларига айланган.

### **Шбоб бўйича хулоса**

Бозор иқтисодиётининг муҳим ва ажралмас тузилмаларидан бири ҳисобланувчи банклар тизими ва халқаро муносабатлар доимо ўзоро боғлиқ шаклда ривожланиб келган. Шу билан бирга, банклар халқаро муносабатларда ҳисоб-китобларни амалга ошириш, хўжалик субъектларини кредитлаш, халқаро капиталларни қайта тақсимлашда воситачи сифатида иштирок этиш, ташқи муносабатларда қатнашувчи субъектларга бошқа турли хизматлар кўрсатиш орқали меҳнат унумдорлигини ҳамда ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга амалда ёрдам кўрсатадилар.

Халқаро тижорат банклари халқаро миқёсида кенг тарқалган ва ривожланган филиал тармоқларига ва банклараро вакиллик ҳисоб варақларига эга бўлиб, бу икки омил, пировард натижада, уларнинг ТИФ тизимидаги юқори даражадаги мавқеини таъминлашнинг бирламчи зарурий шарти ҳисобланади.

Тижорат банкларининг халқаро вакиллик муносабатлари географик йўналиши, операция турлари ва муносабатларнинг характериға кўра фарқланади.

Тижорат банкларининг ўзаро вакиллик муносабатлари географик йўналишиға кўра ички ва ташқи муносабатларға бўлинади. Ички муносабатлар деганда, бир мамлакат ичидаги тижорат банклари ўртасидаги ўрнатилган ўзаро вакиллик муносабатлари тушунилади. Халқаро ҳисоб-китобларнинг асосий қисми ташқи вакиллик муносабатлари орқали амалга оширилади. Бунда тўловлар «Ностро» ва «Востро» вакиллик ҳисоб варақлари орқали амалга оширилади.

## Хулоса ва таклифлар

Ҳар бир мамлакат ўз иқтисодий тараққиёт йўлида ташқи иқтисодий сиёсат юритишда икки ёндашувдан бирини яъни импорт ўрнини босувчи ёки экспортга йуналтирилган сиёсат юритишни танлашга тўғри келади. Жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда экспортни ривожлантиришга катта эътибор қаратилган. Мустақиллик даврларида олиб борилган ишлар ва қабул килинган меъёрий ҳужжатлар натижасида бу соҳада анча ютуқларни қўлга киритдик десак муболаға бўлмайди.

Мамлакатимиздаги жорий иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири – қўшилган қиймати юқори бўлган тайёр маҳсулотлар экспорт салоҳиятини кенгайтиришдир. БМТнинг ривожлантириш дастуридаги лойиҳалар доирасида ноҳом-ашё товарлар экспортини кенгайтириш мақсадида қўшма корхоналар экспортини ривожлантириш, ҳамда бу тизимни молиялаштиришни мукаммаллаштириш мақсадида “Трастбанк” ХОАББда валюта оперцияларини ислох қилиш масалалари бўйича бир қанча тадқиқотлар ўрказилган. Шу мақсадда БМТ РД (ПРООН) Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги билан ҳамкорликда экспортни молиялаштириш тизимини, экспорт-импорт банкини ташкил этиш орқали, мукаммаллаштириш бўйича таҳлилий ҳужжатлар тўпламини ишлаб чиқмоқда. Бунда “Ўзбекистонга инвестиция жалб қилиш ва ташқи савдо фаолияти бўйича институтлар салоҳиятини ривожлантиришни кучайтириш лойиҳаси” доирасида жорий йилда халқаро ташкилотлар, давлатлар ва хусусий секторлар вакиллари иштирокида давра суҳбати (brainstorming шаклида) ўтказилиб, унда Ўзбекистонда эксимбанкни ташкил этиш муҳимлиги, экспортни молиялаштиришдаги муаммолар, экспортерларнинг бунга эҳтиёжи ва шунга боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Шу билан бирга, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш учун иқтисодиётни яхлитлигича молиялаштиришда хорижий банклар фаолиятини кенгайтириш масаласи кўрилди.

Таклифлар қуйидагилар:

1. Экспорни молиялаштириш институтини ташкил этишнинг 3 хил варианты бўлиб, улар: тижорат банклари, жумладан “Трастбанк” ХОАББ томонидан бериладиган экспорт - импорт кредитларининг кафиллигини бўйнига оладиган яқинда ташкил этилган ривожлантириш ва тараққиёт фондларига бўлиш;

2. Ўзбекистон миллий ташқи иқтисодий ишлар банкни тўлалигича эксимбанка айлантириш ёки янги эксимбанкни яратиш;

3. Экспорт учун тайёр маҳсулот бор, лекин умумий экспорт таркибини тайёр маҳсулотлар кам эгаллайди, шу мақсадда экспортни молиялаштириш ва янги изланишлар олиб бориш керак;

4. Экспорт товарларини етказиб беришда имтиёзли кредитлар экспортни молиялаштиришда асосий восита бўлиб қолиши керак эмас;

5. Экспорт маҳсулот ишлаб чиқариш учун йиғма хом - ашёларни (технологиялар) импортини ҳам молиялаш зарур;

6. Асбоб - ускуналарнинг экспортини молиялаш учун “Трастбанк” ХОАББ мисолида бир неча хил ассоциация ва корпорацияларнинг фикрини ҳамда экспортга таъсир этувчи объектлар ва экспортни молиялаштириш йўналишларини ўрганиш лозим;

7. Қўшма корхоналар томонидан амалга ошириладиган экспорт - импорт операцияларига муҳтож хорижий бозорлар устунликларини аниқлаш унчалик муҳим масала эмас, чунки агар маҳсулот нарх ва сифатда рақобатбардош бўлса харидорларнинг ўзлари топиб келишади.

“Трастбанк” ХОАББ фаолиятида молиялаштириш манбаси бўлиб хом-ашё маҳсулотлари экспортидан олинган устама фойда ҳамда хориждан жалб қилинган маблағлар ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда қўшма корхоналар экспорт фаолиятини молиялаштиришда хориж тажрибасидан фойдаланиш керак эмас, балки Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда иқтисодиёт ривожини миллий ўзига хослигини

инобатга олиб, экспортни молиялаштириш механизм ва воситаларини ишлаб чиқиш керак.

Экспортга йўналтирилган сиёсат юритиш ва миллий экспорт салоҳиятини ошириш борасида амалга оширилган чора тадбирлар самарасини ва шаклланган экспорт салоҳиятини тегишли самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш хулосалари орқали ижобий ва салбий кўринишда акс эттириш мумкин:

Ижобий кўрсаткичлар, натижалар ва тенденциялар:

1. Экспортнинг моддий ҳажми сезиларли даражада кўтарилди ва унинг ЯИМдаги улуши ошиб борди;
2. Экспорт таркиби 900дан ортиқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини йўлга қўйилганлиги эвазига анча кенгайди, айниқса хизматлар экспорти жадал ривожланди;
3. Пахта толасининг экспортдаги ҳукмронлик мавқеи пасайди ва тайёрланган маҳсулотлар улуши ортиб бормоқда;
4. Экспортнинг асосий қисми Европа ва МДХ мамлакатларига йўналтирилган. Шунингдек дунёнинг энг ривожланган Япония, Швеция, АҚШ, Буюк Британия ва Жанубий Корея каби мамлакатлар экспортнинг асосий талабгорлари бўлиб қолишмоқда (албатта бу хом - ашё ҳисобига);
5. Хорижий инвестицияларнинг саноат ишлаб чиқариш ва экспортдаги улуши ошиб бормоқда.

Ноижобий ёки салбий натижалар ва тенденциялар:

1. Ҳозирга қадар экспортда хом-ашё улуши юқори бўлиб қолмоқда, қайта ишлаш саноати оралиқ маҳсулот даражаси билан кифоялланмоқда.
2. Экспорт маҳсулотларининг рақобатбардошлик даражаси паст, ҳам сифат жиҳатдан, ҳам нарх жиҳатдан. Товарларнинг таннархи уларнинг жаҳон нархларидан анча юқори бўлиб қолмоқда.

Амалга оширилган таҳлилий натижалар ва қилинган хулосаларга асосланган ҳолда қуйидаги таклифларни билдираман:

1. Экспорт маҳсулотларига ишлатилувчи материаллар импортидаги воситачиликка барҳам бериш ва корхоналарнинг ўзларига хорижликлар билан шартнома тузишга эркинликларни тўлиқ бериш;

2. Ахборотлар шаффофлигини тўлиқ таъминлаш;

3. Тадбиркорлар ва ҳукумат вакиллари яқдиллигини таъминлаш;

4. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг Европа стандартларига ва уларнинг маъданиятига мос равишда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

5. Ўзбекистонда Европаэркин иқтисодий зоналарини ташкил қилиш;

6. Ташқи иқтисодий фаолият соҳасини ривожлантириш мақсадида хорижий мутахассислар тажрибасидан кенгроқ фойдаланиш ва маҳаллий малакали кадрларни тайёрлаш мақсадида ёки мутахассисларни хорижий давлатларга тажриба алмашиш учун юбориш.

Ушбу йўналишларни амалга ошириш ташқи иқтисодий фаолиятни банк тизими орқали ривожлантиришда фундаментал асос сифатида хизмат қилиши мумкин.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### 1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президенти Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) 2000 й.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни. 1998 й.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Хорижий инвесторлар ҳуқуқлари ҳимояси кафолатлари ва чоралари тўғрисида”ги Қонуни. 1998 й.

4. «Чехия, Эстония, Кипр, Венгрия, Латвия, Литва, Мальта, Польша, Словения ва Словакия Республикаларининг Европа Иттифоқига қўшилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси, бир томондан, Европа Ҳамжамиятлари ҳамда уларга аъзо давлатлар, иккинчи томондан, ўртасида Шерикчилик ва Ҳамкорлик тўғрисида”ги Битим Баённомасини (Брюссель, 2004 йил 30 апрель) ратификация қилиш ҳақида» ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2005 йил 18 май.

5. «Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли зона тўғрисидаги Шартномани (Семипалатинск, 2006 йил 8 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 2007 йил 2 апрель ЎРҚ–80-сон.

6. «Марказий Осиё Ҳамкорлиги» Ташкилотининг Евросиё иқтисодий ҳамжамиятига интеграцияси тўғрисидаги Баённомани (Минск, 2006 йил 23 июнь) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 2007 йил 2 апрель ЎРҚ–81-сон.

7. Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисида 2000 йил 10 октябрдаги Шартномага қўшилиши тўғрисида Баённомани (Санкт-Петербург, 2006 йил 25 январ) ратификация қилиш ҳақида 03.07.2006

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кризисга қарши дастурга киритилган қўшимча инфратузилма объектлари бўйича лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги № ПК-1073-сон қарори. 17.03.2009 й.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 8 апрелдаги ПК–1092-сон **«2009 йилда маҳсулот экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»** қарори

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Қарори 16.07.2008

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида” Фармони 04.12.2008

12. «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон Фармони.

13. “Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни

жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони 07.21.2005.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.12.2008 йил 283-сонли “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида” Қарори.

15. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 1-сон.

## **II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

15. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари». - Т.:Ўзбекистон, 2009.

16. Каримов И.А. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни давом эттириш – давр талаби». «Халқ сўзи», 2009 йил 14 феврал.

17. Каримов И.А. “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» - «Халқ сўзи», 2012 йил, 20 январь.

18. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2005.

19. Тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг ишончли кафолати. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг саммитида сўзлаган нутқи. 06.16.2006.

20. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. “Халқ сўзи” газетаси, 2006 йил 25 феврал.

21. Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч”.–Т.: Ўзбекистон, 2010.

22. Каримов И.А. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”. –Т: Ўзбекистон, 2011.

23. Каримов И.А. 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш”номли маърузаси. - «Халқ сўзи», 2013 йил, 19 январь, № 13 (5687)

## **III. Соҳага оид меъёрий ҳужжатлар**

24. Постановление Агентства по внешним экономическим связям, Министерства финансов, Государственного таможенного комитета Республики Узбекистан от 11 ноября 2004 года №№ ЭГ-01/10-4238, СР/13-01/3-46/128, 01-02/20-35 «О внесении дополнений в Перечень стран, с которыми подписаны Соглашения о торгово-экономическом сотрудничестве с предоставлением режима наибольшего благоприятствования». Зарегистрировано Министерством юстиции Республики Узбекистан 14 января 2005г. Регистрационный № 426-4.

25. Импорт контрактларини ҳисобга қўйиш ва ташқи савдо

операцияларининг божхона мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисида Низом (ЎзР ВМ 30.09.2003 й. 416-сон Қарорига 1-илова)

26. Импорт шартномаларини ҳисобга қўйиш ва улар тўловини хўжалик субъектларининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида (ЎзР АВ 04.10.2005 й. 1514-сон билан рўйхатга олинган ЎзР МББ 24.09.2005 й. 268-В-сон, ЎзР ИВ 64-сон, ЎзР МВ 94-сон ва ЎзР ДБҚ 01-02/19-22-сон Қарори)

#### **IV. Асосий адабиётлар**

27. Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма – Т.: Иқтисодиёт. - 2010.

28. Б.Ю.Ходиев ва бошқалар. “ЎзР Президенти И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма”. – Т.: Иқтисодиёт, 2009.

29. Фаминский И.П. Глобализация – новое качество мировой экономики: учеб.пособие. - М.: Магистр, 2009. - 397 с.

30. Мировая экономика: учебник /под.ред. Б.М. Смитиенко. - М.: Высшее образование, Юрайт - Издат, 2009.- 581 с.

31. Ломакин. В.К. Мировая экономика: учебник. - М.: ЮНИСТИ-ДАНА, 2008. - 671 с.

32. Назарова Г.Г. ва бошқалар. Маркетинг( ташқи иқтисодий фаолият). Дарслик. Т.: МЧЖ “RAM-S”, 2007.

33. Назарова Г.Г., Назарова Р.Р., Юсупов А.С., Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув: тажриба ва амалиёт. – Т. ТДИУ, 2005, 178 б.

34. Шодиев Р.Х. “Жаҳон иқтисодиёти”. – Т.: “Ғофур Ғулом”, 2005.- 215 б.

35. Воронин В.П., Кондракова В.Г., Подмолодина И.М. Мировая экономика. М. 2008.

36. Богомоллов О.Т. Мировая экономика в век глобализации. Учебник. М.: ЗАО «Экономика», 2007. — 359 с.

37. Назарова Г.Г. ва б. Жаҳон иқтисодиёти. Т.: МЧЖ “RAM-S”, 2007.

#### **V. Қўшимча адабиётлар**

38. Мировая экономика: прогноз до 2020 года /под ред. акад. А.А. Дынкина– М.: Магистр, 2008.

39. Кузык Б.Н., Яковец Ю.В. Россия- 2050. Стратегия инновационного прорыва. М. «Экономика». 2004.

40. Остонақулова Г.М., Икромов И.С. Саноат корхоналарини экспорт салоҳиятини оширишда банк тизимининг ўрни. Т.: ТДИУ, 2013.

41. Сиражиддинов Н. Проблемы повышения эффективности внешней торговли Узбекистана. Т.: УМЭД, 2004.

42. Алимов Р.М. и др. Центральная Азия: геоэкономика, геополитика, безопасность. Т.: 2002.
43. Назарова Г.Г., Хайдаров Н.Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар. – Т.: ТДИУ, 2005.-273 б.
44. Ишмухамедов А.Э. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиётига интеграция. Т.:ТДИУ. 2004.
45. Шоҳаъзамий Ш. Жаҳон молиявий инқирози сабаблари, давомийлиги ва сабоқлар. //Иқтисодиёт ва таълим. 2008, №4.
46. Шаакрамов Қ. Глобаллашув шароитида мамлакатнинг индустриал-инновацион ривожланиши ва иқтисодий ўсиш омиллари. //Иқтисодиёт ва таълим. 2008, №4.
47. Мухитдинов Х. Ўзбекистон иқтисодиётини инновацияли ривожлантириш истиқболлари. //Иқтисодиёт ва таълим. 2008, №4.
48. Морозов Ю. Россия, запад и страны ШОС в энергетических проектах Центральной Евразии. //Центральная Азия и Кавказ. 2008, №5.
49. Шишков Ю. Регионализация и глобализация мировой экономики: альтернатива или взаимодополнение? //МЭ и МО, 2008, № 8, с.7.
50. Рахимов М. Межгосударственные интеграционные процессы в Центральной Азии: состояние, проблемы и перспективы. //Общественное мнение. 2008, № 19
51. Исамухамедов А. Ўзбекистон ва ШХТ мамлакатлари: экспорт ва импорт шарҳи.//Ҳамкор.Уз.2008, № 17.
52. Икромов И.С. Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда банк тизимининг ўрни. Т.: ТДИУ, 2013.
53. Чет эл инвестицияларини жалб этишнинг истиқболли йўналишлари.//Ҳамкор.Уз.2008, № 17.
54. Ҳасанов Ш., Нурматов Н., Убайдуллаев О. Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги янги халқаро шартномалари. //Ҳамкор.Уз.2008, № 16.
55. Рустамова Л. Дальнейшее укрепление регионального сотрудничества в сфере торговли и транспортных коммуникаций. //Бизнес вестник Востока. 2008, №10.
56. Хашимов А. ЦАРЕС: измерение в сфере энергетики. //Деловой партнер.uz. 2008. № 25.
57. Рахматуллина Г. Проблемы энергетического взаимодействия стран Центральной Азии: некоторые пути решения вопроса. //Центральная Азия и Кавказ. 2007, №4.
58. Ценовые игры России на рынке государств Центральной Азии. //Центральная Азия и Кавказ. 2008, №5.
59. Бобоев А. Дўстлик ва ҳамкорлик самаралари. //Халқ сўзи. 2008. № 81.
60. Бобоев А. Қадимий қардошликка асосланган ҳамкорлик. //Халқ сўзи. 2009. № 42.
61. Ревякин Е. Инерция интеграции как одна из особенностей ее динамики. //“Мировая экономика и международные отношения”. 2006, №7.

62. Клинова М. Новый «экономический патриотизм» в Европе: хорошо забытое старое. //МЭиМО, 2008 № 4.

63. Тауш А. «Разрушительное созидание»? (Рассуждения в духе Шумпетера о некоторых трендах и Лиссабонском процессе в Европе) //МЭиМО, 2008, № 10.

64. Абдуллаева Л. Расширение Европейского союза и торгово-экономическое сотрудничество стран Центральной Азии. //Экономическое обозрение. Июнь, 2004.

65.Орифхонов Ш. Марказий Осиё умумий бозоринг Ўзбекистон миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда шаклланиши. //Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот ва таҳлилий шарҳ. Т.2006.

66.Bhagwati J. Termites in the Trading Sistem: How Preferential Trade Agreements are Undermining Multilateral Free Trade. Oxford, 2007.

67.Keet P., De Villiers R. South Africa and the Non Aligned Movement in an Area of Regionalization and Globalization. Pretoria, 1999.

68.Byee M. Unions douanaieres et donnees nationales. 1950. Viner J. The Customs Union Issue. N.Y. 1950.

#### **VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар**

69. XXII Международные Плехановские чтения М.: 2009

70. “Иқтисодиёт ва таълим” журнали. 2007-2009 йй.

71. “Халқ сўзи” газетаси. 2009-2012 йй. сонлари

72. “Правда Востока” газетаси. 2009-2012 йй. сонлари

73. “Экономическое обозрение” журнали. 2009-2012 йй. сонлари

74. “Мировая экономика и международные отношения” журнали. 2006-2009 йй. сонлари

75. Статистическое обозрение Узбекистана. Т.: 2012

76. World Economic Outlook. IMF.

77. UNIDO Industrial Development Report .

78. IMF. World Economic Outlook.

#### **VII. Интернет сайтлар**

79. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)

80. [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)

81. [www.mfer.uz](http://www.mfer.uz)

82. [www.UzA.Uz](http://www.UzA.Uz).

83. [www.review.uz](http://www.review.uz)

84. [www.cer.uz](http://www.cer.uz)

85. [www.businesspress.ru](http://www.businesspress.ru)

86. [www.mfa.uz](http://www.mfa.uz)

87. [www.urto.ru](http://www.urto.ru)

88. [www.reuters.ru](http://www.reuters.ru)

89. [www.centran.ru](http://www.centran.ru)

**«Трастбанк» ХОАББ фаолиятининг асосий  
йўналишлари қуйидагилардан иборат:**

Жисмоний ва юридий шахслар учун миллий ҳамда хорижий валютада ҳисоблар очиш ва юритиш;

Маблағ эгаси ёки мазкур маблағга эгалик ҳуқуқи бўлган шахс билан тузилган шартномага биноан пул қўйилмаларини бошқариш;

Банк ва пул ўтказмаларини амалга ошириш;

Пластик карточкалар бўйича миллий валютада, шунингдек, VISA Elektron, VISA Classic, VISA Business, VISA Gold халқаро карточкалари бўйича хизматлар кўрсатиш;

Турли валюталарда муддат талаб қилгунга қадар (муддатли) ва жамғарма қўйилмаларини жалб этиш;

Ўзлик маблағлари ва жалб қилинган маблағлар ҳисобига турли шаклларда ҳамда турли мақсадлар учун кредитлар тақдим этиш;

Молиявий лизингни ташкил этиш ва амалга ошириш;

Қимматли қоғозлар билан амалиётларни амалга ошириш;

Экспорт-импорт амалиётларини олиб бориш;

«Банк-Мижоз», «СМС-Банк», «Интернет-Банк» тизимли хизматларини таклиф этиш;

Банк соҳасида маслаҳат ҳамда ахборот хизматларини кўрсатиш;

Халқаро банк амалиётига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган банк амалиётларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияда алоҳида белгиланган бошқа амалиётларни амалга ошириш.

## МОЛИЯ-БАНК ТИЗИМИДАГИ ЮТУҚЛАР

|   |                                                                                   |               |
|---|-----------------------------------------------------------------------------------|---------------|
| 1 | • БАНК ТИЗИМИНИНГ ЖАМИ КАПИТАЛИ 2012 ЙИЛДА ОШДИ                                   | 24,3 фоизга   |
| 2 | • РЕАЛ СЕКТОРГА ҚАРАТИЛГАН КРЕДИТЛАР МИҚДОРИ 2011 ЙИЛГА НИСБАТАН 2012 ЙИЛГА ОШДИ  | 1,3 баробарга |
| 3 | • ИЖОБИЙ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГА ЭГА БЎЛГАН БАНКЛАР СОНИ                                 | 28 та         |
| 4 | • 2012 ЙИЛ БАНК ТИЗИМИНИНГ ЛИКВИДЛИЛИГИ ТАЛАБ ҚИЛИНГАН МИНИМАЛДАН 2 БАРОБАР ОРТИБ | 65%дан орти   |
| 5 | • БАНК ТОМОНИДАН АЖРАТИЛАЁТГАН КРЕДИТЛАРНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ УЗОҚ МУДДАТЛИ           | 76%дан зиёди  |